


Ҳамидхон НАБИЕВ



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ
БЎСТОНИ



Ҳамидхон НАБИЕВ

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БУСТОНИ

Маънавий-маърифий муроҷааталар



«Наманган»
нашиёти

Ҳамидхон Набиев 1936

йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1953 йилда шаҳардаги 7-сон урта мактабни олтин медал билан, 1958 йилда Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тарих факультетини имтиёзли диплом билан битирган.

Ҳ.Набиев меҳнат фаолиятини 1958 йилда Наманган Давлат педагогика институти (ҳозирги Наманган Давлат университети)да бошлаган. Бу ерда ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири, ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор вазифаларида меҳнат қиласан. 1971 йилдан 1988 йилгача собиқ Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят комитетида маъсъул лавозимларда ишлаган. У 1989-1991 йилларда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиалининг директори, 1992 йилдан то 1999 йилгача, яъни нафақага чиққунга қадар, шу филиал негизида ташкил этилган Наманган Муҳандислик-иктисодиёт институтининг ректори вазифаларида фаолият кўрсатган. 1999 йилдан бошлаб мазкур институт «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасининг мудири лавозимида меҳнат қиласан.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳамидхон ҳожи Набиев 100 дан ортиқ рисола, илмий мақола, ўқув ва услубий қўулланмалар муаллифидир. Уларнинг энг муҳимлари қатор хорижий тилларга таржима қилинган.

Матбуот билан ҳамнафас олим Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзосидир.



389-576,89-998,340

НГ ----- 2004 йил.

390-6,5-(01)-04

© Ҳ.Набиев, «Наманган» нашриёти

ЭЗГУЛИККА ТАШНА ҚАЛБ

Маънавий-маърифий ислоҳотларни чуқурлаштириш - бугуннинг долзарб вазифаси, давр талаби. Бу борадаги ишларимизнинг самарали бўлишида эл-юртга таниқли нуронийларнинг хизматлари бекиёс.

Ҳамидхон Набиев катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган зукко олим, зиёли сифатида муайян ақл, тафаккур ва ихлос билан иш тутиб, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётган ардоқли инсонлардан бири. У нафақада бўлишига қарамай, узоқ йиллар давомидаги раҳбарлик, илмий-педагогик фаолиятида тўплаган бой тажрибасини, кўплаб манбаларни қоғозга тушириб, самарали ижод қилмоқда. Ҳ.Набиев кейинги йилларда «Умр чечаклари», «Маънавиятимиз сабоқлари» номли рисолаларини чоп эттирди. Уларни жамоатчилик илиқ кутиб олди.

Ҳамидхон ҳожи Набиевнинг «Қадриятларимиз бўстони» номли китоби бугунги долзарб мавзу - инсон баркамоллигининг, ижтимоий тараққиётнинг бош омили ҳисобланган маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат тўғрисидаги ўй-фикрлардан иборат бўлиб, уни ўқиган кишини бефарқ қолдирмайди.

Муаллиф қадриятларимизда тараннум этилган ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, миллатпарварлик, адолатпарварлик, ҳалоллик, бағрикенглик, оиласпарварлик, эътиқод даражасига кўтарилиган одамийлик каби хусусиятларни, минг йиллардан бўён такомиллашиб қелаётган бебаҳо туйгуларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқарган.

Ҳ.Набиевнинг маънавий-маърифий мушоҳадалари, фикрлари самимий, лўнда ва равон, хулосалари эса турмушга яқин, ҳаётий. Муаллиф, образли қилиб айтганда, кенг ва чуқур маъноли қадриятларимизга гўёки ҳаёт бўстонидаги гуллар сифатида алоҳида-алоҳида тавсиф бериб, ўзига хос гулдаста тайёрлаган.

Пайғамбаримиз Мұҳаммад (С.А.В.) Ҳадисларидан, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан, буюк алломалар,

олиму фузалолар, машхур кишилар, атоқли адабиёт ва санъат намояндаларининг ибратли ҳаёти ва доно фикрларидан, шунингдек, ҳалқ мақоллари, ҳикматли сўзларидан унумли фойдаланганлиги мазкур китобнинг илмий қиммати ва тарбиявий аҳамиятини яна-да оширган.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2004 йилни «Мехр ва муруваттаги йили» деб эълон қилиниши миллий қадриятларимизга ҳурмат-эътиборнинг ёрқин тимсоли ҳисобланади. Шу муносабат билан «Мехр ва муруваттаги йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Президент Фармойишида ҳам миллий қадриятларимизни ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Ҳамидхон Набиевнинг мазкур китоби бу жиҳатдан ҳам таҳсинга сазовор.

Китоб нафақат ўқувчи, талабалар, шу билан бирга барча ёшдаги кишилар учун муайян маънавий озуқа беради, уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ижодий ва меҳнат фаоллигини оширишга даъват этади, деб умид қиласман.

Исматулла Абдуллаев,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауэрати, филология фанлари доктори, профессор.

Истиқлол шароғати билан маънавият, миллий қадриятларимиз булоқларининг кўзи очилди. Биз бу булоқларнинг зилол сувидан баҳраманд бўла бошладик. Бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини обикавсардек кўзимизга суртмоқдамиз.

Ислом Каримов

МУКАДДИМА

Мустақил Ватанимизда эркин ва фаровон ҳаётни қарор топтириш йўлида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, барча жабҳаларда асрларга тенг муваффакиятлар қўлга киритилмоқда. Буюк кёлажакка қаратилган янгиланиш ва тараққиёт йўли, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги - тарихий саъй-ҳаракатимизнинг бош мезонларидир. Ютуқлар замирида муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигига олиб борилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни ётибди, албатта. Бугун Ўзбекистонда ислоҳотлар муқаррар тус олди, энди уларни орқага қайтариб бўлмайди. Юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз берәётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Маълумки, мустабид тузум шароитида миллий-маънавий қадриятларимиз - миллатимизга тегишли бўлган барча ахлоқий, диний, моддий, ҳуқуқий, бадиий меросимиз муайян тазиيқларга, чеклашларга, ҳатто тақиқлашларга учраган эди. Эндиликда миллий қадриятларимиз тикланиб, шаклан ва мазмунан бойиб бормоқда. Миллий қадриятларни эъзозлаш борасида катта хайрли ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида Ватанимизнинг янги

қиёфаси ва ватандошларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Миллий қадриятларимиз тарғиботи бундан минг йиллар илгари қанча долзарб бўлса, бугун ҳам шу қадар муҳим аҳамият касб этади. Демак, у асрлардан-асрларга, насллардан-наслларга, авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб қолаверади.

«Барчамиз яхши биламизки, - деб таъкидлайди Президентимиз И.Каримов, - фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиласидан тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоги керак.

* Мана шу уч буюк қадриятни ҳалқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган».

Юртбошимизнинг бундай хулоса ва кўрсатмалари саховатли ишларда дастурламал бўлиб хизмат қиласиди.

Бинобарин, биз ҳалқимизнинг бой меросидан руҳий қувват ва илҳом олиб, миллий қадриятларимиздан кенг фойдаланишимиз лозим. Шуни таъкидлаш керакки, миллий қадриятлар ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳалқимиз ўз қадриятларини сақлаши, уларга содик қолиши лозим. Шу билан бирга қадриятлар янгиланиб, бойитиб борилиши, ижтимоий тараққиётнинг омили бўлиб хизмат қилмоғи зарур бўлади. Бу ишларни амалга оширишни, айниқса, ёшларсиз, уларнинг куч-кудрати, билими, салоҳияти, ақл-идрокисиз тасаввур этиш қийин.

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилгандир. Ешларимиз иккитиник чашмадан: азалий қадриятларимиз ва жаҳоний тараққиётдан баҳра олишлари лозим. Зотан, шу иккиманбанинг пайвандлашуви миллатимиз буюклигини таъминловчи омилдир. Қадриятларнинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига уларнинг дунёқараси, ёш хусусиятларини, қизиқишлар оламини ҳисобга олган ҳолда сингдириб боришимиз керак. Бу йўлда маънавий-маърифий тарғиботнинг мунтазамлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш муҳимдир. Модомики, юртимизнинг тақдири ёшлар қўлида экан, улар қадриятларимизга интилиб, унга амал қилиш билан ўз борлигини шу азиз Ватанимиз, унинг буюк келажаги, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун сафарбар этиши лозим булади.

Камина муайян ҳаёт тажрибасига эга бўлган бир зиёли сифатида қадриятларимизни тарғиб қилишни ўзимнинг виждоний бурчим деб қараб келмоқдаман. Қўлингиздаги китобда қадриятларимиз, унинг ҳаётимиздаги тутган ўрни ҳақида баҳоли қудрат қалам тебратишга жазм этдим. Ўзингизга маълумки, қадриятларимиз кенг қамровли, чуқур маъноли, бебаҳо уммондир. Табиийки, унинг ҳамма қирраларини батафсил акс эттиришсанча мушкул ишдир. Бинобарин, ҳаёт синовларидан ўтган, ростлигига иймон келтирган буюк қадриятларимизни тўла-тўкис ёритишга даъво қилмаган ҳолда фикр ва мулоҳазаларимни билдиришга ҳаракат қилдим.

Рисола азиз ва ҳамиша қадрли китобхонда озгина бўлсада қизиқиш туғдирса, ўзимни мақсадимга эришдим, деб ҳисоблай оламан.

МАЊНАВИЯТ - ТАРАККИЁТ ОМИЛИ

Она битта, Ватан ҳам биттадир. Бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, сотилмайди, сотиб олинмайди, инъом этилмайди. Ватан нон каби қиммати пасаймайдиган дурдонага ўхшайди. Ватанин суюб «Она Ватан» деймиз. Ватан тупроғи бобокалонларимизнинг муқаддас ҳокидир. Шунинг учун ҳам иморат тиклашда ёки девор урушда мутасадди усталар лой қоришдан аввал аждодлар руҳини ёдлаб, оятлар ўқийдилар.

Машҳур ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний: «Ҳатто ҳовли-жойини, богу бўстонини сотиб, ҳаж зиёратига, Каъбага отланганлар ҳам оқибат қайтиб, ўз Ватанига келурлар, уларни тортиб келувчи қувват шу тупроқ, шу Она-Ватанга меҳр-муҳаббатдир», - деб қайд этган эди.

|| Ватан - гўзал макондир. Унинг ҳатто аччиқ тутуни муаттар ҳавога, чақир тиканаги гулга, қурбақасининг овози булбул хонишига қиёс этгуликдир|| Диёrimизнинг биллурдай шаффоғ ҳавоси, хушбўй гул ҳидлари қалбимиз ардоғидадир. Аллоҳ назари тушган юртимизнинг виқорли тоғлари, олтин водийлари, зилол сувлари, дилга ором берувчи майнин шаббодалари, калтакни экиб қўйсанг қўкариб, барг ёзиб мева берадиган серҳосил тупроғи, энг муҳими, бағрикент, ширин сўзли, ор-номусли, фидойи меҳнаткашларининг борлиги алоҳида маъно ва мазмун бахш этади.

Халқимизнинг атоқли фарзанди Ойбек файзли диёризмни шундай таърифлайди:

*Бир ўлкаки тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки қишлоғида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки сал кўрмаса қуёш согинар...*

|| Ватан соғинчи шундай бир муқаддас туйғуки, унинг ўрнини ҳеч бир нарса билан тўлдириб бўлмайди|| Она тупроқ соғинчи хижратда юрганларни бир нафас тарқ этмаганлигига тарихимиз гувоҳлик беради.|| Биз нафақат ўзга юртларга чиққанда, балки ўз юртимизда ҳам Ватан соғинчи билан

яшаймиз. Ватан муқаддаслиги хұжакұрсинга мадхиябозлик, замонасозлик, қарсақбозлик ёки қоғозбозликда әмас, балки юракка битилган булиши керак. Ватанга бұлған мұхабbat фарзанд вужудига она сути биһан кириши лозимдир. Ана шундагина фарзанд үз юрти учун жон фидо қиласы. Шу азиз Ватан, унинг саодатли келажаги учун фидокорона мекнат қилиш, мустақилликни қадрига етиш, уни турли бало-қазолардан асраб-авайлаш ҳар бир үзбекистонлик учун шарафли вазифа, муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон байроби, герби, мадхияси маънавиятимизнинг энг мұхим тимсоллари ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли үз миллий байробимизга ҳам эга бұлдик. У юрак деган матодан яратилди. Инқилобчилар ҳатти-харакатини, мақсадини акс эттирувчи «қызыл байроқ» ҳам барҳам топди. Эндиликда юртимизнинг мағрур байроби дунё узра хилпираб турибди. Бундай байроққа эга булиш осонликча кечмаган. Күхна тарихимиз үз байроби атрофида бирлашиб, бир жону бир тан булиб, Она-Ватан мустақиллиги учун курашган авлод-аждодларимиздан ҳикоя қиласы. Маълумки, «Ё Ватан, ё шарофатли үлим» деган хитоби билан мугуллардан Хоразмни озод қилишга отланған 76 ёшли шайх Нажмиддин Кубро қаҳрамонона шаҳид бұлғанлар. Кафтида Ватаннинг шонини маҳкам тутиб жон таслим қылған Кубронинг құл панжалари дағын пайтида ҳам очилмаган, ул зот боқий дунёга ҳам бир парча Ватан бұлаги билан кетган эканлар.

Мустақиллик шарофати билан байробимизнинг юксак қадрига эга бұлдик. Унинг БМТга аязо давлатлар байроқлари қаторида Нью-Йоркта мағрур кутарилиши, дунё тан олган спортчиларимизнинг байробимизга тиз чүкиб, юз-күзларига сурттанча мусобақаларда ғалаба қозонаётғанлиги ва албатта, байробимизнинг халқаро шоҳсупаларда хилпираётғанлиги бизга завқ-шавқ бағишлиайди, шукроналикни туғдиради.

Республикамизнинг Давлат гербіда баҳт-саодат, әркес-варлик рамзи – Хumo қуши тасвирланған. Унда жипслик ва барқарорлық рамзи сифатида юлдузлар жилоси берилған.

Қүёш нури халқимиз ҳаёт йўлининг ҳамиша нурли бўлишига ишора бўлса, бошоқ ва пахта чаноқлари ризқ-рўзимиз, бойлигимиз белгисидир. Гербимиз ҳар биримиз ўз тақдиримизни Ватан тақдири билан боғлаган ҳолда, куч-ғайратни Она-Ватанга, унинг буюк келажагига бахшида этиш сари илҳомлантиради, қалбимизни мустақил диёrimizга бўлган ғурур билан тўлдиради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақил давлатимиз тузилиши, халқимиз табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларни ўзида акс эттирган. Мадҳия оҳанги ва сўзида юртпарварлик ва ҳақсеварлик туйгулари, миллатнинг асрий эзгу ниятлари, орзуармонлари, ўтмиши, бугуни ва эртаси үйғунлашиб кетгандир. Юртимиз куч-қудрати, халқимиз ақл-заковати, аждодларимиз шон-шуҳрати, баҳтиёр авлодлар ёруғ келажагини шарафловчи бу буюк қасида ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун азиз ва муқаддасдир. Мадҳия садолари бугунги кунда мамлакатимиз ташқи ва ички доирасидаги барча сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда ва нуфузли спорт мусобақалари чогида барадла жарангламоқда. Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янграганда жаҳон мамлакатлари оёққа турмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, АҚШда Давлат мадҳияси ҳар бир американлик қалбидан чуқур жой олган, мадҳияни кўйлаш улар учун ҳаётий заруратга айланган. Ҳатто Америка ҳудудига кириб борувчи самолёт пассажирлари - американликлар қўниш эълон қилиниши билан қўлларини юраклари устига қўйиб, ўз ватанлари ҳақидаги қўшиқ - мадҳияни пичирлаб кўйлай бошлар эканлар.

Лекин рўй-рост айтиш керакки, бизда мадҳиямизни билишда, кўйлашда лоқайдлик, беписандлик, журъатсизлик каби нуқсонлар ҳали ҳам мавжуд. Бинобарин, барча жамоаларда, ўқув-тарбия муассасаларида, маҳаллаларда мадҳияга эътибор Ватанга эътибор даражасига кўтарилиши керак. Мадҳиямиз авлодларни шу жонажон юртга муҳаббат,

садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялаш учун хизмат қилмоги лозим.

Маҳалла миллий қадриятларимизнинг манбаи ва маскани ҳисобланади. Маҳалладошлар бир-бирлари билан ота-она, опа-сингил, ака-ука, қуда-андада, дўст-биродар бўлиб яшашади.

Маҳалла ҳақида Президент И.А.Каримовнинг берган баҳоси дикқатга сазовордир: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикрлари шаклланади. Бу эса ҳалқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Мамлакатимизда кўп кирралий ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».

Юртбошимиз томонидан 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши бу муқаддас маконнинг чексиз имкониятларини рӯёбга чиқариш, унда яшовчилар учун хайрли ишларни амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқодидан қатъий назар, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабати, ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосига қурилган гўшадир.

Маҳалла катта мамлакат ичидаги кичик бир шаҳардир. Буюк шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий «Хайратул аброр» асарида маҳалла таърифини бундай келтиради:

*Шаҳарлар отини маҳаллот этиб,
Бўлди чу юз шаҳр Хири От этиб.*

Ҳалқимиз асрлар оша маҳалланинг мазмун-моҳиятини, нуфузини сақлаб қолди. Маҳаллада бошқарув тизими, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият

тизими мавжуд. Бундай тизим қўпгина мамлакатларда йўқ ва уни тасаввур ҳам қила олмайдилар.

Маҳаллада шарқона анъаналар, урф-одатлар ва удумларни жамоатчилик асосида амалга оширилади. Маҳаллада булаётган ҳар бир тантана ёки мағосимда каттаю кичик барча иштирок этади.

«Бир болага етти қўшни ота-она» нақли бежиз пайдо бўлмаган. Маҳаллада ёшларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати барчанинг дикқат-марказида бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, қўпгина чет мамлакатларда ҳатто ён қўшнилар ҳам бир-бирларини танимайдилар. Маҳаллада эса ҳамма' бир-бирини танийди, қўшничилик алоқаларини ўрнатади, қувонч ва ташвишларини биргаликда баҳам куради. Ҳар бир шахс ўз инсоний фазилатларига, аввало, маҳалла таъсири остида эга бўлади. Бу ерда инсон туғилиб, то охирги нафас олгунга қадар, гудакнинг ақиқа тўйидан тортиб, то сунгги йўлга кузатиб қўйишгача жараёнда маҳалла аҳли бир-бирлари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлади. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, оила тинчтотувлиги, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳалла - муроса маскани, муаммолар шу ерда бартараф этилади. Айниқса миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёсдир. У - меҳр ва мурувват булоғидир.

Маҳалла - маънавият ўчоги. Унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш фаоллар, нуронийлар ва зиёлиларнинг доимий муҳим вазифасидир.



Китобга ҳурмат ва эҳтиром азалий қадриятларимиздандир. Ота-боболаримиз китобнинг устидан хатлашни гуноҳӣ азим ҳисоблашган, уни офтобга тенглаганлар. Ҳатто ундан-да ёругроқ эканлигини таъкидлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, офтоб ҳар куни вақтинча нур сочиб, ўз ўрнини, албатта, тунга бўшатиб

беради. Аммо китоб кун-тун, фасл ва манзилларга боғлиқ бўлмайди. Китобдан олган билим йўқолмайди ёхуд уни бирорлар ўзлаштириб ололмайди. Оналаримиз бешикдаги гўдак ёстигининг тагига китоб ва нон қўйганлар. Бунда катта бир ҳикмат бор. Китоб инсон қалбини нурга тулдириб, умрининг охиригача ёритиб туради. Буюк алломаларимиз жаҳон цивилизациясига катта ҳиссаларини китоб воситаси ила қўшганлар. Биргина мисол: қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси унинг 152 асарида акс этган. Унинг қизиқкан соҳаларини санаб чиққандан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонроқ экан.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Беруний кексайиб, ӯлим тўшагида ётган пайтида ҳам қўли қаламдан, қўзи китобга қараашдан, кўнгли фикрлашдан сира бўшамаган экан. Ҳатто ӯлимидан бир нёча дақиқа аввал у шаҳар қозисидан мерос ҳақида берган саволининг изоҳини эшишган, унинг моҳиятини билиб қолган. Эътиrozларга жавоб бериб, «Билиб ўлишим, билмаган ҳолда ўлишимдан яхшироқдир», - деб жавоб берган.

Буюк аллома Абу Наср Форобий Дамашқда бир боғда қоровул бўлиб ишлаган. Чунки бу лавозим шам билан таъминланар, демак, тунда китоб ўқиш учун унга имконият яратилар экан. Буюк табиб Абу Али Ибн Сино Бухоро амирини даволагач, хизмати эвазига олтин эмас, балки сарой кутубхонсидан фойдаланишга руҳсат сўрагани ҳам тарихимиздан маълумдир.

Ҳазрати Жомий:

«Аҳтариб чиқсанг ҳам бутун дунёни,

Топмассан китобдан ортиқ дунёни», - деб китобни улуғлаган.

Маънавиятимизга эътибор китобга бўлган муносабатдан, бошланади. Буюк ҳукмдор, донишманд Искандар Зулқарнайн китоб ўқишга қизиқар, ҳатто шахсий ханжари билан бирга Хомернинг «Илиада» китобини дўимо ёстиги остида сақлар экан.

Ўзларининг асрий урф-одатларига содик грузинларда турмушга чиқаётган қизга энг ноёб сеп сифатида Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини бериш одати бор.

Японияда, масалан, турмуш қураётган йигит ва қизнинг китоб ўқишига муносабатини ўрганишга жиддий эътибор қаратишади. Йигит ва қизнинг қанча ва қандай китоб ўқиши улар тутган кундалик дафтарларини бир-бирлари томонидан танишуви асосида аниқланади. Ҳар бир япон хонадонининг мұъжаз кутубхонаси бор. Хитойнинг жанубидаги Юнь-нань вилоятида йилнинг уч ойи ёғингарчилик билан үтгани боис аҳоли китоб ўқиш билан мунтазам машғул бўлар экан. Бу мисоллар жойларда китобга бўлган меҳр ва ибрат намунасини ифодалаб беради. Лекин бугун китоб вараглашдан кўра пул санашга қизиқиш кучаймоқдаки, бу ҳолат маънавиятимизнинг қашшоқлашиб бораётганидан далолат беради. Баъзи бир кишилар китоб жавонларини китоблар билан тўлдирадилар, ундаги китобларни кўз-кўз қиласидилар, гўёки шу билан ўзларини билимли, маънавиятли деб ҳисоблайдилар. Лекин бу китоблар ўқилмайди, уларда бармоқ излари, букилган жойлар ҳам йўқ, бир оз униқкан ҳолати ҳам кўзга ташланмайди, хуллас, йиллар бўйи уларга қўл теккизилмайди. Ардоқли шоир ва ёзувчи Асқад Мухтор «китоб бойлик, фақат сотиб олингани эмас, ўқилгани» деб жуда тўғри таъкидлаган. Китоб ўқиш инсонга нур ато қиласиди. Минг афсуски, айрим ёшлар юз-кўзини нур ўрнига, бўёқ-безаклар қуюкроқ эгаллаб юбормоқда. Бир замонлар китоб совға қилиш катта бир меҳр-мурувват тимсоли бўлса, эндиликда у ҳатто назарга олинмайдиган, ғайриоддий ҳолатга айланиб қолмоқда. Яхшироқ кийинишига, майшатга, фахш, зуравонлик, гиёхвандлик ва бошқа нохуш жараёнларга интилиш айрим ёшларнинг ҳаёт мезонига айланмоқда. Ташки кўринишига эътибор бераётган ёшлар китоб ўқимаса ботинан қашшоқликка маҳкумдирлар. Улар буюк насл-насад ва аնъаналаримизнинг давомчилари була олмайдилар. Китобнинг буюк бунёдкорлик ва ижодкор-

лик кучини пасайтиришга, камситишга ҳақимиз йўқ. Буни келажак авлод асло кечирмайди.

Энг аввало, китобга меҳр-муҳаббат уйғотиш даркор. Бундай олижаноб ҳаракатни биринчи навбатда боғчалардан бошлиш, сұнгра мактабларда, колледж, лицей, олий ўқув юртларида изчил давом эттириш, умуман, китобга муҳаббатни ҳар бир оиласы шаклланишига эришиш лозим. Маълумотларга қараганда, республикамизда мавжуд маҳаллаларнинг факат 15-20 фоизигина ўз кутубхонасига эга экан. Ҳолбуки, маҳалла гузарларидан мұйжазгина бир хона топиб, уни кутубхона қилиш, китоб фондини фуқаролар хонадонида фойдаланил-маётган китоблар ҳисобига бойитиш мүмкін. Бунда маҳалла табдиркорларининг ва зиёлиларининг моддий ва маънавий ёрдамига таяниш лозим. Маҳаллаларда «Ибратли хонадон» танлови эълон қилиниб, унда оила кутубхонаси бор-йўқлиги, оила аъзоларининг китобсеварлик даражаси ҳам ҳисобга олиниши керак. Ўқув юртларида «Энг яхши китобхон» танловини мунтазам ўтказиб борилса, меҳнат ва ўқишида энг яхши құрсаткичларга эришган кишиларни нафақат қимматбаҳо буюмлар, шу билан бирга китоблар совға қилиш билан ҳам рағбатлантирилса, мақсадға мувофиқ иш бўлар эди. Шунингдек, китоб ўқиш бўйича ҳозирги ҳаёт тақозо этадиган бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш зарурдир. Хуллас, таниқли шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат құрсатған фан арбоби, ўнлаб ажойиб илмий асарлар муаллифи, китобнинг жонкуяр тарғиботчиси Исматулла ҳожи Абдуллаев жуда ўринли даъват қилғанларидаи: «Китоб бебаҳо ҳазина, устоз, мураббий, маънавий-маърифий ҳаётимиз манбаи, фарзандларимизни тарбиялашнинг асосий қуроли, кўзимиз нури, дилимиз, ақлимиз, фаҳму фаросатимиз озуқаси эканлигини унутмайлик».

Тил – миллат ва маънавият кўзгуси. У ҳалқ тараққиётида ғоят муҳим ўрин тутади. Мурғак гўдак қалбига она сут ва тил

мехрини беради, алла билан қулоққа қуяди. Шунинг учун она тили дейилади. Аммо ота тили, тоға, амма, хола тили дейилмайди. Ўзбек адабий тили асосчиларидан бири Ҳазрат Алишер Навоий машҳур «Ҳамса»ни туркий тилда ёзган. У она тилисини

«Түрк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам» –

деб таърифлаган эди. Кўхна тарихимиз далолат беришига қараганда, Навоийнинг дўсти, шоҳ ва хассос шоир Ҳусайн Бойқаро шу муносабат билан уни оқ отга миндириб, от жиловини ўзи ушлаб Ҳиротни айлантириб чиқсан, буюк шоир хизматини шундай шарафлаган, эл-юртга яна бир бор танитган экан.

Шуни таъкиддаш керакки, ўтмиш замонларда тилимиз миқёси чегараланган, худди қафасда яшаган қушдай тасаввур тугдирар, шўро тузуми даврида рус тили ҳукмрон тилга айланган ва ҳар қандай мажлислар, унинг қўпчилик иштирокчилари ўзбек бўлса-да, рус тилида ўтказилар, йўқса иштирокчилар «миллатчи» деб айбланаарди. Ўзбекистон фирмә қўмитаси раҳбари, марҳум Шароф Рашидов ҳам йилда фақат бир марта – пахтакорлар қурултойида ўзбекча гапиран эди.

Дарҳақиқат, «руслаштириш» гояси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига изчил кириб борган, боғча, мактаб, техникум ва олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ҳафтанинг маълум кунини «рус тилини ўрганиш куни», деб эълон қилинган эди.

Рус тилини улуғлаш гояси бадиий адабиётда ҳам кенг акс этган эди. Биргина мисол: ёзувчи В.Воронцовнинг «Симфония разума» – «Тафаккур гулшани» китобида шуро ва чет эл ёзувчилари, олимлари, рассомлари, сиёсат ва давлат арбобларининг ҳикматли сўзлари тўплланган. Ундағи жами 6415. ҳикматли сўздан, атиги 163 таси ёки 2,5 фоизигина Шарқ донишманларига тегишлидир. Катта совет энциклопедиясида

ҳазрат Навоий ҳақида 2,5, рус шоири Некрасов ҳақида эса 4,5 устун мақола берилган.

Мустақиллик туфайли ўзбек тилига Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили» мақоми берилди. Шу билан бирга диёримизда яшовчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳурмат қилинмоқда, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилмоқда. Хусусан, республикадаги 10 мингга яқин мактабнинг 1032 тасида рус, 247 тасида қорақалпоқ, 43 тасида қозоқ, 79 тасида тожик, 3 тасида қыргыз, 6 тасида туркман тилларида машғулотлар олиб борилади.

Холбуки, Эстонияда, масалан, фуқаро булиш қийин кечади. Паспорт олиш учун у ерда, албатта, эстон тилидан жиддий имтиҳон топшириш лозим. Шунинг учун русий забон оиласалар болаларини фақат эстон тилида ишлайдиган боғча ва яслиларга беришади.

Дунёда миллатлар, тиллар кўп. Ҳар бир миллат ўз тилини севади ва иймон-эътиқод билан ардоклайди. Машҳур авар (Догистон) шоири Расул Ҳамзатов ёзишича, Францияда ишлаш учун кетган авар йигити бир киши орқали онасига салом йўллади. Онанинг «Айтинг-чи, ўғлим менга саломни қайси тилда йўллади», деган саволига у киши «француз тилида» деб жавоб қайтаради. Она эса «Ўз тилини йўқотган ундан ўғлим йўқ, уни тан олмайман», - дейди изтироб билан. Ҳа, тил тушунчаси она-Ватан тушунчаси билан ҳамоҳангидир. Хорижий тилда «сайраб», ўзбек тилида «дудуқланаётган» ёшларнинг ишини тилни ва демак, ватанни камситиш деб баҳолаш лозим.

Ўзбек тили бой, жозибали ва гўзалдир. Уни асрашавайлаш, соғлигини сақлаб, келажак наслларимизга етказиш виждан амри, ҳақиқий миллатпарварлик намунасиdir. Қалбимизда она тилимизга чуқур эҳтиром, ҳурмат туйғуси мужассамлашган бўлиши, хусусан, тенги ва нисбати йўқ буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳар бир асари нафақат китоб жавонларидан жой олиши, балки муҳаббат билан ўрганилиши керак. Унинг камида 100 қатор шеърини ёд бидмаган ўзбекни, айниқса, зиёлини ҳақиқий зиёли деб бўлмайди: фикримча.

Миллатни хурмат қилиш, энг аввало, унинг тилини қадрлаш ва эъзозлашдан бошланади. Орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай ҳеч эсимдан чиқмайдиган бир воқеани ҳикоя қилиб берай. Республика радиосининг 50 йиллик юбилейи тантаналарида Москвадан машҳур сухандон Левитан ҳам иштирок этган эди (кекса авлод уни иккинчи жаҳон уруши жанг воқеаларидан хабардор қилган қудратли овоз соҳиби сифатида эслайди). Йиғилиш ҳайъатида тақдир тақозоси билан икковимиз ёнман-ён ўлтиришимизга тўғри келиб қолди. У мендан аввал «Здравствуйте», сўнгра «Большое спасибо» сўзларининг ўзбек тилидаги таржимасини сўради ва бу сўзларни ён дафтарига қайд этди. Унга сўз берилганда, нутқини жарангдор овози билан «Ассалому алайкум» деб бошлади ва «Катта раҳмат» деган жумла билан тугатди. Зал гулдурос қарсаклардан ларзага келди. Айтмоқчиманки, уша пайтлардаги турли катта-кичик йигинларда фақат рус тилида гапириш қатъий одат тусига кирганди. Давомли қарсаклар эса ўзбекларнинг ўз тилига содиқлиги, уни бундай йиғилишларда ҳам интиқ кутиши, соғинганлигини билдирав, иккинчи томондан ҳар қандай мажлисларни рус тилида олиб борилишига қарши ўзига хос норозиликнинг яққол ифодасига айланган эди.

Бугун республикамиз аҳолисининг ялпи саводхонлиги масаласи тұла ҳал этилган, дейиш мүмкін. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар тўртинчи киши олий ёки ўрта маҳсус маълумот эгасидир. Юртимиз таълим даражаси бўйича ҳақли равишда маорифи юксак даражада тараққий этган мамлакатлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганидан кейин таълим бўғинларида ўзбек тилини ўқитишга эътибор ортди, уни ўрганиш имкониятлари кенгайди. «Тилга эътибор - элга эътибор» сўзи реал мазмунга

эга бўлди. Она тилимизда чиройли, равон сўзлашимиз, бехато ёзишимиз кишига роҳат баҳш этадиган замонлар келди.

Лекин таажоқуб қиладиган бир жараён бор. Мамлакатимиз инсон салоҳияти юксак ривожланган давлат бўлатуриб, ижтимоий ҳаётнинг айрим жабҳаларида саводсизлик, унинг кўринишлари ҳамон ҳукм сурib келмоқда.

Ҳаётдаги айрим хатолик, саводхонликнинг пастлиги ҳатто инсон тақдирини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Айтишларича, армия сафига кетган йигит севгилисига «Азизим, мен сизни сўяман» («сўяман» сўзи ўрнига) деб хат ёзган, бундан қўрқиб кетган қиз бошқа йигитга турмушга чиқиб кетган экан. Демак, саводхонликка жиддий эътибор қаратиш зарур.

Маълумки, саводхонлик ўкув масканлари, энг аввало, мактабларда тұла шаклланади. Бинобарин, биринчи навбатда она тили ва адабиёт ўқитиши сифатини ошириш лозим. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қанча эътибор ва ғамхўрлик зарур бўлса, саводхонликни таъминлашга ҳам шунчалик эътибор билан қараш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш лозимга ўхшайди. Бу, айниқса, лотинча ўзбек алифбосига ўтилаётган бир даврда ниҳоятда муҳимdir.



Дунёда, деярли, барча нарса - буюмларнинг, жонли мавжудотларнинг баҳоси бор. Аммо шундай зотлар борки, улар бебаходирлар. Биз бу ўринда ота-оналарни назарда тутяпмиз. Улар фарзандни дунёга келтириб, униб-усишини истаб, кўкларга кутарадиган буюк инсонлардир. Дунёда аксарият қилинган меҳнатларнинг ўлчови бор, миннати бор. Аммо ота-онанинг фарзандга қилган меҳнати ўлчовсиз ва беминнатдир. Дунёда одамнинг одамга қиладиган меҳрууввати чегарали, лекин ота-онанинг фарзандларига бўлган муҳаббати чексиз ва чегарасиздир. Уларнинг меҳрини қайнар булоққа ўхшатиш мумкин. Фарзанди соғ булиб, ўйнаб-кулиб юрса, кўнгли-кўкси ўсан, касал бўлса кўзига дунё тор кўринадиган, овқат еса унинг қорни тўйгандек ҳис қиладиган,

унга кирган зирапчани киприклари билан олишга тайёр турадиган зотлар – ота-оналардир. Фарзанднинг дардини олиш учун жонини фидо қилган ҳам яна шу падари бузруквор, волидаи меҳрибонлар. Фарзанднинг бахти баркамоллигини кўрган ота-онанинг қувончини аниқлайдиган ўлчов бирлигини ҳали фан ихтиро қилгани йўқ. Бу шунчаки гаплар эмас, балки ота-оналарга юрак тубидан отилиб чиқсан ҳамду санолардир. Уларни чексиз давом эттириш мумкин. Буюк мутафаккир, шеърият мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий фарзандларга шундай йўл кўрсатадилар:

*Боши фидо айла, ато қошига,
Жисмни қил садқа, ано бошига.
Икки жаҳонингга тиласанг фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисидан ризо.
Тун-кунингга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Ҳадиси Шарифда «Аллоҳнинг розилиги – ота-онанинг розилигидир ва Аллоҳнинг ғазаби уларнинг ғазабидир» дейилган. Ота-она фарзанд учун улуг ва муқаддасдир. Фарзанд ота-онаси олдида масъулиятни ҳис этиши, уларни ҳеч қачон норози қилмаслиги, уларнинг ҳурматини, барча истакларини бажо келтириши, ота-онага фақат қувонч келтиришга интилиши керак. Маълумки, фарзанд ота-онадан бир умр қарздорлигини ёши маълум бир жойга етгандагина англайди. Аслида бу саховатли ишда шошилиши даркор, чунки ота-онағанимат, сизу биз билан умрбод бирга бўлаолмайдилар. Бу ҳолат сўнгра бир умрга армон бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳаёт ҳақиқати ота-онанинг қобил фарзандлари ҳақига дуоси ижобат бўлишини кўрсатади.

Кўхна тарихимиздан мұтабар ота-оналарнинг фарзанди – жигарбандларига чексиз меҳр-муҳаббатини намоён қилган минглаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин гап бошқа ёқда. Бугунги кунда ота-онани муқаддас билиб, унга муносиб хизмат қилиняптими? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш қийин.

Тұғри, ота-онанинг иззатини үрнига қүяётган минг-минглаб тарбияли, хулқ-атворли фарзандлар бор. Улар ота-онани рози қилишни баҳт-саодат деб биладилар. Лекин шундай фарзандлар ҳам борки, улар ота-онани зор-интизор қила-дилар, гаплашганда юзни буришириб сұзлайдилар, овозни баланд күтарадилар, қылған озгина хизматларини миннат этадилар, уларга нисбатан ножұя ҳатти-харакатлар қиласылар. Ота-онага құл күтариш, уларни бадном қилиш, умрларига зомин бұлиб, уларнинг азиз жонларига қасд қилиш ҳолатлари ҳам бор. Инсонга хос бұлмаган бундай мудхиш жиноятлар уларнинг бу дүнёсінін әркебүйінде жүргізілді. Бундай ноқобил фарзандлар Аллохнинг қаҳрига учрашлари тайин.

Бинобарин, маънавиятимизни бойитиш деган сұз, эңг аввало, ота-оналарнинг тиригиде дуосини олиш, бу оламни тарқ этганды, уларнинг рухини шод этиш демакдир. Қолаверса, бу үчмас ғояни ёш авлод онги ва шуурига сингдириш барчамизнинг хайрли, саховатли, чин инсоний бурчимиз бұлиб қолиши даркор.

.....

Инсон борки, ҳаётда унинг қандайдыр орзуга эришуви имконияти бұлади. Масалан, мулқдорнинг самарали тадбир-корлик баҳти, деңқоннинг соҳибкорлик баҳти, муҳандиснинг ихтирочилик баҳти, үқитувчининг баркамол авлодни тарбиялаш, шифокорнинг касални даволаш, илмий изланувчаннинг олим булиш баҳти ва ҳ.к. Аммо аёлдаги баҳт – фарзанд күриш баҳти барча баҳтлар ичидә эң улуғидир. Инсон маданиятининг даражаси аёлға бұлған муносабатта қараб белгиланади.

Президент И.А.Каримовнинг «Аёл омон бұлса, оила омон бұлади, оила омон бұлса, жамият омон бұлади, жамият омон бұлса, давлат құдратли бұлади», - деган пурхикмат сұзлари бутун мәхрини фарзандига, Она заминига берган, фидойи, мәхнаткаш, құли қадоқ, бағрикенг, мунис, мәхрибон оналарга қаратылғандыр.

Фарзандари камоли - онанинг бахти. Иқтидорли шоира ва жамоат арбоби Шарифа Салимова «Бешикдаги болажон» шеърида гўдакнинг томири дунёга етишини, унинг ўзбек кўксига ўсаётган ёш бир тоф бўлишини она орзуси сифатида ифодалайди:

*Бешикдаги болажон, гувранади, кулади,
Эгилсам, ундан улуг зотлар иси келади.*

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам Имом Бухорийлар, Форобийлар, Берунийлар, Ибн Сино, Навоийлар ва бошқа улуғ зотлар туғилишини, буюк кашфиётлар бўлишини орзу қиласиз. Буюк инсонларни эса буюк оналар тарбиялайдилар. Бинобарин, миллат тараққиёти учун оналар илмли, ҳаракатчан, миллий қадриятларимизга содик бўлишлари, айниқса, муҳимдир.



Фарзандини тўқиз ой қорнида қутариб юрган, сўнгра қанча кунларни, бедор тунларни ташвишда ўтказиб, уни вояга етказган она умр давомида минг ўлиб, минг тирилади.

Бу дунёдан ўтар чоғида ҳам гарчи айрим болалари оқпадар бўлиб, унинг дастидан ҳар қанча азоблар чеккан бўлса ҳам фарзандини азоб-уқубатда юришини истамайди, лаблари пичирлаб, дуода бўлади.

Муштипар онани ўз фарзандига беқиёс муҳаббатини курсатувчи ривоятлар ва ҳикоятлар тарихдан кўплаб топилади. Ривоят қилишларича, қадим замонда разил, золим шоҳ тинч юртни босиб, барча аҳолини қиличдан ўтказа бошлабди. Шунда шоҳ олдига бир жувон келиб, қўлидаги гўдаги янги туғилганлигини, уни юргунча парвариш қилиб олсан, сўнг қатл қилсангиз ҳам розиман, дебди. Шоҳ 10 ой муҳлат беришини ва бунинг эвазига ҳар ойда она панжаларидан биттасини кесиб ташлаш шартини қўйибди. Она рози бўлибди ва навбати билан панжаларини қилич тагига тутибди. Она азобларга мардона

чидабди, сүнг фарзандига «Бу қийнок, оғриқлар үтаверади, фақат сен соғ бўлсанг, бас», деб жонини қурбон қилибди.

Иккинчи жаҳон урушида фашистлар кўплаб мудҳиш, инсонни таҳқирловчи тажрибаларни ўтказган. Жумладан, қаттиқ қиш шароитида музлаётган ҳовузга болали ва боласиз аёлларни ташлашган. Боласиз аёл 18 минутда совуқдан ўлган. Аммо иккинчи аёлга боласини узоқдан кўрсатиб турганликлари боис 3,5 соатдан сўнггина вафот этган. Фарзандига муҳаббат уни ҳатто муқаррар ўлимдан ҳам вақтинча чекинтирган.

Фарзанднинг онага чексиз илтифотлар кўрсатиши чин инсонийлик белгисидир. Тарбия кўрган оиласалар буни чуқур ҳис қиладилар. Рус халқининг «Онангга ҳатто кафтингда қўймоқ пишириб бериш мұжизасига эга бўлсанг ҳам, унинг сен учун чеккан заҳматининг бир сониясини ҳам қайтара олмайсан», деган мақолида катта рамзий маъно бор. Токи она тирик экан уни асраш-эъзозлаш, дунёни тарқ этганда эса руҳи покини шод этиш фарзандларнинг бурчи, камолотга эришиш йўлларидан ҳисобланади.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) «Жаннат оналар оёғи остидадир», деганлар. Бинобарин, онасининг оёғини ўпид бўлса-да розилигини олган киши жаннатга сазовор бўлгусидир.

Шуни айтиш керакки, буюкларнинг буоги бўлган онани мадҳ этиш борасида ҳали ҳам юқори даражага эришилмаган. Қалам аҳли, санъат ва маданият аҳли энг яхши асарларини ана шу улуғ зот шаънига кўп ва ҳуб бағишлиши лозим деб ўйлайман.

Ҳали онаси ҳаёт пайтида дийдорни ганимат билган фарзанд онасиға моддий ва маънавий хизмат кўрсатиши, озгина бўлса-да унинг қадрини ўзининг ҳаёти мазмунига айлантириши лозим. Зотан, бу дунёни қайтар дунё деб ҳам атайдилар.

* * *

Инсоният – табиатдаги энг олий мавжудот. У ижодий меҳнат қиласи. Иш жараёнида болалик давридаги «қарзи»ни

узади, үзини-үзи таъминлайди, қариган чоғи учун замин тайёрлайди ва ёш авлодга қарз беради. Бу ҳолат авлодлараро давомий ва масъулиятли жараёндир.

Бу жиҳатдан олганда, биз бугун замон юкини елкамизга оламиз. Ўтмиш қарзимизни узиб, ҳаётимизни таъминлаймиз. Шу билан бирга фарзандларимизга «қарз» бериб, уларнинг эртанги кунлари яна-да гўзал, серфайз булиши учун ғайрат, шижоат, куч-қувват сарф ётамиш. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг «Ота тилаги» шеъридаги:

*Кипригига зарра қўнмаса қайгу,
Бахти комил бўлса, толеи бекам.
Кўрса биз кўрмаган манзилларни у,
Етса биз етмаган ниятларга ҳам.*

каби мисралари зурриёдларимизнинг келажагига ишонч ва умидлар мадҳияси сифатида салоҳиятли ва ғоят таъсирчан янграйди.



Устоз ва шогирд муносабатлари кўнгилда ҳамиша илиқ туйгулар уйготади. Дунёда бирор кимса йўқки, унинг устози бўлмаса. Қули гул косибми, соҳибкор дехқонми, иқтидорли шифокор, фидокор ўқитувчими, буюк алломами, ҳукумат раҳбарими, халқ меҳрини қозонган ёзувчими, қўйингки, барча-барчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғбон этиб турувчи йўлбошчиси бўлади.

Бугунги устознинг вазифаси Она-Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, унинг озодлиги, ободлиги, равнаки йўлида фидойилик кўрсатиш, шогирдлар қалбида миллий ғурур ва ватанпарварликни, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ҳалолликни тарбиялашдан иборат бўлмоғи жоиз.

Устоз ва шогирд муносабатлари турли тарихий даврларда турлича аҳамият қасб этган, ижобий ва салбий ҳолатлар билан бойиган. 3000 йиллик тарихга эга бўлган «Авесто»

китобида ҳам устоз, муаллимларнинг мақоми ҳақида ибратли фикрлар бор. Масалан, бир ўринда:

«Донолар, муаллимлар ўз хирадманди билан тангрига яқин кишилардир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир сўзи, даъвати илоҳий мазмунга эга бўлиши, улар ёшларни түгри йўлга бошлашлари лозим. Маънавиятдан таълим берадиган муаллимлар ҳақиқат йўлини тутгандари учун, хонадонларга янги аҳкомлар олиб кириб, ҳалқ ардоғига соҳиб бўлганликлари учун уни мадҳ этамиз ва улуғлаймиз», дейилади. Тангри таоло – Охурамазда ношуд, нодон муаллимлардан сақланиш кераклиги ҳақида шундай дейди: «Ёмон устоз ҳаёт чирогини сўндиради... Улар ўз саёз билимлари билан ҳалқнинг энг яхши хислатларидан юз ўгиритиралар. Улар жаҳон аҳли ҳаётини ёлғон гаплар билан паришон қиласидар». Бу пурмаъно гаплар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳалқимизнинг «Устоз отангдек улуғ», деган нақли бор. Ҳақиқатан ҳам, иқтидорли шогирдлар устоздан ўтмаса, жамият тараққиёти олға силжимайди. Шогирднинг устозидан ўтиши, устознинг яна-да улуғланиши демакдир. Ньютондан устози тўғрисида сўрашганда: «Агар мен Декартдан кўра узоқроқни кўраётган бўлсам, бунинг сабаби шуки, мен Декартдай бир алпнинг елкасида турибман», деб жавоб қайтарган экан. Шогирдларининг улуғ каашфиётларидан фахрланиб, завқланиб юрган устозлар тўғрисида ҳам ўтмишимиз гувоҳлик беради. Айни пайтда устозига умрбод таъзим бажо келтириб, унинг руҳи покини ҳам эъзозлаб юрадиганлар билан бир қаторда, фидойи устозга қўл кутариб, уни бадном қилишга уринган, ўлимига сабабчи бўлган шогирдлар ҳам орамизда мавжуд. Қолаверса, ҳаётда иқтидорсиз шогирдлар билан бирга баҳил олимлар ҳам борки, Ҳазрат Алишер Навоий уларга «нокасу ножинс авлод», «унда на соя бору, на ҳаён (фойда) йўқ» деб таъриф берган.

Кўп ҳолларда устоздан нечта шогирдингиз бор ва улар кимлар деб ҳам сўрашади. Бунга бир сўз билан жавоб бериш қийин кечади.

Гап шундаки, бир маҳаллар устозини зъзозлаб, иши битгач (ёки ҳунар ўрганиб ёки олимлик даражасига эришгач ёки яхши амалларга мингач), ундан воз кечадиганлар, ҳатто ўтмишини унутиб қўйганлар, таълим берганга таънаималоматлар қилганлар ҳаётда анчагина топилади. Шогирдлардан яна бир тоифаси борки, улар омадлари юришиб, бошларида қуёш порлаган чоғларида устозни унутишади, омадлари чопмай, турмуш қийинчиликларига учраганларида яна устозини эслаб, илтифот кўрсатадилар. Менимча, устоз ва шогирдлик муносабатларида событлик, содиклик, ўзаро ҳурмат, бир-бирини авайлаш каби фазилатлар чин инсоний мумомала даражасига кутарилмоғи даркор. Шундагина бу ҳаётда устозини зимдан, диллари меҳр билан, ҳавас билан тан олган шогирдлар кўпроқ учраши мумкин.

Бинобарин, ҳақиқий устозлик, содик шогирдлик миллатимиз маънавиятининг муболағасиз кўркам намойиши десак булади.



Дўстлик тушунчаси қадим-қадимдан улуғлаб келинади. Хали ёзув вужудга келмасдан аввал ҳалқ оғзаки ижодида дўстлик тўғрисида теран мазмунли фикрлар ифода этилган. Ҳақиқий дўстлик насл-насаб, амал, моддий фаровонлик даражасига асосланмайди.

Ўтмишда кўплаб буюк мутафаккирлар, олиму фузалолар, шоири ёзувчилар, санъаткорлар дўстлик мавзусида шоҳона асарлар ёзишган ёхуд уни жўшиб қуйлаганлар. Оташнафас шоир Машраб қаламига мансуб қуйидаги мисралар фикримиз далилидир.

«Муздуру иймони комил бўлса ёр,
Салтанатни тарк этиб, олдига бор».

(Маъноси: «Агар дўстинг иймони комил мардикор бўлса, ҳатто подшоҳликни тарк этсанг ва унинг ёнида бўлсанг арзир»).

Дүстлик бу икки инсоннинг бир-бирига фидо бўлиши, бирининг айбини тузатишга ҳаракат қилиши, хурсандчилигига шерик, ташвишига жони ачишидир. Фақат дўстнинг қўлигина юракдаги тиканни суғуриб олиши мумкин. Адолатли дўстлар қийин кунларда ёрдамга келиб, бир-бирларининг оғирини енгил қиласидар. Тил учидаги дўстлик қилувчи иймон-эътиқодсиз «дўстлар» мурувват қўлини чўзмай, ўзларини панага оладилар.

Сохта дўст манфаат кўриш илинжида ширин гапиради, чин дўстликни қадрлаганинг бошига иш тушса, тезда юз ўгиради. Гуёки унинг илтифоти оғу қўшилган шакарга ўхшайди.

«Дўст ачитиб гапирап, душман кулдириб» нақлида ҳақиқий дўстлар бир-бирларининг камчиликларини танқид қиласидар, хатоларини тузатадилар, деган маъно ётади. Ҳақиқий дўстлик баландпарвоз гапларга, мадҳиябозликка муҳтоҷ эмас. Бу туйғу бир-бирига курсатилган беминнат фидойиликда намоён бўлади. Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла:

*«Бошга қулфат тушса билингай дўстлар,
Беадад ҳимматин илингай дўстлар.*

Дўстига тиг тегса тилингай дўстлар

Дўстликка фидолик энг олий ҳавас», - деб бежиз ёзмаган. Дунёда дўст-биродарсиз яшаб бўлмайди. Дўстлик ҳаётга муносабатдай гап. Ҳаётда беайб дўстлик йўқ ҳисоби. Шу боис уни асраб-авайлаш керак. Акс ҳолда, дўстига боғланиб қолган бир инсон учун майда-чуйда, арзимаган нарсалар, шу асосда туғилган гинахонликлар катта йўқотиш бўлиши мумкин.

Қахрамон шоир Абдулла Орипов айтганидек: «Ҳақиқий дўстни сотиб олиб бўлмас, аммо сотиш мумкиндири». Чин инсон учун ҳақ сўзни айтувчи дўстлар бўлишдан ёқимлироқ нарса йўқ.

Носир Хисравнинг шундай мисралари бор:

*«Чинакам дўст айтган ҳар ўғит - масал,
Сирти заҳар эрур, томири асал».*

Демак, ҳақиқий дўстнинг ўринли танқиди асал каби тотли бўлади. Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова қўшиғидаги

Жисми-жонинг бирла тингла

Дусту ёрлар сұхбатин,

Инсон инсондир ҳамиша

Ҳам фикр, ҳамроҳ билан, деган мисралар бу инсоний туйғуни асраб-авайлашга, қалб иморатини чин дўстлар билан мустаҳкамлашга чақиради.

Хулоса қилиб айтганда, одам туғилгандага ҳамма учун баробар «инсон» деган мақомни олади. Сўнгра ҳаёт, умри давомида турли-туман унвону лавозимларга, бойликларга эга бўлиши мумкин. Ниҳоят, умр поёнида яна дастлабки мақомларига қайтади, яъни мансаб битта бўлиб қолади. Онгли умри давомида кишилар дўст орттирадилар. Ўтмишда улар қандай амалларга ва бойликларга эга бўлганликларидан қатъий назар, муомалалари ўзгаришсиз қолса, билингки, бу ҳақиқий дўстлик белгисидир. Пасту баланд амалларсиз, хушомаду илтифот ва таъмаларсиз, бир хил имконият – инсонийлик қўйнида туғилган дўстликкә ҳаргиз завол етмасин. Чунки дунёдаги энг мусаффо, муқаддас, беғубор, энг самимий туйғу дўстлик ҳисобланади.



Севги ва муҳаббат... Кўпчилик унинг қўчасидан муқаррар утади. Муҳаббат барча эҳтирослардан энг кучлиси бўлиб, бир вақтнинг ўзида ақлни, қалбни ва вужудни забт этади. Инсоният пайдо бўлибдики, бу муқаддас тушунча, жамики қалам аҳлини ижодга йўллаган. У қадимий ва ҳамиша навқирон мавзу бўлган, шундай бўлиб қолади. Фақат буюк қалбларгина муҳаббатни ҳамиша улуғлайдилар. Ҳалқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг қўйидаги мисралари муҳаббатга ошно қалбларни бефарқ қолдирмайди:

Менга севги бердинг, ул офтоб талъат,

Дилимга дард солди ҳам бўлди шифо.

У боис менда бор қубонч ва ҳасрат,
У боис кўрарман вафо ҳам жафо.
Майли, ўша ўтда ёнайин, фақат,
Лекин муҳаббатдан қилмагин жудо.

Маълумки, ҳаётда бир қўришда севиб қолганлар бор. Табиийки, улар кўпинча турмуш қурадилар. Лекин, менимча, ҳали бу тулиқ муҳаббат эмас, унинг ибтидосидир, холос.

Хисоб-китобли, гўёки «буюртма» асосида ота-оналар мавқеи, амали, бойлигига қараб ишқ-муҳаббат изҳор қила-диган, унга ҳатто эришадиган, сўнгра севгидан юз ўгирадиган ёшлар ҳам ҳаётда учраб туради. Ҳақиқий муҳаббат, вафо ва садоқат турмушнинг 5-10 йилларидан кейин, ҳаётнинг аччиқ-чунуклари, имтиҳонларидан аҳиллик билан ўта олган оиласларда таркиб топади. Акс ҳолда, кечаги «эҳтиросли» муҳаббат сўниб боради. Севишганлар бир-бирларидан камчилик излаб, таъна тошларини ёғдирадилар. Асқад Мухтор тўғри таъриф берганидай эндилиқда «севгига доғ тушса, кўз ёшлари юваолмайди». Охир-оқибатда муҳаббатнинг гулли йўллари тиканли йўлларга айланади. Қалбни мумтоз ашулада айтилганидай «Билмайн босдим тиканни тортадирман дардини» қабилидаги афсус ва надомат эгаллайди. Ўзаро муносабатларда сохталик вужудга келади.

Немис нақлларида шундай дейилади: «Сиз нима учун рафиқангизни «асалим» дейисиз? - Э биродар, ростини айтсан, асал мижозимга сира ёқмайди». Бу ҳазил-мутойибада ҳам муайян ҳақиқат ётади. Бинобарин, биргаликда кечирган умр йўлларида бекиёс ҳуррамлик, завқ-шавқ билан бирга, гоҳо ташвиш, ғам-ғуссалар ҳам учрайди. Унга бардош берган оиласларгина муҳаббат асосига қурилган баҳтли турмушга сазовор бўладилар. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ибораси билан айтганда «Эр-хотиннинг уруши дока рўмолнинг қуриши» деган гап бор. Фақат бу рўмол кундузи офтобнинг иссиғида эмас, кўпроқ кечаси қурийди».

Октябр тұнтарапидан кейин Рұзаи рамазон ва Қурбон ҳайитлари билан бирга Наврұз байрами ҳам диний маросим сифатида тақиқланған зди. Шуни айтиш керакки, Наврұзның Ислом диниге алоқаси йүк. У ислом дини кириб келишдан күп асрлар аввал (әрамиздан аввалғы VI асрдан бошлаб) ажоддларимиз томонидан үйғониш, янгиланиш, йил бошланиши, туну күн тенглиги айёми сифатида тантанали нишонланған. «Янги күн» деган маңынан англатадиган Наврұз келиши билан дала ишлари бошланиб, ҳазрат Навоий айтгандаридай «дәхқон ер ҳайдаб, уруғ сочади ва шу тариқа эл-юрт учун ризқ-насиба йүлини очади». Наврұзда мевали ва манзарали дараҳтлар, гул күчатлари әкілади, ҳудудлар ободонлаштирилади ва құкаламзорлаштирилади. Шұх-шодон үйин-кулгулар, спорт беллашувлари бұлади. Беморларга, ночор оиласаларга әထибор ва мурувват күрсатилади. Үтгандар хотираси ёдға олинади.

Наврұз инсонийлик, меңнатсеварлық, меҳр-мурувват ва саховат, әзгулик, бунёдкорлик, ҳамкорлик, келажакка умид ва ишонч каби күплаб миллий қадриятларимизни үзида мужассамлаштирган. Лекин мустабид шуро даврида бұ қадимий ва ҳамиша навқирон байрамни халқимиз пинҳона байрам қиласы зди. Москвадан үйләнған дастлабки «қайта қуриш» дастури туфайли юртимизда бұ байрамни тиклашга уринишлар бошланған зди. 1987 йилда Наврұз байрамига бағишенған шиорлар тайёрланиб, Наманган боғида ҳозирлик қилинаётган бир пайтда Республика Комфирқа Марказкоми тазиики остида тадбир ноилож «Навбаҳор» номи билан үлда-жүлда, құрқа-писа, қаттиқ назорат остида үтказилған зди. Үйин-кулгулар үтказилған хонадонларда сумалаклар ҳам пинҳона тарзда пиширилған, унга йүл қўйған партия аъзолари қаттиқ жазоланған зди.

Мустақиллик туфайли Наврұз тикланди. Диёrimизда Наврұзның мавқеи борған сари юқорилемоқда, фалсафий-бадий мазмуни яна-да кенгаймоқда. У халқимизнинг эркин,

озод ҳаётидаги энг улуғ ва энг азиз айёмлари қаторидан мангу урин олди.

«Хотира ва қадрлаш куни» миллий маънавиятимизнинг ва умуман, қадриятларимизнинг табаррук тамойилига айланди. «Хотира ва қадрлаш, - деб таъкидлайди Президентимиз И.А. Каримов, - ҳалқимизга хос миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчадир».

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортган эди. Қурол тутишга қодир кишиларнинг ярми гитлерчилар Германиясига қарши урушда қатнашди. Чунки фашистлар Россияни эгаллаб олган тақдирда ҳудудимизни ҳам босиб олиб, мустамлакага айлантириши тайин эди. Урушга биргина Наманган вилоятидан 79 минг киши қатнашиб, улардан 36 минг нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Қанчаканча хушсурат ўзбек ўғлони чимилдиқ кўрмай, куёвлик либосини киймай кетган бўлсалар, қанчалари ота-оналари, оиласлари, фарзандлари, ёру биродарлари қалбida ўчмас армонга айландилар.

Қолаверса, фронт ортида меҳнат қилиб, оламдан кўз юмғанлар ҳам бор.

Ушбу муқаддас кунда барча-барча барҳаёт сиймоларнинг хотирасини ёдга олиб, арвоҳларини шод этиш учун дуои фотиха қилинади.

Атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг:

*Жангоҳларда жон берган боболарни үнумтманг,
Машоқ териб нон берган момоларни үнумтманг.*

Эътиқод, иймон берган дуоларни үнумтманг,

Фақатгина ҳалқ яшар, фақатгина қолур ҳалқ,- деган мисралари ёшлар, келгуси авлодларга абадият қўшиғи сифатида қолса не ажаб.

Эндиликда вилоятимизда 4 мингга яқин иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари қолди, холос. Вақт утиши билан уларнинг

сафлари сийраклашиб бормоқда. Бугун ҳаёт бүлган уруш қатнашчилари умри нечогли ғанимат эканлигини ҳис этишимиз лозим. Тинчлик, осойишталик, мусаффо осмонимиз бор бүлган шароитда нафақат уруш қатнашчилари, балки улар билан мулоқотда бүлган кекса, кишилар ҳам қадрланадиган ва эъзозланадиган вақтлар келди. Шу билан бирга Ватанимиз гуллаб-яшнаши, эл-юрт равнақи учун бутун куч-қувватини баҳш этган қарияларни қадр-қимматини юқори тутиб, иззат-хурматини ўрнига қўйиб, уларни ардоқлаш ва эъзозлаш чин инсоний, фарзандлик бурчимиз бўлиб қолади. Шу боис ушбу қутлуг кун Президентимиз Фармони билан ҳар йили эзгу айёмлардан бири сифатида нишонланмоқда. У жонажон диёримиз ва забардаст халқимиз учун фахр-ифтихор ҳиссини уйғотиш йўлида хизмат қилмоқда. Хотира боқийликка, қадр эзгуликка айланмоқда.



Тўй фақат инсониятга одат бўлган қувончли ва ҳаяжонли жараёндир. Унинг ҷаҳастлабки маъноси «чақирилган жойда тўйиб ноз-неъматлар истеъмол қилиш» деганидир. Бизнингча, бунда яна бир-бирининг дийдорига тўймоқ маъноси ҳам бор. Гап шундаки, қариндош-уруғ, қуни-қўшни, ёру биродарлар, маҳалладошлар, жамоа аъзолари учрашадилар, кўз-кўзларга тушади, баҳонаи сабаб дилдан суҳбатлашадилар, ҳол-аҳвол сўраб, соғинч ҳисларини изҳор қиласидилар. Айниқса, ёши улғайиб бораётган тенгқурларнинг узоқ кўришмасдан учрашишлари, қучоқ очиб кўришишлари алоҳида мазмун ва маъно касб этади, чунки улар ёшидагиларнинг бир қисми бу фоний дунёдан ўтган бўладилар.

Лекин шу билан бирга тўй айрим мулоҳазаларни ҳам туғдиради. Менимча, тўй дастурхони ва унинг таркиби барча учун баб-баробар ёзилиши ва ўлтирган жойи бир хил белгиланиши, «алоҳида нуфуздаги кишилар учун» қилинган иззат-эҳтиром бошқаларни ўкситиб, ранжитиб қўймаслиги керак. Зотан, тўйхат бир хил мазмунда ёзилиб, маросимга

таклиф қилинувчиларга тенг тарқатилади-ку?! Қолаверса, дастурхондаги егуликлар худди чет элдаги ватандошлар одатидек оддий, камтарона, бир хил тартибда булиши ҳам бунга кодир бұлмаган кишиларни хижолатдан чиқаради. Бундай табиғат пайғамбаримиз ҳадисларида «ейингиз, ичингиз, садақа берингиз, яхши кийимлар кийингиз, аммо исроғарчилигу такаббурлық қилмангиз» деб айтилган сермазмун даъватнинг амалий ифодаси бұлади.

* * *

Түй маросимлари миллатимиз маънавиятининг бир булагидир. Деярли, ҳар куни дастурхон бошида ҳам «топганимиз түйларга буюрсун» дега фотиҳага құл очилади. Шуны айтиш керакки, түй жараёни турли ҳалқларда ҳар хил кечади. Литвада, масалан, түйга чақирилувчиларнинг сони 40-50 кишига етиб бораётганлигини «кэтта ташвиш, оила бюджетига зарар», дега қабул қилинади.

АҚШда икки ёш никоҳи қайд этилған жойда 15-20 киши (энг яқин дүст-қариндошлари) иштирокидага түй маросимлари булиб үтади.

Японияда түйларни оиланинг моддий аҳволи, ота-оналар ва турмуш қураётган икки ёшнинг истаклари асосида күркам ва ихчам үтказишга интилишади. Қудалар үртасида аждодлари шажараси ва қариндошларининг қаерда яшашлари, қайси лавозимда ишлашлари ҳақидаги маълумот ёзма тарзда алмашылади. Шу билан бирга барча оила аъзоларининг соғлиги түғрисида тиббий маълумотнома ҳам икки томонга берилади. Түй табиғатларыда бор-йүғи 40-60 киши иштирок этади. Улар бир кунда үтказыладын түй тантанасига ном қолдириш, бирорлардан үтказыб дастурхон солиш сифатида эмас, балки күпроқ оиласый мустаҳкамлық, бир-бирига меҳроқибатли булиш, туп отиб палак ёзишнинг асосий воситаси деб қарашади.

Келинг, энди үзбекнинг түйига келайлик. Унинг нимаси күп, түй-түйчиғи күп. Үзбек күзини очганидан то сунғги

нафасигача элга дастурхон ёзиб, ош тортади. Ўн йиллаб йигиб, бир кунда сарфлайди. Қиёсий олганда, игна билан йигиб, паншаха билан совуради. Бу ҳотамтойлик унинг қон-қонига сингиб кетган. Замон үзгарди. Энди ўн кунлаб тўй бериб, зиёфатбозлиқ қиласидиган даврлар ўтди.

Бугунги кунда ҳали ҳам айримлар учун тўй обру топиш воситасига айланмоқда. Қуда-андачиликда 50-100 саватлаб, тогоралаб кийим-кечак, нозу неъматлар, шунингдек, тилла тақинчоқлар, хуфёна равишда ҳатто автоуловлар совға қилинмоқда. Тўй эгалари машҳур санъаткорларни олиб келишади, фалон бош мол-қўй сўйилади, кўп миқдорда ош дамлаб, элга тарқатишади, қанча-қанча сўм пулларни ҳофиз устидан, яқин қариндошлар устидан сочишади, умуман кераксиз сарф-харажатларга ружу қўйишади. Улар үзларича ҳалқни едирган-ичирган бўлишади, аслида ҳалқقا оғир қилишади. Гап шундаки, оддий фуқаро номус кучли, ундан қолишмасликка ҳаракат қилиб, уй-рўзгор ризқидан қирқади, моддий-маънавий инқирозга учрайди. Ҳамма нарса меъерида гузал бўлади. Истрофгарчиликнинг эса уволи тутади.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) нинг «иқтисод узра ҳаракат қилгандар асло хор бўлмас» деган пурҳикмат сўzlари бор. Қолаверса, бу улуғ зот никоҳ тўйлари учун бир қўй сўйиб, зиёфат беришни тавсия этганлар.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг тўйларни дабдабасиз, камчиқим қилиб ўтказиш тўғрисида тинмай куйиниб фикр-мулоҳазалар юритиши, ҳукуматимизнинг чиқарган қатор қарорлари ҳам ҳар бир үзбек оиласи учун ҳаёт тарзига, виждан ишига айланмоғи керак, деб ўйлайман. Умуман олганда, никоҳдай покиза, умрда бир марта бўлиб ўтадиган қокелик дунёда йўқ. Иккала оиланинг кўп йиллик орзулари ушалар экан, келин-куёвнинг ҳаёт остоналарини қутлуғ айлаб, тўйни ортиқча шовқин-суронсиз, истрофгарчиликсиз, бежирим-гина қилиб, ёру дўстлар даврасида камтарингина ўтказишга не ётсин.

Фикримизни давом эттирамиз. Японияда ёшлар аввал ўкув даргоҳларида ўқийдилар, касб үрганадилар ва ишлайдилар. Япон қизлари 23-30 ёш атрофида турмушга чиқар эканлар. Чунки япон ўкув даргоҳларида эрга теккан ёки уйланган талабаларни ўқишига рухсат берилмайди. Ўзбекларда эса қиз болалар, асосан, 16-20 ёшда турмушга чиқадилар, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийдилар, ҳунар үрганадилар, ҳам оила ташвишларига бериладилар, тез орада фарзандли бўлиб, бола тарбияси билан ҳам шуғулланадилар. Бу ишлар ёш келинчак учун жуда оғир кечади.

Аслида фарзандлар келажагини ўйлаб, никоҳ қуриш муддатларини имкон қадар кейинроққа чўзиш зарурий эҳтиёжга айланиши лозим.

Яна бир гап. Тўйдаги замонавийлик миллийликка асосланиши керак. Улар миллий урф-одатлар ва удумлар, шарқона лутф ва илтифотлар билан ўтказилиши зарур. Тўй бир кунда ўтади-кетади. Шу муносабат билан дуоларимиздаги «топганинг тўйга буюрсин» деган жумлага «фарзандларининг камолига ҳам буюрсин», - деб қўшиб қўйиш керакка ўхшайди. Зотан, оиласининг топган-тутгани фарзандининг билим олиши, касб танлаши, ўзлигини топишига ҳам сарфланишини давр тақозо этмоқда. Бинобарин, бугун энди дабдабали тўйларни эмас, балки фарзандларнинг истиқболини ўйлайдиган давр келди.



Маълумки, мансаб кишига эл-юртга садоқатини, маънавий баркамоллигини, раҳбарлик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда берилади. Табиииийки, бир умрлик эмас, бойлик манбаи ҳам эмасдир. Бобокалонларимиз айтганларида: «Қуш осмонга учса, албатта, ёрга қайтиб тушади».

Раҳбарлар орасида ўз ишларининг билимдони, гайратлиси, инсофлиси, таъмагирлик қилмай, жамоа манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, уларнинг қувончлари ва ташвишларини биргаликда баҳам қўрадиган, хуллас, нонини ҳалоллаб еб юрганлари ҳам талайгина. Улардан эл-юрт рози,

лекин айрим раҳбарлар фақат ўзларининг, оиласининг роҳат-фароғатини ўйлайдилар. Айрим мансабдорларнинг қилган тўй-маъракалари, юбилейларини олиб кўрайлик. Уларнинг тадбирлари оддий одамларнинг тўйларидан фарқ қиласди. Оддий одамлар тўйдан бор-будларини сарфлаб, ҳориб чиқсалар, мансабдорлар турли-туман совға ва илтифотлар билан яна-да бойиб, ғолиб чиқадилар, гўё мартабаларига мартаба қўшилди, деб ҳам ҳисоблайдилар.

Тўй ёки бошқа тадбирларга чорлаган айрим амалдор-нигида аксарият унинг қўл остида ишлайдиган ходимлари, муридлари, яқинлари, менимча, сабаби тирикчилик учун борадилар. Бу ерда қалб изҳори эмас, балки лавозимда туриш зарурияти, раҳбар мавқеидан фойдаланиб қолиш манфаатлари ётса керак, деб ўйлайман. Ўзбекистон ҳалқ шоираси Ҳалима Худойбердиева бундан ҳолатни:

Тенгсизга чоларлар, тенглига бормас,
Минг қўйлига борар, мунглига бормас.

Тўйига, уйига борар, во дариг,

Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас, - деб изоҳтайди.
Бинобарин, айрим мансабдорлар ўз ножӯя ҳатти-ҳаракатлари билан эл-юрт норозилигига, ҳатто нафратига учрайдилар, унинг назаридан қоладилар.

Маънавиятли раҳбар учун эл-юрт ишончига, ҳурматига сазовор бўлиш олий мукофот ҳисобланади.

Оlamdan ўтганларни сўнгги йўлга кузатиб қўйиш, оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, вафот этганнинг охиратини обод қилишликни Аллоҳдан сўраб, дуода булиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Лекин масаланинг бошқа томони кишини таажкубга солади. Табиийки, таъзия тўй эмас, у оила аъзоларини мусибатга қўяди. Лекин марҳум маъракасида тўкин дастурхон солинади. Ташириф буюрувчилар жигаргўшасини йўқотганларнинг изтиробларига ҳамдард булиш ўрнига меҳмонлар шарафига тайёрланган майшат эгасига

айланадилар. Таъзия маросими бир вақтнинг ичида нозу неъматлар туфайли хурсандчилик масканига айланади-қолади. Қиёсий олганда «лабларда кулгу, кўзларда ёш» жараёни содир этилади. Совуқ маросимлар айрим кишилар учун ҳатто бойлигини кўз-кўз этувчи, сохта обру ортиришга қаратилган урфга айланиб бормоқда. Ориятли кишилар, ночор кун кечиравчилар эса бундан жабр кўрмоқда, қарз кутариб маърака ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шундай экан, кераксиз дабдабалар ўрнига, ўтганларнинг эзгу ишларини эслаб, дуо-фотиҳа қилиш уларнинг руҳини шод этади. Ортиқча маблаглар ҳисобига эса жамоа учун зарур иншоотлар қуриб бериш, етим-есирларга, ночор оиласарга ёрдам кўрсатиш, уларнинг дуоси, миннатдорчилигига сазовор бўлиш чин инсоний фазилатдир.

* * *

Эътиқод йўлида событ туриш барча замонларда қадрланган. Бундан кейин ҳам қадрланади. Шуролар замонида минг-минглаб оддий меҳнаткашлар учун партия аъзолиги катта эътиқод даражаси ҳисобланган. Шу туфайли унинг ишига содиқлик билан хизмат қилишган, ҳар қандай топширигини сўзсиз бажаришган. Мустабид тузумнинг етмиш йиллик ҳукмронлиги даврида кишиларга сўзсиз итоат руҳи сингдирилган.

Аслида чин партия аъзоси ўзбекона ҳаёт кечирган, ўзбекона сўзлаган, миллий қадриятларимизга риоя қилган, уларни асраб-авайлаган. Бинобарин, партия аъзолиги динсиз, иймонсиз дегани эмас, деб ўйлайман.

* * *

Қалбакилик, ёлғончилик, қўшиб ёзишлар, уриб қолишлар, ҳақиқатни яшириш, адолатни топташлар ва бошқа нохуш ҳатти-ҳаракатлар маънавиятимизга зид ҳодисалардир. Шуролар тузуми ҳам бундай ҳолатларга кенг имкониятлар очиб берган эди. Яқин ўтмишни олиб кўрайлик. 1986 йилда содир бўлган Чернобил атом электр станциясидаги ҳалокат бутун дунёга маълум бўлса ҳам, Шуролар мамлакатида бу

тұғрида лом-мим дейилмаган, ошкор этилмаган. Холбуки, бу машъум воқеа күплаб кишиларнинг ёстигини қуриптган, ногиронликка маҳкум қилган, наслу насабига жиддий зарар келтирған зди.

Мустабид тузум, масалан, құшиб ёзишни меъерий иш тарзига айлантириб юборған. «Шуро - энг олий давлат тузуми, Шуроникими, демак, у дунёда энг асил маҳсулот» деган шиорлар ҳам кишилар онгига сингдириб юборилған. Гүёки бу ғоялар билан тузумнинг афзаллиги күз-күз қилинар зди. Ҳаттоқи 1966 йилда содир бўлған Тошкент зилзиласининг зарби неча балл бўлғанлигини ошкор этилмаган.

Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳхор бир чиқишида мутасадди ўртоқларга қаратиб «Социализм шароитида ер ҳам қаттиқ силкінмайди ё совет зилзиласи дунёдаги энг яхши, беозор зилзила ҳисобланади, деб ўйласаларинг керак» деб ичичидан куйиниб гапирған экан. Шу үринда яна бир гап. Шуро тузуми даврида Узбекистонда пахта тайёрлаш социалистик мажбуриятини адо этиш шон-шараф ва виждан иши деб қаралған. шу асосда республика аҳлига баҳо берилған. Бундай топшириқларни бажариш, аввало, жуда мушкул иш зди. Қолаверса, оширилған социалистик мажбуриятлар ҳам қабул қилиш Москвадан тавсия этиларди. Мана, бир мисол. 70-йилларнинг урталари, чамаси, июн ойида КПСС МК бош котиби Л.Брежнев пахта режасини яна 50 минг тоннага кўпайтириш тұғрисида Узкомпартия Марказий Комитети раҳбари Ш.Рашидовга телефон орқали топшириқ берған. Шунга кура пахтанинг бундай миқдори оширилған мажбурият сифатида барча вилоятларга бўлиб берилған. Қолаверса, Наманган вилоятига тегишли улушни Ш.Рашидовнинг шахсан иштирокида Тұрақұрғон туманидаги «Узбекистон» колхозининг боғида барча бригада бошлиқларига тақсимлаб берилған зди. Бундай шароитда топшириқнинг бажарилмаслиги аниқ ва равшан бўлиб, пахтани құшиб ёзишга ўз-ўзидан кенг йул очилар зди. Биз аждодлар орзуси – Мустақилликни қўлга киритдик. Эндиликда ўзимиз учун, ўз жонажон Ватанимиз,

унинг равнақи, шон-шухрати учун ҳалол мөхнат қилиш асосий турмуш тарзимизга айланмоқда. Бугун эски тузум туғдирган қалбаки иш юритишлардан ҳоли бўладиган пайт келди. Лекин, афсусланадиган жойи шундаки, қўшиб ёзиш, соxта обру олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар худди юқумли касалликлар сингари ҳозир ҳам учраб турибди. Эл-юрт обрусига соя соладиган бўндей нопок кимсаларга қарши ҳар бир виждонли киши курашиши, ўзининг сўзини айтиши шарт. Узок вақт интиқлик билан кутилган мустақиллик шаъни биздан шуни талаб қиласди.

Салбий иллатларга қарши курашиш - жамият поклиги учун, унинг тараққийси учун хизмат қилиш деганидир. Бу кураш моддий-маънавий соҳаларда олиб борилади. Энг аввало, ҳуда-беҳуда мақтовлардан тийилиш, камчилик ва нуқсонларни очиқ-оидин кўрсатиш лозимга ухшайди. Ахир, касал одам врачга ўзининг соғ жойларини эмас, аксинча, оғриётган жойни айтиб нолииди-ку!

Хозирги иллатларнинг бир куриниши, образли қилиб айтганда, сўз билан иш ўртасида Хитой девори борлигидадир. Айрим мутасадди раҳбарлар иллатларни таг-томири билан тугатиш юзасидан жон куйдириб маърузалар қиласдилар, лекин асли унга ўзлари риоя этмайдилар, ҳатто бундай иллатларга амал қилувчи, уларнинг томир отишига йўл қўяётган шахс бўлиб чиқадилар. Гўёки «домланинг айтганини қилу, қилганини қилма» деган ҳалқ мақолига амал қилишаётгандай. Аллома шайх Саъдий айтганидай «Сўзига амал қилмаган мураббий машъала кўтарган кўрга ухшайди».

Экспертларнинг маълумотларига қараганда, коррупциядаги юқори балл 6 га teng экан. Ҳолбуки, Ўзбекистонда ҳозир у 4,4 бални ташкил этаркан.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети талabalari ўртасида «Иқтисодий ислоҳотларнинг жадал боришига биринчи навбатда қайси ҳолатлар тўсқинлик қилмоқда» деган

сўров ўтказилганда қатнашчиларнинг 25 фоизи маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари, 60 фоизи эса порахурлик, таниш-билишчилик каби иллатларни курсатган. Забардаст шоир Мұхаммад Юсуф:

«Боқ бу ёргу оламга –
Кимлар зұрга күн күрар.
Одамлар бор bogдаги

Булбұлдан ҳам пул сұрап». - деб чуқур изтироб билан бекіз ёзмаган.

Бинобарин, ҳаётимизнинг оғриқли нұқталари: коррупцияга, уруғ-аймоқчилікка, порахурликка, маҳаллийчиликка, миллатчиликка ва бошқа хавфли иллатларға қарши курашиш орқали жамиятни соғломлаштириш ниҳоятда зарурдир. Қалам, сұз ва жиддий амалий фаолият билан жамият оғриқ нұқталарига «укол» қилиб туриш, «яра»ларни жарроғлик йүли билан кесиб ташлаш, шу асосда иллат микробини камайтириш, әнг аввало, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг, оммавий ахборот воситаларининг, зиёлиларнинг, умуман, жамоатчилик-нинг долзарб ва муқаддас вазифаси бўлиб қолмоқда.



Тұғри, мустабид тузум асоратидан қутулиш осон кечмайды. Чунки тузумнинг меңнат ва турмуш тарзи ҳар бир киши онги ва шуурида михланиб қолган. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб үтгандаридек, «Шұро тузумини күрган ҳар бир киши үша давр психологиясыдан, яғни лоқайдлик, бөкимандалик ва шу каби салбий ҳодисалардан тұла-тұқис «тозаланаолмайди».

Маълумки, бугунғи кунда ёшларға ишониб яшаш, уларға сүяниш ҳаёт тамойилларидан бирига айланиб қолмоқда. Бунинг боиси бир томондан ёшларда навқион күч, шижақташ жасорат мавжуд бўлса, иккинчи томондан истиқлол берган дадиллик, мустақил фикрлаш, қийинчиликлардан чўчимай, масъулиятни ўз зиммасига олиш, ҳамиша олға интилиш кўпроқ уларга хос. Ёшлар бозор муносабатлари имкониятларидан

түгри ва оқилона фойдаланадилар, унинг талабларига жавоб берадилар, янгича фикрлаб, янгича яшаш, янгича ишлашга тез ўрганадилар. Зотан, ёшлар зиммасида Ватанимизнинг келажагини буюк қилиш, эл-юрт фаровонлигини юксалтириш вазифаси турибди. Айтиш жоизки, ўтмиш аждодларимиз ҳам ёшларга катта умид боғлашган. Масалан, Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ўғли Ақбарга қилган васиятида: «Ўғлим, сен юртдаги ёшларга суян, уларга ғамхўрлик кўрсат. Чунки улар берадиган бойликни сенга бошқа ҳеч' ким беролмайди», - деган экан. Шоҳ Ақбар буюк салтанат барпо этгани бежиз эмаслиги шундан кўриниб турибди.

Бахт ҳавои тушунча эмас. Ўз-узидан пайдо бўладиган мұъжиза ҳам эмас. Бахтнинг асоси – меҳнатда. Меҳнат қилган элда азиз бўлади. Онда-сонда учрайдиган бахтли тасодифлар изчил, мунтазам бахт белгиси бўлаолмайди. У худди чақмоқдай бир ёруг беради, холос. Қолаверса, бахтни турлича тасаввур қиласидиганлар бор. Масалан, кучага сув сепадиган машина ҳайдовчисидан: «Ҳаётингиздаги энг бахтли кунларни эслайсизми?», деб сурашганида, «Ҳа, эслайман, уша кунда шаррос ёмғир ёқкан эди», деб жавоб берган. Бир оз галати бўлса-да айтайн. Йил серёгин келса қўсибнинг, кўпроқ дўл ёғса ойна соловчининг, зилзила бўлса қурувчининг омади келди, деган гаплар ҳали ҳам юради ҳалқ орасида.

Бизнингча ҳар бир одам ўз бахтини, маънавий камолотини тасодифлардан эмас, аксинча, покиза, фидойи меҳнатидан топсин.

Диёrimиздан ўтган кўпгина машхур кишилар, санъат ва адабиёт намояндлари ҳалоллик, поклик ғоясига тутла-тукис амал қиласидар. Уларнинг довруғли бўлиб кетишларида ҳалқнинг дуоси, қуллаб-қувватлаши ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиласидар.

Узоққа бормай, яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Овозлари беназир ва бетакрор деб тан олинган Маъмуржон Узоковни гўдаклигига оналари ҳеч қачон бетаҳорат эмизмас эканлар. Шундан бўлса керак, у туй-томушаларда пулга кўз тиккан амас. Аксарият ҳолларда тўйда тушган пулни ўша хонадон эталарига ташлаб кетган. Аслида ўзи оиласи билан ночор аҳволда яшаб, қўшимча юмуш – маҳсидўзлик билан шуғулланиб, рузғор тебратган. Машхур санъат дарғаси Сора Эшонтураева ўксик қалб билан, етимлик нонини еб улгайган. У машҳурлиқ пиллапоясида турса ҳам, ҳалол ва покиза ҳаёт тарзи туфайли, ҳатто қулоғига тилла зирақ тақиши үзига эп кўрмаган.

Буюк Ойбек ҳам фидойи меҳнати билан яшаб, умргузаронлик қилган. Пул сураб келган ночор кишига ёрдам берган, аммо уни қайтариб олмаган. Академик шоирFaфур Гулом ҳалол ижоди билан ҳалқ назарига тушган, саховатпеша инсон бўлган. У бозорда эски самоварни, хокандоз, оташкуракни, гарчи у рузғорига керак бўлмаса ҳам, бир кампирдан сотиб олган, шу билан уни муҳтоҷлиқдан қутултирган. Шоир Муқимий ҳаттотлик билан кун кечирган, бир қанча муддат Сирдарёнинг кесиб ўтиш жойи (Попда) назоратчи-паттачи бўлиб ишлаган. Бинобарин, улуғ сиймоларимиз меҳнатсеварлик, камтаринлик, ҳалоллик билан ҳаёт кечирганлар ва буни баҳт деб тушунгандар. Уларнинг ҳалқумлари «булғанганд» эмас.

Машхур файласуф шоир Абу Абдуллоҳ Рудакий, меъерида ҳаёт кечириб, инсонларга чексиз яхшилик қилиш, уларга кераклигини ҳис этиш лозимлигини таъкидлаб, шундай ёзади:

*Баҳт ҳавода шамол каби эсмайди,
Баҳт меҳнатдан келади.*

Ҳалқимизнинг бу буюк қадриятларини чуқур англаш ва таҳлил этиш лозим. У айниқса, ёшларимизга насиб қилишини дил-дилдан истар эдик.

Инсон қанча умр күрмасин, ёргуғ дунё неъматларидан абадий баҳраманд булишни орзу қилади. Ҳамма ҳам узоқ яшашни истайди, лекин ҳеч ким қаришни хоҳламайди. Үтган ҳаёт йули эса унга жуда қисқа бир лаҳзадек туюлади. «Таврот»да ёзилишича, 969 йил умр курган Муфасоилнинг қабр тошига ҳам бевақт вафот этган, деб уйиб ёзилган экан. Инсон ҳаёти, унинг умри абадий эмас. Узоқ умр куриш ҳар жиҳатдан, аввало, моддий таъминотга, инсоннинг яшаш тарзига, шунингдек, маънавий ва маърифий камолот даражасига тұла дахлдор, деб үйлайман.

Элшунос олимлар тадқиқоти бўйича қарилек уч поғона (кексалик 60-74, нуронийлик 74-90, умрбоқийлик 90 ёш ва ундан ортиқ, яъни 100 билан юзлашув даври)га булинар экан. Ҳар даврнинг ўзига хос психологик кечинмалари бўлиб, уни гоҳо «инжиқ қария» ёки «чиройли қарибди» деган сўзлар билан ҳам ифодалашади.

Донишмандлар фикрича, инсон қиёфасидаги ўзгаришни 60 дан 70 ёшгача ҳар йилда, 70 дан 80 ёшгача ҳар фаслда, 80 дан 90 ёшгача ҳар ойда, 90 дан юқори ёшда ҳар кунда сезиш мумкин экан. Бу ҳолат узоқ йиллар куришмай юрган дўсту биродарларингиз билан дийдорлашганда, айниқса, яққол кўринади.

Кексаликнинг абадул абад йўлдоши – кўнгилнинг ўзгармаслиги, қаримаслигидир. Кексаликнинг белгиларидан бири сочнинг оқара бориши бўлиб, унинг ҳам ўзига хос сурори, салобати, армонлари бор. Чиройли қариганлар чеҳраларида нуронийлик, донишмандлик уфуриб туради. Улар «бошимда қишу, кўнглимда баҳор», «тогнинг ҳусни қор билан», деб ўзларига тасалли бериб, шукроналик билан умргузаронлик қилишади.

Ёші улғайған сари инсоннинг орзу-үйлари, режа ва инициалистарда ҳам улғайыш бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қариганда, айниқса, ялқовлик ва ишсизликдан эҳтиёт булиш керак, чунки ҳаракатсизлик ноҳуаш ҳолатларга олиб келади. Ҳайратланарлиси шундаки, бу даврда айрим кексаларда умрнинг энг мазмунли, серҳосил фасли, комиллик палләси кузатилади. Улар фидойи меҳнат қиласидар, чарчамайдилар, ижодлари гуллаб-яшнайди, жамият учун фойдали фаолият кўрсатадилар. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг сунгги ўн йил ичида қилган таржималари, ёзган мақолалари фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, атоқли олимлар Восил Қобулов, Матёкуб Қўшчонов, Азизхон Қаюмов, Музаффар Хайруллаев, Исматулла Абдуллаев ва бошқалар ҳам тинмай ижод қилимоқдалар. Бинобарин, бу беш кунлик дунёда қарилардан қўрқиш керак эмас, аксинча, ақл, шижаот билан ишлаш лозим бўлади. «Беш кунлик дунё» деганда одам ёшининг турли даврлари (ѓудаклик, ўспиринлик, навқиронлик, ўрта ёшлик, кексалик)га нисбат берилади. Шубҳасиз, унинг ҳар бир босқичида инсон ҳаётининг қувончу ташвишлари, орзую армонлари яширинган. Кексалар бу тўғрида тез-тез эслаб туришлари, хаёлга толишлари табиий. Мұхими, улар босиб ўтган йўллари, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, ёшларга насиҳат қилишади, қийинчиликларни мардона енгишга тайёрлашади.

Менинг фикримча, қариганда одам, купинча, «вайсақи», «эзма» бўлиб қолади, деган нақлда жон бор. Гап шундаки, инсон то нафақага чиққунга қадар жамоа билан тифиз алоқада бўлади, унинг аъзоси сифатида меҳнат қиласиди, қувонч ва ташвишларини биргаликда ўtkазади, шу жараёнда муайян сўз, гап, фикр заҳирасини тўплайди. Жамоадан узоқлашгач эса бу заҳирани оиласда, қариндош-уруглар даврасида, маҳаллада, жамоат жойларида сарф қилишга эҳтиёж сезади. Натижада кўп ва такрор-такрор гапирадиган бўлиб қолади. Бу жамоадан

ажралиб қолган барча кишилар учун умумий муштарак муаммо, деб ўйлайман. Лекин, нима бўлса-да, хонадонда, зинг аввало, қарияларнинг борлиги, шукроналик билан Аллоҳ таолога илтижо қилишлари, панду насиҳатлари ва оила аъзоларини беозор койишлари ўзига хос файзу баракот ҳисобланади. «Қариси бор уйнинг париси бор» деб бежиз айтилмаган.

Қарияларни қадрлаш юксак маънавият белгисидир. Муборак ҳадиси шарифларда айтилишича, «Аллоҳ кишига қанчалик улуғ ёш ато этса, унга шунча кўп уз неъматларини ёғдиради». Кексаларнинг сўзлари тиллога топилмас ноёб дуру гавҳарлардир. Баъзан биз «ўқимишли»лар зирим «ўқимаган» қарияларнинг сўзларига кўп ҳам қулоқ солавермаймиз. Аммо вақт ўтгач, уларнинг ҳақлигига иқрор бўламиз ва узимизнинг нодонлигимиздан пушаймон чекамиз. Уларнинг ҳикмат тўла насиҳатлари, пурмаъно сўзларигина эмас, балки ҳаёт эканликлари, нурли қиёфаларининг узи ҳам биз учун азиз бўлиши лозим. Улар давраларнинг, хонадонларнинг файзидирлар. Зотан, «Қари билганни пари билмас» деган нақл ҳаёт синовларидан ўтган ғоят ибратли ҳикматdir.

Қомусий билим соҳиби Абдулҳай Абдураҳмонов узининг «Саодатга элтувчи илм» номли китобида қария ва йигит умрини таққослаб: «Унинг (яъни қариянинг) кўрган умри нақд, узини. Аммо йигит шунча йил яшайдими, йўқми – номаълум. Шунинг учун ёшлар кексаларнинг ҳеч бўлмаса ёшини ҳурмат қилсалар, уларга ҳавас қилиб, иззат-икром кўрсатсалар, дуоларини олсалар, шояд Тангри таоло уларнинг ёшларига етиб яшаб юришларини насиб этса. Нима эксангиз, шубҳасиз, шуни ўрасиз», деб жуда тўғри фикр билдирган.

Умр елдек утмоқда. Ҳар бир инсонга Аллоҳ томонидан умр белгилаб қўйилган. Вақт, умр ўтиш жараёнини ёшлар ва

кексалар турлича талқын қиласылар. Келажақдаги әзгу орзулари тезроқ рүёбга чиқишини истаганлардың боис ёшларға вақт секин үтаётгандек туюлады. Бир шоир айтганидай «Кексаликнинг ҳовлисига күчіб үтган», умр поёнига етиб бораётган кишилар учун эса умр, вақт тез илгарилаб кетаётганга үхшайды. Ҳар икки ҳолатда ҳам яшаш завқи, орзу-умидлар чексизлиги үзининг даражасида сақланиб қолади. Чунки ҳаёт ва умид ҳеч қачон одам түймайдыган бойликлардир.

* * *

«Умр ғаниматдир, дийдор ғанимат» деган тушунчалар бор. Дийдорлашув умр мазмунига ишорадыр. Зотан, одамлар дунёга дийдорлашув учун келадилар. Дийдорлашув үзбек халқи турмуш тарзининг маънавий ва ахлоқий томонларини үзида уйғуналаштирган.

Ота-онанинг фарзандлар дийдорини, аксинча, дилбандларнинг оқ сут берган, парваришилаган падари бузруквори, волидаи меҳрибони дийдорини соғиниши, дийдорлашуви, ундан олинган ҳис-ҳаяжонни таърифлаш қийин. Қариндошурӯғ, дўст-биродарларнинг дийдорлашувида ҳам алоҳида завқшавқ мужассам.

Илмга интилувчи ёшлар устозлар дийдорига интиқ бўладилар, чунки ҳаёт тақозоси билан устозлар умр бўйи улар билан бирга яшамайдилар.

Халқимизнинг «юзингни юзингга иссиқ қўрсатсин, Аллоҳ дийдорига мушарраф қўлсин», деган нақли ҳар биримизнинг қалб шиоримиз бўлиши лозим. Келинглар, бир-биримизни кўрганимизда қувониб, кўрмаганимизда бир-биримизни соғиниб яшайлик. Зеро, буюк файласуф Умар Хайёмнинг қўйидаги мисралари умрнинг бебаҳо ва бебақо эканлигига ишорадир:

Кекса, ёш – ҳар кимки ҳаётга етар,
Ҳаммаси бирма-бир, изма-из үтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Ҳаёт ҳақиқати шундайки, вақт ўтиши билан ҳаётнинг айрим шакл-қолиплари одамлар онгидаги чуқур илдиз отади. Мустақил жүшкін ҳаёт кечириш үрнини муайян турмуш тарзига күникиш зәгаллайди. Бундай ҳолатлардан қутулиш жараёни қийин кечади.

Машхур ёзувчимиз Абдулла Қаххор бу тұғрида гапириб, узоқ йиллар занжирбанд қилинган фил, масалан, занжирдан бушатилгач ҳам, қозық атрофида айланишни давом эттирганини қайд қилиб үтган. Яна бир мисол, хабарларга қараганда, Нью-Йорк шаҳридеги марказий истироҳат боғида боғбон булиб ишләётганды Фин Сую исмли кишига омад кулиб боқиб, лоторея үййніда 128 миллион доллар ютиб олған. Ундан «Энди ишни ташлаб, янги ҳаёт бошлайсизми?» - деб сұрашганида «Буни бошлиқдан сұраш керак» деде жавоб берған экан.

Мустабид тузум одамларни лоқайдлық, бегамлик, боқимандаликка, ғафлат уйқусига үргаттан зди. Зотан, уйқудаги юрак ҳам секин үради, тана ҳам қийналмайды. Бу энди биз учун кечаги күн булиб қолмоғи лозим. Шу билан бирга бугун бегамликни, «бизга шу ҳам бұлаверади» каби қарашларни, наридан-бери, ҳафсаласизлик билан бажарилған ишдан қониқиш ҳосил қилишни ҳам эски тузум асоратлары сифатида баҳолаш керак. Таажқубланарлы томони шундаки, биз лоқайд инсонларни күриб-күрмаганликка оламиз. Үз касбига лоқайд үқитувчи, шифокор, қурувчи, агроном, мұхандис, фарзандига лоқайд ота-она... Бундай мисоллар айрим бошқа касб әгаларига ҳам тегишли. Мазкур иллатларнинг ҳаммаси кишилик жамияті ҳаётнинг асоси бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқаришни паст даражага тушириб, одамларнинг маънавий юксалишига тусик бўлади. Бу пировард натижада жамият учун жуда қимматга тушиши

мумкинки, унинг келтирган заарини оддий улчовлар билан аниқлаб бўлмайди.

Юртимизнинг атоқли раҳбарларидан Шароф Рашидов лоқайдликни бўрондан, селдан, довулдан, тошқиндан ҳам қучли эканлигини таъкидлаб, унга салбий баҳо берган эди. Бугун барча жабҳаларда лоқайдликни ҳаётимиздан супуриб ташлаш зарур. Доимий ҳаракатни, самарали меҳнатни, ҳушёрликни, событқадамликни, меҳр-оқибатни, ҳалолликни унга карши қўйиш ҳаётий эҳтиёжга айланиши лозим.

* * *

Ҳозирги пайтда ўз касбидан нолийдиганлар анчагина топилади. Ўз касбини, қобилиятини тирикчилик воситасига айлантириб яшайдиганлар, агар у етарли манфаат бермаса, бошқа касбнинг этагини тутиб кун курадиганлар бор. Айримлар эса ўз касбини муқаддас билиб, унинг аччиқ-чучугини татиб, ўнқир-чунқир сўқмоқларидан юриб, истиқболли йўлларга етишни ҳаёт мезони деб биладилар. Демак, касбни, аввало, тўғри танлаш лозим. Киши танлаган касбнинг фидойисига айланиши, танлаган касбисиз яшашнинг қизиги йўқлигини қалбидан ҳис этиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, қанчадан-қанча касб соҳиблари борки, улар ҳаёт учун заарли соҳаларда ишлайдилар. Бундан бошқа жамоада ишлашни тасавур ҳам қилаолмайдилар. Бинобарин, касбини ардоқлаган, севган, шунинг орқасидан фарзандларига ҳалол луқма тутган инсон ўз соҳасига хиёнат қилмайди. Умрининг охиригача унга содик қолади, ҳатто ўғил-қизлари қалбida эгаллаган касбига нисбатан муҳаббат уйғотади. Халқимизда «олманинг тагига шафтоли тушмайди» деган гап бор. Ота касбини танлаганлар ҳеч қачон хор бўлмайдилар.

* * *

Инсон умри вактдек югурик. «Умр масофаси, - деган эди академик шоир Ғафур Ғулом, - икки қош ўртасидаги қисқа,

муддати эса күз очиб юмгунча ўтган дамга тенг». Ҳар бир инсон бу дунёга яшаш, чиройли хулқа эга булиш, ном қолдириш завқи билан келади. Умр мазмуни эзгу ишлар күлами билан ўлчанади. Инсоннинг энг қимматли бойлиги унинг вақтидир. Уни беҳуда, бесамар ўтказиш талон-тарожлик ҳисобланади.

Бинобарин, вақтни бой бериш ўрнини тұлдириб бұлмайдыган йүқотишидир. Тұғри, ҳар бир инсон сахий қалб әгаси булишга интилади. Аммо ақлли кишилар ўтаётган, қайтариш мүмкін бұлмаган вақтни ғоят қадрлайдилар, фақат вақт масаласидагина хасислик қиласылар. Мұмтоз шоир Данте: «Вақтни бой бераётганида хүноб бұладыған одам энг доно одамдир», - деб таъкидлаган. Лұнда қилиб айтганда, үлимдан бошқа ҳамма хайрли фәолиятга шошилиш лозим. Зотан, ўтган беҳуда умр армон булиб қолмасин. Таңиқли қүшиқчи Юлдуз Үсмонованинг

«*Бу дүнёда ҳамма меҳмон,*

Бу дүнёда бұл яхши», деган чорлови ҳам юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидек янграйдики, бундан күнгиллар файзиёб бұлиб, яйраб-яшнаб кетасан киши.

АХЛОҚ-ОДОБ – ИНСОН БЕЗАГИ

Ўзбекона ахлоқ-одоб халқымиз асрлар оша орттирган ва авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган буюк фазилатлар мажмуидир. Инсоннинг ростгүйлиги, ҳалоллиғи, меҳнатсеварлиғи унинг ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқдир. Ахлоқан пок одам, энг аввало, ҳалол меҳнат қилиб, турмуш кечиришни ўзи учун ҳаёттій зарурият деб билади. Фарзандлар тарбиясига алохida дикқат-эътибор билан қарайди. Ахлоқ-одоб, аввало, оиласада сұнгра меҳнат, ўқиш жараённан, жамоатчилік орасыда шаклланадыған тұхтовсиз жараёндир. Бизда боланинг ота-онасига тик қараши, гапини қайтариши, унга жаҳл қилиши, эътиборсизлиғи катта одобсизлик саналади.

Ҳолбуки, Ғарб мамлакатларида ота-бала муносабатларига соғ демократик нұқтаи-назардан қаралади. Матбуот хабарларидан бирида АҚШлик ота билан боланинг судлашгани, оқибат суд ҳукми билан «жабрланган» бола фойдасига отадан 50 минг доллар ҳақ ундириб берилгани ҳикоя қилингандықтан да жарияланған. Албаттa, бу ҳолатлар шарқона ахлоқ-одоб мезонига сиғмайды.

Бизда ахлоқ-одоб ҳар қандай қимматли нарсадан устун туради. Шу боис ахлоқ-одоб хусусида жуда күп нақллар бор. Улардан бири «Оз сўзлаб, кўп тингла» деган ҳикматdir. Таниқли мутафаккир Абдулла Авлоний ҳам бу тӯрида шундай ёзади:

*Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтин,
Мисга чиқгай сўзинг, кўп бўлса бир кун.*

Шарқона ахлоқ-одоб ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги деб қаралгани боис, буюк халқимизнинг ибратли турмуш тарзи тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган.

Жумладан Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги ижобий образлар әқл-заковати, фахм-фаросати, гўзал одоби, муомала-муносабати, қўйингки, барча-барча фазилатлари билан кўнгилга нур сочади. Бу ноёб асарда ахлоқ-одобнинг барча қирралари тараннум этилган. Масалан, Кумушбибини олинг. Ўлим талвасасида ётиб, ҳаёт билан видолашаётган бир пайтда ҳам у қайнотасига илтифот кўрсатади, унинг ҳурмати юзасидан туришга тараддуудланади, узбекона одобни намойиш этади. Асрлар силсиласида ҳаёт синовларидан ўтган бундай шарқона ахлоқ-одоб хиралан-маслиги, камситилмаслиги даркор. У халқимиз ёққан буюк машъял сифатида келажак наслларга тұла-тұқис етказилишини орзу қиласман.

Фарзанд тарбияси асосан, оилада амалга ошади. Қүш уясида кўрганини қиласми. Демак, ҳамма гап уяда, ундаги ўзига

хос оилавий муҳитда. Зотан, бургут уясидан бургут, тошбақа уясидан тошбақа чиқади. Бургут узоқларга қўз тикади. Унинг аксарият умри парвоз билан ўтади. Чивин бургут парвозини қила олмайди. Тошбақа эса бир йилда саккиз ой ухлади, умрининг учдан икки қисмини, бошқача айтганда, ўртacha 180 йиллик умрнинг 120 йилини ўз уясида уйқу билан ўтказади. Қуёндаги ҳадиксираш, шердаги кучлилик, айиқдаги беғамлик, кабутардаги беозорлик, чумолидаги меҳнаткашлик ўша уяларида шаклланган бўлади.

Инсон боласи яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўз уйида кўради. Бола ота-онанинг хулқ-атворидан үrnak олади. Боланинг кўнглида эзгулик, меҳр-оқибат туйғуларини жонлантириш, уни китобга, ҳаёт гўзаллигига ошно этиб тарбиялаш, болалигиданоқ ҳалол меҳнатга иштиёқ уйғотиш оиланинг вазифасидир. Бинобарин, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳиссаси бекиёсдир. Ота раҳбарлигида оиласда меҳнатсеварлик, қаттиққўллилик, рўзгор ишларида масъулият, оила истиқболи тўғрисида ғамхўрлик ҳислатлари шаклланса, она раҳбарлигида сарамжон-саришталик, меҳр-мурувват, оқибат каби фазилатлар қарор топади. Умуман, фарзандини кўрқмас, фидойи, ахлоқ-одобли, маънавий барқамол қилиб тарбиялаш ҳар бир оиланинг муқаддас бурчидир.

* * *

Саломлашиш аждодларимиздан қолган урф-одатларимиздан ҳисобланади. У миллатимизнинг иймон, маданият даражасини кўрсатувчи омилдир. Аввало, кишилар учрашганда ўнг қўлни юрак устига қўйиб ним таъзим билан, табассум аралаш кўзларни кўзларга жо қилиб, «Ассалому алайкум» дейдилар. Бу «мен сизга тинчлик-омонлик тилайман», деган маъно беради. Лекин бу сўзни тўғри талаффуз қила билиш лозим, чунки сал қисқартирилган ҳолда «ассому алайкум» дейилса, «мен сизга ўлим тилайман», деган нохуш маънони англатар экан. Мусулмончиликда танишга, ҳатто нотанишга ҳам салом берилади. «Аввал ким биринчи салом бергани маъқул?»

- деган саволга, пайғамбаримиз Мұҳаммад (С.А.В) «Кимнинг Аллоҳдан умиди күпроқ бўлса, ўша», деб қаромат қилғанлар. Пайғамбаримизнинг үzlари учратган ҳар бир кишига биринчи бўлиб салом берар, кўришганда қўлларини биринчи бўлиб узатар эканлар. Шуни айтиш керакки, кўришаётганданда кишиларни яхши ва ёмонга ажратмай, астойдил саломлашганликлари туфайли уларнинг кўнгил-кўксилари ўсар, руҳлари тетикланар, соғликлари ҳам яхшиланаркан.

Экстрасенс даволовчиларнинг тасдиқлашича, кишилар ўзаро кўришганларида бир-бирларидан қувват олишар экан. Демак, кишилар саломлашганда, албатта, кўзлари кўзларига тушиб, шарқона лутф билан кўришишлари лозим. Зеро, меҳр кўздадир. Кўришаётган вақтда инсонларни табақаларга ажратиб, кимларгадир икки қулини чўзиб, эшилиб, катта илтифот билан саломлашадиган одамлар иймони суст кишилардир. Инсонлар бир-бирлари билан кўришганда самимийликни йўқотмасликлари зарур. Бу ҳолатда сохталик, лоқайдлик, қалондимоғлик қилиш, ким ва қайси ёшда бўлишидан, насл-насаби, мартабасидан ва бойлигидан қатъий назар, маънавий қашшоқликнинг нишонаси ҳисобланади.

Яна бир гап. Саломлашиш одоби, мазмуни Шўро тузумида хира тортган эди. Ҳатто уни Ислом динига боғлаб, эскилиқ қолдиги деб ҳисобланган. Унинг ўрнига «салом» (привет) деб қуруқ, маъносиз сўз ишлатилар эди. Эндилиқда ана шундай саломлашиш одатини айрим ёшларда ҳам сақланиб қолганлиги бизнинг азалий одатимизга хилоф ҳолатдир. Қолаверса, ёшлар уртасида катталарга умуман, салом бермаслик ҳолатлари учрамоқда. „Ахир, саломлашишса, ҳеч нарса ютқазишмайди-ку? У қарз эмас-ку? Катталардан салом эвазига олинадиган яхши сўз, дуолар-ку! Ҳатто отоналарига раҳмат олиб беришади-ку бу билан.

Кейинги йилларда аксарият эркаклар ва аёлларнинг ўпишиб кўришишлари авж олиб бормоқда. Тўғри, узоқ кўришмаган қариндош-уруг, ёру биродарлар, ҳижронда бўлган она – фарзанднинг ўпишишини табиий ҳол деб қарашиб лозим.

Аммо ҳар қандай жараенниң меъери, макони ва замони булади. Согинч, дил изҳори, ҳурмат фақат бир-бирларини упишда эмас, деб ўйлайман. Бу бизнинг шарқона урф одатларимизга, шахсий гигиена талабларига ҳам тұғри келмайди.

Тарбияли оиласарда саломлашиш одобини фарзандларига ғудаклик өткізу үргатиши мүмкін. Бу ёруғ дунёда бир-бириңиз билан очық чехра ва қалб амри билан саломлашиб юришни Аллох барчамизга рұзи насиб айласин.

...

Камтарлық инсоннинг әнг ғұзал ахлоқий фазилатлардан биридір. Үзіга бино қўйиш, мақтовларга берилиш маънавий баркамоллик эмас. Аксарият ҳолларда у бойлик, юқори мансаб, сохта билим туфайли юзага келади. Бозор иқтисодиёти сўзсиз нотенгликни вужудга келтирәди. Билим ва қобилиятларини ишга солиб, меҳнат ва фаолиятда юқори самарадорликка эришган кишилар бой-бадавлат ҳаёт кечириш имкониятига эга бўладилар. Тўғри, ҳалқимизнинг «қозончининг ихтиёри, қаердан қулоқ чиқарса», деган мақоли бор. Лекин топиладиган бойлик үзіга хос истеъмол буюми булиб, уни ҳам мақсадга мувофиқ тасаррүф қилиш лозим. Айрим мулк эгалари қатор-қатор ҳовли-жойлар, ўнлаб турли русумдаги автоуловларга ва зебу зийнатларга эга бўлиб, маънавиятимизга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар қилмоқдалар, нокамтарона ҳаёт кечирмоқдалар. Уларнинг кирдикорларини эл-халқ шундай кўриб турибди. Улкан шоиримиз Эркин Воҳидов шу боис унга:

«Камтарин бўл, ҳатто бир қадам

Ўтма гурур останасидан.

Пиёлани инсон шунинг чун

Ўпар доим пешонасидан» - дея жуда чиройли таъриф берган.

«Аргументы и факты» газетасининг хабарларига кўра, 25 ёшга кирган бир тадбиркор Олма Отанинг нуфузли

мехмонхонаси ресторанида дабдабали юбилей үтказиб, тунда ўзининг шарафига тұпдан 20 марта ўқ узиб, салют бердирибди. Москвалик «янги рус» бойи түгилған кунини бир миллион долларда баҳоланадиган уйда үтказған. 70 яшик тоза француз шампан виносини бассейнга қуиб, ўзига яқин 8 биродарини унда чүмилтирган. Ұлтириш дабдабали мушакбозлик билан якунланған. Қуриниб турибдикі, ортиқча шұхратпаастлық ақлли кишиларни беақлға айлантиради.

Хозирги «янги ўзбек» бойлари бундай шұхратпаастлық күчасидан юрмасликлари керак. Моддий бойликка эга бұлған кишилар қалби маънавий бойлик билан ҳам мунаввар бўлмоғи лозим. Давлат арбоби, йирик мулқдор Алишер Навоийнинг фаолияти улар учун катта ибрат мактабидир. Ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбубул қулуб» асарида ёзишича, киши қўлидаги бойликнинг уз эҳтиёжига, кун кечиришига керакли қисмидан қолгани ўзгаларникидир. Улуғ шоир катта тадбиркор сифатида уз маблағлари ҳисобига масжид-мадраса, мактаб қурдирғанлар, боғлар, меҳмонхона, карvonсарайлар бунёд этиб, ариқлар қаздирғанлар. Манбаларнинг хабар беришича, Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ишлари адади 370 дан ортиқдир. Ҳазрат ташкилий ишларга бош-қош бўлиб, кези келганда, ўzlари ишга ҳам киришиб кетганлар. Ўzlари яшаган маҳаллани ободонлаштириб, йўқсил бечораларнинг аҳволини яхшилаганлар, илм-санъат арбобларига ҳадялар қилғанлар, илмга чанқоқ талабаларга нафақа тұлаганлар. Хозирги мулқдорларимиз ҳам бойликларининг бир қисмини муҳтоjlар, етим-есирлар билан бирга баҳам күрсалар, мазлумлар дардига малҳам бўлсалар, жамоа учун зарур иншоотлар қуриб берсалар, хуллас, савобли ишлар қилишса қандай соз бўлар эди?!

Умуман олганда, бу фоний дунёда камтарона, соғ ва саломат ҳаёт кечириб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини сабр ва шукроналик билан үтказиш, эл-юрт равнақи, манфаатлари йўлида эзгу ишлар қилиш ажиб саодатдир. Машхур файласуф шоир Умар Хайём ёзғанларидек:

*Кимнингки бор бўлса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошёни.
На бирор үнга қул, на у бирорвга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.*

...

Қариялар дуога қўл очганларида «иймонимни басаломат қилгин, бу фоний дунёдан рихлат қилганимда гавҳари иймонимни олиб кетай» деб айтадилар. Уларнинг жойнамозлари жамоли дуоларда очилади. Иймон, эътиқод Аллоҳга ишониш таслим бўлиш демакдир. Шуни таъкидлаш керакки, иймон-эътиқодни деворга осиб, кўз-кўз қилиб, тарози билан ўлчаб, пулга чақиб бўлмайди. У ҳар бир одамнинг англанган ички дунёси, ботиний кучидир. Иймон инсоф, ҳаё, адолат, шафқат ва марҳамат каби инсоний тушунчаларни ўзига мужассамлаштиради. Иймонсизлик иллати тарихда буюк мутафаккирларни ҳам безовта қилган. Чунончи, ҳазрат Навоий:

*«Танда жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглимга сол,
Айлагин жондан жудо, лек этма иймондан жудо»*

Иймонсиз киши ўзига, оила аъзоларига, яқинларига, қуни-қўшни, маҳалла аҳлига ўз ножӯя ҳатти-ҳаракатлари билан хавфу хатар туғдиради. Унинг қатор кўринишлари бор. Гиёҳвандлик, зино · қилиш, хиёнат, ватанфурушлик, товламачилик, бирорнинг пулига, жонига қасд қилиш, ўғрилик, ёлғончилик, ҳасадгўйлик, иккюзламачилик кабилар шулар жумласига киради. Иймонсизлик оқибатида инсон узлигини унутади, тубанликка юз тутади. Унинг икки дунёси ҳам барбод бўлади. Кишининг кимлиги, ахлоқ-одоб жиҳатдан етуклиги ташки қиёфаси, чиройли кийиниши, чиройли сўзларига қараб эмас, балки унниг иймон-эътиқоди мустаҳкамлигига кўра белгиланади.

Ҳақиқий бойлик мол-дунё туплашда эмас, балки нафснинг тўклигига, иймон бутлигидадир. Иқтидорли ёзувчи Тоҳир Малик «Шайтанат» асарида ёзганидай: «Одамнинг

чүнтаги эмас, иймони бой булиши керак. Эгамнинг олдига шу бойлик билан борасиз». Бундай ибратомуз гаплар бой ва камбағални ҳам баб-баробар ўйлантириб құяды, инсофу диёнат, меҳр-оқибатга чақиради. Юксак маънавиятли одамлар иймонни асраб-авайлайдилар. Уни умр мазмунига айлантирадилар.

Бинобарин, инсон иймон-эътиқод устуворлигига асосланиб, юксак мақсадлар сари интилиб яшайды. Бу йүлда комил инсонларнинг турмуш тарзи, панду насиҳатлари иймонда адашган одамлар учун үзига хос маёқ булиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.



Ислом динида ҳалоллик дейилганда рухсат этилган ҳатти-ҳаракатлар ва ишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқовқат ичимликлар мажмуйи тушунилади. Ҳалоллик азал-азалдан ҳалқимиз улуғлаб келган фазилатdir. Ҳалқимиз бирорвнинг ҳақидан қўрқкан, бир луқма бўлсин унинг згасини рози қилиб, ҳалол этиб еган. Афсуски, ёшларимизнинг айримлари отоналари үzlари ишлайдиган жойлардан ниманидир «ундириб» келишларига табиий ҳолат деб қарайдилар. Ҳатто бирорвнинг кийимларини кийишдан, уй-рӯзгор буюмларини ишлатишдан ор қилмайдилар. Ҳолбуки, тарихимизда ҳалоллик улуғланган ривоятлар кўп. Масалан, ҳали она қорнидаги Бобораҳим Машраб бозорда бирорвнинг узумидан бир ғужумини розилик олмай еб қўйган ҳомиладор онасини огоҳлантирган экан. Қолаверса, ҳалолликни тарғиб қилиш бадиий адабиётнинг-да үзига хос вазифаси ҳисобланган. Узоққа бормай таникли ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» деган пъесасини мисол сифатида олайлик. Унда асар қаҳрамони Сулаймон отанинг урушга кетаётib икки қўйини ташлаб кетган Нўймонжон исмли йигитни кўпайиб кетган қўйлар, яъни қиёмат қарзини қайтариш мақсадида излаши, шу аснода ҳалқуми булғанган қатор кимсаларга рўбарў бўлғанлиги кўрсатилган. Охир-оқибат қўйларнинг пуллари хотира ҳайкалларини

ўрнатишга сарфланади. Ёки иқтидорли драматург Э.Хушвақтоворнинг «Қирмизи олма» пъесасида бир йигит ариқдан оқиб келган олмани рухсатсиз еб қўйиши, сўнgra кўп саъиҳаракатлар орқасида ғолма эгаси розилигини олиши, айни пайтда унинг покиза қизига үйланиши қаламга олинган. Бугун ҳалолликнинг асл илдизлари тұғрисида кишиларни чуқуррок үйлашга, хуросалар чиқаришга даъват қилиш лозим. Харом луқма одамни бузади, унинг фикри ҳам булғаниб қолади. Орномусли оиласалар ундан ҳазар қиладилар. Зотан, ҳалоллик комиллик сари элтувчи асосий йўллардан биридир.

Таниқли шоир Садриддин Салим Бухорий ҳалоллик ҳақида бундай ёзади:

*Ҳалол луқма сени бериё аилар,
Ҳалол луқма сени пурзиё айлар.
Ҳалол луқма сени Ҳакқа этар дуст
Ҳалол луқма сени авлиё айлар.*

Амир Темур бобомизнинг «Уламо билан сұхбатда бұл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳикматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуои фотиха беришларини илтимос қил», деган панду насиҳатлари ҳозирги даврда ҳам ўз моҳияти ва аҳамиятини йўқотган эмас.

Лафзи ҳалоллик-покиза, жозибали туйғу. У аксарият инсоний муносабатларда тилга олинади. Дарҳақиқат, кишилар, одатда, юз-қўлларини ювгачгина овқат истеъмол қилишга ултиришади. Мусулмонларнинг беш вақт намоз ўқишлидан аввал. албатта, ювиниш, тараниш, ўзига оро бериш амаллари бор. Лафзи ҳалоллик ўзи пок, сузи пок ва дили пок кишиларгагина насиб қилади. Ривоят қилишлиарича Имом Бухорий ҳазратлари қорамолларини икки баробар паст баҳода, бунинг устига, насияга бериб юборгандаридан бошқа харидор қорамолларга икки баробар юқори нарх белгилаб, пулини нақд тўламоқчи бўлади. Аммо ул зот бунга

құнмаганлар, яғни лафзни мол-дунёдан устун құядилар. Лафзи ҳалоллик буюк мутафаккиримизнинг яшаш тарзига айланиб кеттган.

Ҳалол лафз туфайли одамлар үз вазифаларини сидқидилдан адo этадилар, жамоа обрусиға обру құшадилар. Покиza лафзли оиласардан келажақда баркамол инсонлар етишиб чиқади. Лафз туфайли инсонлар бир-бирлари билан дүст-қадрдон, меҳр-оқибатли бўлиб қоладилар, улар ўртасида муҳаббат ришталари боғланади.

Таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов бежиз қуйидаги мисраларни ёзмаган:

*Сўзи ширин ёримдан,
Кўзлари хўморимдан,
Минг ўргилсам арзийди,
Лафзи ҳалол ёримдан.*

Аксинча, лафсизлик одамни сохталика, бебурдликка, охир-оқибатда тубан ишларга етаклайди. Демакки, лафзга хиёнат қилмаслик барчамизнинг бурчимиздир. Ҳаммамизни лафсизликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Зеро, ҳар қандай шароитда ҳам лафзга содиқ қолиш чин инсонийлик белгисидир.



Ҳаё ва иффат, меҳнатсеварлик, поклик, оиласарварлик, фарзандларига жон фидо қилиш аёлларимизнинг мангу маънавий гўзаллиги ҳисобланади. Лекин на илож, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим аёллар беҳаёлик, бағри-тошлиқ кўчасига кириб қолмоқдалар. Фарзандларини болалар уйига бериб, кайф-сафо йўлини танламоқдалар. Республика-мизда ота-онаси бўлатуриб 10 мингдан зиёд гўдакларнинг меҳрибонлик уйларида тарбия топаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Нуғузли «Саёдат» журналининг кейинги бир сонида болалар уйида тарбияланаётган, онасини соғиниб, кўз ёшлари шашқатор бўлган Зафар исмли боланинг илтижоси босилди.

Ундаги «Онажон! Наҳотки, ўғлингиз борлигини, у сизнинг меҳрингизга зорлигини, дунёларга қиёс қилиб бўлмайдиган муҳаббатимни сиз сезмасангиз? Наҳотки, тўйма-тўй юриб, номаъқул қилиқлар билан топаётган пуллар, ялтур-юлтур тақинчоқлар сизнинг кўзларингизга парда тутган бўлса. Наҳот, қандайдир суюқоёқ эркакларга очилган бағрингиз ўз фарзандингизга берк бўлса. Беш кунлик дунёнинг мол-мулки деб, наҳотки, дўзахни танлаган бўлсангиз», деган эҳтиросли ва аламли сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мехрли инсонлар қалбida болага муҳаббат, беҳаё онага нисбатан нафрат ҳисларини уйғотади.

Яна бир муаммо. Ҳозирги кунда айрим аёллар мардикор бозоридан паноҳ топмоқда, гиёхвандлик йўлига кирмоқда, фоҳишилик билан шуғулланмоқда, чайқовчилик, товламачилик ва бошқа ноҳуш ишлар содир этмоқда. Ахир, улар кимнингдир опаси, синглиси, онаси эмасми? Бу ҳолат ориятли, ғурурли, андишали ҳалқимиз миллий қадрияtlарига, ижтимоий тараққиётимизга зид ҳодисалар эмасми? Бинобарин, уларнинг тақдиди учун масъулият лавозимли шахслардан тортиб, оддий фуқаролар зиммасига-да тушади. Мазкур оғриқларимизга даво топиш энг зарур вазифадир. Акс ҳолда, бундай бефарқлигимиз учун эртага келажак авлод бизни асло кечирмайди, деб ўйлайман.



Адолат туйғуси барча фазилатлар ичидаги олийси бўлиб, у қалбда макон топади. Адолат туйғуси одамларга яхшилик қилишнинг, ҳақни қарор топтиришнинг қалбда зарурий эҳтиёжга айланишидир. Адолатни қарор топтириш учун ҳуқуқий билимларни эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Адолатли одам инсофли, диёнатли, виждонли бўлиши керак. Виждонни эса алдаб бўлмайди, у покиза ҳакам ҳисобланади. Ҳаётда алданиш, алдаш мумкин. Артистлар, масалан, образга кириб инсон қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборадилар. Лекин фақат кўзнинг ҳолатини ўзгартириб бўлмайди. Виждон

- бу қалбнинг кўзиdir. Виждон ҳар қандай муаммони адолат тарозисида куради. Инсоф, иймон, адолат туйғуси Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этган. Бобокалонимиз буюк жаҳонгир бўлсалар-да куч-қудрат зўрлик, зуравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англаган эдилар. У кишининг маънавий-ахлоқий қараашлари «Рости-русти» – «куч – адолатдадир» жумласида ўз аксини топган. Буюк бобокалонимиз бу шиорга қатъий амал қилган. Ҳатто ҳар дам, ҳар нафас эслатиб туриши учун қўлидаги узукка бу ҳикматни ёздириб олган эканлар.

Азал-азалдан маълумки, одамлар оч-юпунликка бардош берсалар-да адолатсизликка чидай олмайдилар. У киши қалбини жунбушга келтирадиган, оддий учқунни кучли ёнғинга айлантириб юборадиган жараёндир. Шу боис аксарият буюк алломаларимиз адолатга ташна ўтдилар, ўзларини адолат тимсоли бўлган ҳалқقا бағишладилар. Улар адолат учун курашганлар, ўз азиз жонларини ҳам шу йўлда қурбон қилганлар. Ҳозир ҳам ҳаётимизда рўй бераётган айрим каттаю кичик адолатсизликлар, мансабдор шахслар томонидан амалга оширилаётган сохталик, нохуш ҳатти-ҳаракатлар, баъзи бошқарув, тиббиёт, таълим ва бошқа тизимларда содир булаётган таъмагирликлар аҳолининг жиддий эътирози, норозилигига сабаб бўлмоқда, шубҳа-гумон туйғуларини уйғотмоқда. «Ким нимани экса, ўшани үради» деган ҳалқ нақли ҳам бор. Керакли жойда ҳақ гапни айтиб, ҳақиқатни кўрсатиб қўйиш ҳам адолатпарварликка киради.

Адолат тарозиси қонундир. Жойларда қонун устуворлиги тўла таъминланса, муаммолар ана шундагина ижобий ҳал этилади.

Адолатнинг ўрнатилиши, унинг барқарорлиги туфайли яшаш завқи гузал, турмуш тарзи маъноли бўлади. Шунинг учун ҳам юксак маънавиятли одамлар учун адолат умр бўйи ҳаётларининг мезони бўлиб хизмат қилади.

Уят ўзбекнинг ҳаётий ва муқаддас, айтиш жоизки, қадимий ва ҳамиша навқирон қадриятидир. Уни ҳатто ўлимдан ҳам қаттиқ эканлиги қайд этилган. У табиатан шарм-ҳаёли, иффатли, одобли кишиларнинг ҳаёт тарзида кўринади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида айрим йигит ва қизларнинг шарм-ҳаёсиз кийинишлари, ножӯя ҳатти-ҳаракатлари бизнинг миллий руҳимизга, урф-одатларимизга зид ҳодисадир. Эл-юрга малҳам бўлиш ўрнига, ҳалол меҳнат қилмай, бирорларнинг ҳақини ейиш, зўравонлик, алдамчилик билан кун кўриш тубанлик, уятсизликдир.

Миллат дардига дармон бўлиш ўрнига газ таъминоти танқис бўлган бир шароитда ҳовлисининг олдига маҳсус газ тақсимлаш ускунасини үрнатиб, маҳалла аҳолисига тегишли газ ёқилгисини шахсий роҳат-фароғатини ўйлаб ўз уйига «ҳайдовчилар» ҳам уятсизлардир. Аҳолига ноқулайлик туғдириб кўча ҳисобидан тижорат дўконларини очиб, катта фойда кўриш ҳам уятсизликдир.

Ўзи катта бойликка эга бўлиб, чор-ночор ҳаёт кечираётган ака-ука, опа-сингиллардан ота меросини талаб қилиш ҳам, менимча, уятсизлик ҳисобланади ва катталарнинг болалар кўз ўнгига ичкиликбозлик қилишлари, сўкинишлари, бошқа ножӯя ҳатти-ҳаракатлари уятсизликка киради.

Холбуки Японияда отанинг уйга маст ҳолда келиши катта уят ҳисобланар экан. Мабодо шундай бўлиб қолган тақдирда ҳам ширакайф ота фарзандларига кўринмай уйга кириб ухлаш пайида бўлар экан. Шунга ўхшаш мисолларни анчагина келтириш мумкин.

Масаланинг аянчли томони шундаки, моддий бойликка учлик, сохта маданият, щаҳвоний майлларга берилиш, Она Ватанга садоқат туйғусини хўжакўрсинга айлантириш нафақат шахсни, балки жамиятни-да маънавий-ахлоқий нопоклик сари етаклайди. Уятсизлик охир-оқибатда навқирон авлод вакилларига салбий таъсир кўрсатиши, буюк мақсадлар йўлидаги сафарбарлик ишларига жиддий путур етказиши мумкин.

Бинобарин, уят олий туйгу, унга риоя қилиш, уни тарғиб этиш эса барчамизга муқаддас инсоний вазифа бўлиб қолмоги лозим.

Ҳасад барча иллатлар ичида энг жирканчлиси ҳисобланади. Ҳасад деган бало кишини ўтдан олиб ўтга солади. Изтироб чуғида ёндиради, қалбни кемиради. Ҳасадни билиш жуда мураккаб кечади. У ошкора ва пинҳона бўлиши мумкин. Б.Шоу айтганидай «Мұхаббатни телескоп орқали, ҳасадни эса микроскоп орқали кўрилади». Ҳасад ожиз кишиларга хос иллатдир. Ҳасад нафрат, сотқинлик ва фисқу фужурларни келтириб чиқаради. Ҳасадгўйларни нафақат ўз шахсий омадсизликлари, балки ўзгаларнинг ютуғи ҳам азобга солади. Ҳасад уруғини сепганлар ҳаётларида ғам-ғусса мевасини терадилар. Тибет табобати далилларига қараганда, ҳасад жигарнинг ҳолатини ёмонлаштиаркан, оқибатда бош оғриғи, талоқнинг шамоллаши, ҳатто ошқозон фаолиятининг бузилиши рўй берар экан. Ҳалол одам ҳеч кимга ҳасад қилмайди. Изтиробда юрмаслик учун ҳасад қилмаслик лозим. Ҳасадчиларга қарши курашиш учун бағрикенглик билан, ҳамиша яхши кайфиятда юриш керак. Ҳасадни даволаса бўлади. Унинг давоси меҳнатдир. Сидқидилдан қилинган меҳнат туфайли одамнинг ичидаги ҳасад гер билан чиқади, юраги зардобдан тозаланади. Зотан, дунёдаги ҳамма шодлик, фаровонлик, эзгуликларнинг манбаи меҳнатдир. Инсон ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшashi керак. Орамизда ҳасад деган балога ҳеч ким дучор бўлмаса, деб орзу қиласан.

Беайб ёлғиз Парвардигордир. Инсон борки, унинг ютуғи билан бирга, албатта, камчиликлари ҳам мавжуд бўлади. Шу туфайли одамлар бир-бирлари билан дўсту қадрдонларга ёки гина-кудратли мухолифларга айланадилар. Бир-бирларига таъна тошлари отадилар. «Вақт-ҳакам» дейдилар. Бу жараён

унутилиб кетиши, улар ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатилиши мүмкін. Бундай ҳодисалар күп учрайди. Ҳадислардаги «бир-бириңгизга кечиirimli бўлйнгиз» дейилгани бежиз эмас. Айни пайтда бир-бирларига эски гиналар қўзғалиши ҳам эҳтимолдан ҳоли бўлмайди. «ковланмаган чўғ қўр остида қолиб кетади» деган ўзбек ҳалқ мақоли бор, яъни ўтиб кетган эски гапни, гинахонликларни қайтиб ковламасанг, бора-бора унутилиб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Агар кавладиган бўлсанг, эски гаплар, гиналар қайта қўзғалиб, асабингни, кайфиятингни бузади. Бу ўткинчи дунёда гина ва фисқу фужурсиз яшаш, осуда ҳаёт кечириш ҳар инсоннинг ўз қўлидадир. Кечириш ҳам, бағрикенглик ҳам фақат яхши одамларга хос фазилатdir.

* * *

Аҳиллик инсонларга меҳр, эзгулик, бағри кенглик, олижаноблик, осойишталик бахш этадиган қурратадир. Аҳиллик бирдамлик, ҳамфикрлилик, ҳам деганики, якка бармоқнинг кучи бўлмайди, бармоқлар бирлашганда мушт бўлади. Қолаверса, чапак уйғун ҳолда икки кафтдан чиқади. Якка кафт қанча ҳаракат қиласин, овоз чиқараолмайди. Аҳиллик туфайли катта бунёдкорлик ишлари бажарилади, юксак ахлоқ-одоб тамойиллари намоён бўлади. Аҳиллик бор жойда ҳар қандай ёмон одат даф қилинади, чунки у инсонларни ҳамкорликка, дўстликка чорлайди. Катта Фарғона каналининг қирқ беш кун ичида ҳашар йўли билан техника, деярли, йўқ бир шароитда бунёд этилганлиги чет элларда «Ўзбекистон мұъжизаси» деб ном олган эди. У тарихимизда ҳалқимизнинг меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги, аҳиллиги, ҳамжиҳатлигининг ёрқин тимсоли бўлиб қолди. Аҳил оиласида тотувлик, ўзаро ҳурмат, қут-барака қарор топади. Оиласида аҳиллик билан қилинган меҳнат, ижод унинг аъзоларини эзгуликка, маънавий баркамолликка етаклайди.

Меҳрли кишиларни қайнар булоқка, меҳрини бирордан аямайдиганларни эса мисоли қуёшга ўхшатилади. дунёда куплаб нарсаларни пулга чақилади, аммо меҳр-оқибатни пулга чақиб бўлмайди. Меҳрни, масалан, роботлар идрок қила олмайдилар. Меҳрсиз одамнинг роботдан фарқи ҳам бўлмайди. Меҳр-оқибатли бўлиш тирикликнинг маънавий устуни ҳисобланади.

Меҳр-оқибат мисоли бир олманинг икки палласи. Меҳр улашилган жойда оқибат қарор топади.

Меҳр берилсаю унинг оқибати бўлмаса, у тошга ёғган ёмғирга ўхшаб кетади. Ҳаётда оила аъзоларини, қўни-қўшни, ёру биродар, маҳалладошларни меҳр ришталари узаро боғлаб туради. Оқибатда инсонлар етти ет бегоналарга ҳам меҳр кўрсатади. Йиқилганни суюди, йиглаганга ҳамдард, қувончларига шерик бўлади. Бир «чимдим» меҳр, озгина эътибор, самимий табассум инсон қалбини кўкларга кўтариши мумкин.

Ҳақиқий меҳр-оқибат тафти тошни эритади, борлиқни яшнатади. Айниқса, ён қўшни-жон қўшнилар бир-бирларига меҳр-оқибат билдириши, севинчидан суюниши, ташвишидан куюниши, моддий ёрдам курсатиши чин инсоний фазилатлар жумласига киради. Японияда меҳр-оқибат жуда улуғланар экан. Бирор кимса бошига иш тушса унга кўмак беришга тайёр туришаркан. Масалан, бирор автоҳалокат рўй берса, бу жараёнга гувоҳлик беришни биринчи даражали меҳр-оқибат, деб ҳисоблашаркан.

Оқибат мавжуд бўлган оиласда тинчлик, тотувлик ҳукм суради. Қуш уясида курганини қилганидек, оқибатли оила фарзандлари ота-она анъаналарини мудом давом эттирадилар.

Меҳр-оқибатни, айниқса, касалларга курсатиш лозим. Озгина мурувват, ҳол-аҳвол сўрашлар улар кўксини тоғ қилади, соғайишига ёрдам беради. Касалнинг дуосини олиш меҳр-оқибат самараси ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилган ҳадисда «Хастанинг олдига кирганингда сенга

хайрли дуо қилишни сұрагин. Чунки хастанинг дуоси малак-ларнинг дуосига тенгдир», дейилган.

Яна бир гап. Мәхр асраб-авайланадиган тиник түйгудир. У чанг олмаслиги, хиралашмаслиги лозим. Мәхр күзда. У бир-бири билан учрашиб турғандагина товланиб туради. Ёрдүстлар, қариндош-уруғлар бир-бирлари билан тез-тез учрашиб, хол-аҳвол сұраб тұрсалар, ҳамдард, ҳамнафас бұлсалар бир-бирларига яна-дағ яқинроқ ва қадрлироқ бұладилар. Акс ҳолда, бир-бирларидан тобора узоқлашиб, мәхр-оқибатлари, қадр-қимматлари сұстлашиб бораверади. Мәхр-оқибат бир оз тақчил бўлиб бораётган ҳозирги замонда бир-биrimиздан бу инсоний түйгүни дариф тутмайлик.

Халқимиз «Умрингизга, ризқингизга Худо баракасини берсин» деб дуо қиласди. Барака – инсониятга Аллоҳ томонидан берилган инъом-эҳсон ёхуд неъматнинг бахш этилишидир. Унинг асосида ҳалоллик, поклик, ростгүйлик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, иймон-эътиқодлилик, ҳар нарсанни меъёрида ишлатиш каби инсоний ҳислатлар ётади. Баракани таъминлашда оиласвий тотувлик ҳам ётадики, мақолларда «бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака қочади», деб түгри ифодаланган. Бировларнинг күнглини топишда, ночорларга ва беморларга раҳм-шафқат күрсатишда ҳам кишининг умри ва ризқига Аллоҳ барака ато қилас экан. Баракали, умр, баракали меҳнат ва баракали ризқ-рўзга эга бўлиш ҳаммамизга рўзи насиб қилсин. Миллий қадриятларимизнинг кўринишларидан бири сифатида барака қалбларимизда, барча амалий фаолиятимизда мустаҳкам ўрин топишини истар здим.

Халқимизда «Битта майизни қирқ киши ейди», - деган нақл бор. Амалий жиҳатдан – бундай ҳолатни умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин бу нақлда халқимизнинг бағрикенглик,

сахийлик, мәхр-муруватлилик каби ҳислатлари мужассам-лашган.

Үтимишишимизда ҳотамтойлик, бошқаларга фидойилик күрсатиш катта ўрин тутган, мәхр-шафқат күрсатиш чин инсонийлик белгиси деб қаралган.

Иккинчи жаҳон урушида етим қолган турли миллатга мансуб болаларни ўз бағрига олган тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласини, бир оғиз ширин сўз, бир бурда нон арзанда бўлган шароитда бошпанасиз қолган минг-минглаб кишиларга жой бериб, топган нонини биргаликда баҳам кўриб, қалб мөхрини берган ватандошларимизни унтиб бўлмайди. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, айрим қийинчилик ва етишмовчиликлар туфайли мәхр-муруватлилик, раҳм-шафқатлилик каби ахлоқий фазилатлардан ҳаммани баҳраманд қилиш, уни худбинлик, эгоизм, шафқатсизлик кўринишларига қарши қўйиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Инсон салоҳияти тўғрисида мутафаккир Аҳмад Дониш «...инсоннинг мәхри товланса, бечора чумолини киприги устида сақлайди. Агар унинг ҳасислиги ружу қилса, қумурсқа оғзидаги донни талашади», - деб изоҳ берган эди.

Үтмишдошларимиз бизга бағрикенглик, сабр-тоқатлилик, инсон зотини ҳурмат қилиш, мёхр-муруватли бўлиш каби фазилатларни мерос қилиб қолдиришган.

Буюк шоир ва файласуф Умар Хайём қуйидаги рубоий-сида:

Бир гарib кўнгилни қила олсанг шод,

Яҳшидир ер юзин қилгандан обод.

Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,

Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

деб инсонлардаги мәхр-муруват ва раҳм-шафқатни куйлаган.

Бинобарин, мәхр-оқибатни ҳаспўшлаб маънавий қашшоқликка йўл тутилса, ўтмиш авлодларимиз рухи поки таҳқирланган, келажак авлод эса бунинг учун бизни ҳеч қачон кечирмаган бўлур эди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2004 йилни «Меҳр ва муруватт йили» деб эълон қилиниши күнгилларимизни нурга тўлдирди. Чунки бу билан жамиятимиздаги ногирон, етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлганларга, ёлғиз яшаётганларга, кам таъминланган, кўп болали оиласларга, ўзини боқишига қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак бериш кўзда тутилмоқда. Бу ахолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириб бориш тўғрисидаги ўзбек моделининг ҳаётдаги амалий ифодаси ҳисобланади.

Меҳр ва муруватт йили фуқаролар орзу-умидларини акс эттириб, умуминсоний ҳаракатга айланганлиги боис меҳр-муруватли, оқибатли халқимиз, иншоолоҳ, ҳеч қачон завол кўрмайди.

• • •

Инсонлар ичида доно ва нодонлари бўлади. Нодонлар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан «катталар» олдида обрў-эътибор топмоқчи бўладилар. Ҳатто бунга эришадилар ҳам. Илмизликлари, уқувсизликлари, маданиятсизликлари, иккюзламачиликларини яшириш мақсадида атрофдагиларга илтифот кўрсатадилар. Ҳатто ўзларини билағон кўрсатиб, ҳамма нарсадан хабардор сифатида айрим мансабдор шахслар назарига тушадилар.

Нодонлар ҳаёт қувончу ташвишлари тўғрисида тезликда хулоса чиқаришга ҳаракат қиласдилар. Лекин ўз хатоларини тан олмайдилар. Нодон кишининг ўзига ишончи кўп бўлади, мақтагани ёқтиради, ҳар хусусда шошма-шошарлик қиласди, ножӯя сўзларни сўзлашдан тортинмайди. Такаббур ва мағрур бўлади. Ҳатто кулса қаттиқ кулади, йиғласа қичқириб йиғлайди. Гуноҳ ишларни қилиб, сўнгра хўжакўрсинга ибодат қилиб, уни тезда юваб кетади, деб ўйлаган кишилар ҳам нодонлар қаторига кирадилар. Улуғ шоир Паҳлавон Маҳмуд «... бир аср зинданда ётмоқ, нодон суҳбатидан кўра яхшироқ», деб шеър битган бўлса, мумтоз адабиёт вакили Маҳтумқули нодонга нисбатан «Сирдош бўлма, йироқ айла ўзингни» деб

даъват қилган. Хуллас, нодонларнинг ҳатти-ҳаракати донолар турмуш тарзига зид жараён ҳисобланади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам хассос шоир Зокиржон Фурқат:

Чарх қажрафторининг бир шевасидан дөгман,

Айшни нодон суреб, кулфатни доно тортади», - деб изтироб билан қалам тебратгандир. Ҳалқимиз ҳикматларида таъкидланганидай, доно кишининг тоқقا, юксакликка интилиши қийин кечади. Лекин нодонлик шундай чуқурликки, унга тушиш осон, лекин чиқиб кетиш мушкул. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ёзганларидек:

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон...

Тутуб аксини топдим, андин омон.

Бинобарин, нодонликдан, айниқса, нодон дүстдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Нодонликдан қутулиш учун, энг аввало, илмни ҳақиқий ва чуқур ўрганиш лозимдир. Доно кишилар ҳаёт тарзи, панд-ўйтлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ўринда ақлни донодан ўрганиш керак, деб ўйлайман.

* * *

«Дунёга йиғлаб келсангу, кулиб кетсанг» деган ҳикматли сўз бор. Дарҳақиқат, умрнинг ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Йиғлаб келган гўдак, энг аввало, ота-онасининг, қариндош-уруғларининг орзу-умиди ушалгани, шу туфайли уни кутганларнинг чексиз севинч-қувончиidir. Гўдак ўсади, вояга етади, оила ва жамият учун меҳнат қиласи, каттадир-кичиқидир – бирор соҳада фаолият кўрсатади. Тарбия курган фарзанд эл-юрт ташвишига шерик бўлади. Хайрли ишлар қилиб, одамларда меҳр ва ҳавас уйғотади. Эл-юрт равнақига ўзининг муносаб ҳиссасини қўша олади. Шу туфайли ҳам умр поёнига етаётган пайтда ўзининг қилган меҳнати ва фаолиятидан, катта бир ижтимоий кучнинг кичик бир аъзоси сифатида ўзининг намунали ахлоқ-одоби, фидойи меҳнати билан уз изини қолдирганлигидан мамнун бўлади, қониқиш ҳосил қиласи, қолганларни рози қилиб, эл-юрт ҳурмати ва эҳтиромига

сазовор бўлади. У оилапарвар бўлади. Умр бўйи яхши хулқли, меҳнатсевар, ҳалол, ростгўй фарзандларни етиштиради. Уларни илм олишга, ҳунар эгаллашига ўргатади. Машхур «Авесто» китобида «Бу дунёдан кетар экансан, ортингда эзгу сўз, эзгу ният, эзгу амаллар қолсин» деб таъкидланган. Ҳақиқий инсон бу ёруғ дунёни тарқ этаётганида ундан гўёки кулиб хайрлашади. Лекин унинг оила аъзолари, дуст-ёр, биродарлари, жамоаси ва маҳалладошлари эса қон-қон йиғлаб, уни сўнгги йўлга кузатадилар.

Яхшилик инсон қалбидаги энг покиза туйғулардан бўлиб, у қадимий ва ҳамиша навқирон миллий қадриятларимиз сирасига киради. Унинг асосида кишиларга яхшилик қилиш, яхшилик қилганларга қўлидан келса, ундан ошириб яхшилик қайтариш, ҳатто ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилишдек амалий фаолият ётади. Аммо яхшилик қилиш таънаи маломатга айланиб кетмаслиги керак, акс ҳолда, у узининг юксак мазмунини йўқотади. Бир донишманддан «Нимани эсда сақлаб, нимани унутмоқ керак» деб сўрабдилар. У «Агар кишилар сенга яхшилик қилган бўлсалар, уларни унутма, агар сен бирорвга яхшилик қилган бўлсанг, уни унут», деб жавоб қайтариби. Ҳаётнинг кўз илғамас қонунлари, мувозанатлари бор. Гап шундаки, ҳеч қачон ёмонлик жазосиз, яхшилик эса мукофотсиз қолмайди. Умрингизнинг ҳар куни бирон-бир арзимас туюлган, кичик бир яхшилик қилиш билан ўтса, билингки, бу сизнинг буюк инсоний фазилатларга эга эканли-гинзидан далолатдир.

Тўгрилик инсоннинг ахлоқ-одобини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Ҳаётда тўгри одам сўзида, оилада, меҳнат фаолиятида, дунё ишларида собит бўлади. Шу хислатлари билан у ҳурмат-эътибор топади. Терак, масалан, тўғри ўсиб, катта бўлганлиги учун пировард оқибатда хайрли

из қолдиради, уй-жойни безайди, рўзгор буюмлари сифатида зарур эҳтиёжга айланади.

Халқ нақлларида тўғри туришлик, ҳатто эгри кўчалардан ҳам тўғри юришлик улуғланади. «Тўғри тил тош ёрса, эгри тил бош ёради», деб таъкидланади. Ҳозирги шароитда содир этилаётган айрим фирибгарлик, сотқинликлардан, тўғриликка иснод келтирувчи турли ҳатти-ҳаракатлардан сақланиш, ёлғончилиқдан ҳазар қилиш лозим. Фарзандларни гудаклигидан рост сўзлашга ўргатиш ниҳоятда зарур, акс ҳолда, келажакда улардан иккюзламачилар, риёкорлар етишиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишингиз мумкин. Оиласда ёлғончилик бола тарбиясини издан чиқаради, уни субутсиз қилиб қўяди, ризқ-рўз, файзу баракотга путур етказади, охир-оқибат маънавий қашшоқликка маҳкум этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (С.А.В) ҳадисларида «буюкларнинг энг буюги – тилнинг ёлғон сўзламаслигидир», деб таъкидланган.

Улуғ шоир Алишер Навоий сўzlари билан айтганда, «Ўзи поку сўзи поку, дили пок» кишилар Аллоҳ олдида ҳам, одамлар олдида ҳам севимли ва шарафли инсонлар қаторидан жой оладилар.

* * *

Ҳозирги ёшларимиз илгариги ёшларга қараганда анча хушёрроқ, билим олишга чанқоқроқ, ташаббускорроқдир. Уларнинг аксариятида чет тилини ўрганишга, компьютерга қизиқиш катта, чет элларга боришга ҳавас кучли. Уларнинг ичидан моҳир тадбиркорлар, ишбилармонлар етишиб чиқмоқда. Ёшларнинг аксарияти ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқимоқдалар. Президентимиз И.А.Каримов «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак», деб кўп таъкидлаганлар. Бироқ ёшларнинг бир қисми ҳамон

лоқайдлигича қолмоқда. Айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Бу эса ҳар қандай оломон орқасидан эргашиб кетаверади, деган сўздир. Анчагина ёшлар ўзини бозорга урмоқда. Бозорда сув, сақич, сигарет сотиш, ҳаммоллик, аравакашлик қилиш ва бошқа ёшига мносиб бўлмаган ишлар билан машғул бўлиб қолмоқда. Кўпинча бу юмушлар ўқиш, ҳунар ўрганиш, ҳатто ахлоқ, одобдан юқори қўйилмоқда. Ҳолбуки, бозор иқтисодий жараён бўлибгина қолмай, у маънавият кўрсаткичи ҳамдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарихимизда бундан икки минг йил аввал ҳам ўспиринлар махсус танлаб олиниб, уларга савдо сирлари ўргатилган, ўзга юртларга савдогарчиликка юборилган. Бугун ҳам жамият учун муайян миқдорда савдогарлар зарур. Лекин савдогарчилик ҳам маълум билим, иқтидор, юксак ахлоқ-одобни талаб қиласиган касбдир. Республикамизда шундай мутахассислар тайёрлаш учун етарли ўкув масканлари бор. Лекин аянчли аҳвол шундаки, пул топиш мақсадида савдо-сотиқقا иқтидори бўлмаган ёшлар ҳам бозорга ўзларини уришмоқда. Ундан кўра бундай ёшларнинг ўз иқтидорларига яраша касб-ҳунарни танлашлари фойдадан ҳоли бўлмасди. Дарҳақиқат, илгари ёшлар янги ўқиган китоблари билан мақтанишар эди, ҳозир эса беш сўмни қандай қилиб ўн сўмга айлантирганлиги билан мақтанаадилар.

Тижорат билан шуғулланаётганларнинг барчасини қоралаш нотўғри иш бўлар эди. Негаки, тижорат ва тадбиркорлик туфайли эл-юрт фаровонлиги ортади. Аммо бозордан тайёр маҳсулотни арzonга олиб, шу жойнинг ўзида қимматига сотишни тижорат деб бўлмайди-ку!

Ёшлар орасида ичкиликбозлиқ, гиёҳвандлик, майший бузуқлик, қиморбозлиқ иллатлари ҳам учрайди. Шунингдек, бекарорлик кўрсатиб, қонуний ҳукуматга қарши уюштирилган диний оқимларга қўшилиб, туғилиб ўсан Ватанини сотишгача борган ёшлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Қолаверса, бир қисм ёшлар ҳеч бир юмуш билан машғул эмас. Улар такасалтанг бўлиб, ота-оналарининг елкасига

миниб олганлар. Ҳатто айримлари соғлом, күч-қувватли бўлганлари ҳолда тиланчиликка ружу қўймоқдалар.

Пайғамбаримиз Мұхаммад (С.А.В) тиланчилик қилиб келган бир кимсага болта билан арра берган эканлар. Буни курган Ҳадича онамиз ҳайратланиб: «У бизга тиланиб, нон деса, сиз болта билан арра бердингиз, бу қандай гап?», деб сўрабдилар. Шунда Пайғамбаримиз (С.А.В): «Нон берсам, еб тугатади, болта билан арра берсам, меҳнат қилиб тирикчилигини юритади» деган эканлар.

Халифалардан Умар Ибн Ҳаттобнинг «Осмондан на олтин, на кумуш ёмғир бўлиб тушмайди» деган машҳур ибораси бор. У зотнинг меҳнат қилиб, насиба топиш ҳақидаги чақириқлари ҳам пайғамбаримиз (С.А.В) «Ҳалол тер тўкиб, тирикчилик ўтказинг», деган даъватларини тасдиқлайди. Болаларимизни бекор юришга эмас, касб-корга ўргатайлик.

Умр бўйи севган касби туфайли эл орасида обў-эътибор топиб, бола-чақани боқиб, уни вояга етказган ота-оналар фарзандини ҳам касб-хунарга ўргатишлари лозим. Акс ҳолда, бирор хунарнинг бошини ушламаган фарзанд такасалтанг бўлиб, жамият ишига нафи тегмайди, оиласига ғам-ташвиш келтиради.

Машҳур шоир Абдураҳмон Жомий бу тўғрида шундай ёзади:

*Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лофт урса, одамдан йироқ.
Меъвали дараҳтнинг меъасиз шохи,
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ».*

Ёшлар тарбияси билан ҳамма: боғча, мактаб, маҳалла, жамоа шуғулланиши керак. Бунда, айниқса, ҳуқуқий тарбияга катта ўрин бериш лозим. Турли зўравонлик, ахлоқсизликни акс эттирувчи фильмларни ташвиқ қилишга ҳам чек қўйиш вақти келди. Улар бизнинг миллий қадриятларимизга тўғри келмайди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ёшларни фан, илм-хунарга йўналтирувчи восита бўлди. Йилдан-йилга қанчадан-қанча касб-хунар коллажлари очилмоқда. Биргина мисол. Бу мақсадда Ўзбекистонда халқ таълими учун сарфланаётган маблагнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 9,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу Япониядан 2,5, Туркиядан 2,8, жаҳон уртacha кўрчаткичидан 1,8 баробар кўп демакдир. Мазкур ҳолат келажакда жамиятимизнинг ишлаб чиқариш қобилиятини изчил тараққий этириш имкониятларини белгилаб беради.

* * *

Камбағалларни қўллаш, унга меҳр-шафқат кўрсатиш асрий қадриятларимиздан ҳисобланади. Камбағаллик шундай бир ҳолатки, бундай вазиятда инсон үзининг асосий эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлмайди. Камбағаллик тўғрисида жуда кўп нақллар, мақоллар, ривоятлар мавжуд. Масалан, «камбағалнинг туюнинг устида ҳам ит қолибди», ёки «камбағал уйланганда тунлар қисқаради», яна «камбағал рўза тутганда кунлар узаяди», деган мақоллар борки, бу уларнинг орзу ва армонларининг ифодасидир.

Албатта, давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати орқали аҳолининг бой ва камбағал қатламлари уртасидаги фарқнинг чуқурлашмаслигига, ижтимоий тафовут ва зиддиятларнинг кучайишини олдини олишга ҳаракат қиласи. Лекин бу муаммонинг бошқа ҳомони ҳам бор. Айрим ҳолларда камбағаллик учун кишийнинг узи айбдор бўлади. Ялқовлик, ишёқмаслик, лоқайдлик, боқимандалик ва шу каби салбий сифатлар уни камбағалликка маҳкум қилиб қўяди. Аллоҳ ҳам ҳаракатдаги кишиларни ёқтиради.

Нақл қилишларича, бир камбағал йигит бўлган. Камбағалчилик, йўқчилик туфайли хотини доим у билан уришаверар экан. Уша йигит чойхонага чиқиб, бир нуроний кишиига ҳасрат қилиб: «Хоғинни урдим – бўлмади, сўкдим – бўлмади, чакаги ҳеч тинмайди, нима қилишимни билмай қолдим» дебди. Шунда чол «Сен ёш экансан, ишла, меҳнат қил, пул топ, шу йўл билан

хотинингни оғзига ур, чакаги тинади - қолади», дебди. Йигит бу ўтитларга амал қилиб, тадбиркор бўлиб кетган, оиласи билан бирликда тинч-тотув, тўқ-фаровон турмуш кечиришган экан.

Кўпинча фалон кишининг боши умр бўйи муҳтожликдан чиқмас эди, энди ўзига келиб, тўкин-сочин рўзғор тебратмоқда, боз устига фарзандлари тадбиркор бўлиб, ҳашаматли бино қуриб олибди, машинали бўлибди, дала ҳовлиси бор экан, чет эл саёҳатларига мунтазам бораётган эмиш, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Буни табиий ҳол деб қараш керак. Гап шундаки, деярли, бир инсон умри давомида ҳукм сурган шўро тузуми, барчани бараварлаштиришга, тенг тутишга уринган эди. Уша вақтлари ҳалол пул топишга ёмон кўз билан қаралган, бой бўлиш нуқсон ҳисобланган. Бундай сиёsat кишилар хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатини ҳам белгилаб берган. Мехнатсиз даромад олишга қарши кураш шиори асосида ўз иқтидори бўйича яхшироқ яшашга интилган кишилар таъқиб ва қувгин остига олинган. Аслида бундай ҳаракат ҳаёт қонунига зид эди. Чунки беш қўл баробар бўлмаганидек, иқтидорли, ҳаракатчан, тадбиркор одамлар фаровон турмуш кечиришга ҳақли эдилар. Бозор иқтисодиёти бундай ҳаракатни тўла-тўкис рўёбга чиқармоқда. Шу билан бирга масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Моддий бойлика эгалик маънавий жиҳатдан етуклик билан уйғун ҳолда олиб борилиши керак. Кишиларнинг маънавий дунёси мусаффо бўлса, моддий турмуши ҳам мукаммалашаверади. Бойлар кўпайсаю, уларнинг маънавият даражаси қашшоқлигича қолса, миллий тараққиётга эришиб бўлмайди. Тараққиёт тақдирини пировард натижада маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласи. Хуллас, фидойиларча меҳнат қилиш, гайрат ва шижоат кўрсатиш камбағалчиликдан қутултирадиган асосий воситадир.

Буюк аллома Баҳовуддин Нақшбандийнинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деб айтган пурмаъно сўзлари икки дунё саодати учун хизмат қиласи. Аллоҳни танишга, йнсоф-диёнат, ҳалолликка чорлайди. Меҳнатдан қўл узмаслик эса фаровонлик демакдир.

Расм-русумлар инсон умри давомида такомиллашиб, моҳият ва мазмуни ўзгариб боради. Масалан, Катта Фарғона канали қурилишида машҳур санъаткорларимиздан Тамара-хоним, Мукаррамаҳон Турғунбоева, Ҳалима Носирова каби санъат дарғаларининг ўйин ва ашулалари томошабинлар томонидан ўта олқишлиган, йигитлар қарсаклардан ташқари «дўст, «дод» каби сўзлар билан завқларини ифодалашган. Бундай завқланиш натижасида үпкадаги эски ҳаво янгиланиб, қон айланиши яхшиланар экан. Ҳатто «дўст» демаганлар киноя ва таҳқир остига олинган экан. Эндиликда томошадан завқланган кишининг «дўст» тортиши кўп учрамайди. Аксинча, беҳаё бақириш-қичқиришлар, гайри оддий «ув» тортишлар томошабиннинг ахлоқ мезонига айланиб бормоқда. Худди шундай ахволни акса уриш жараёнида ҳам кўриш мумкин. Анча илгари пайтлар акса урган одамга ҳамма баробар «сог бўлинг» деган иборани ишлатар эди. Бу сўзни айтмаганлар таънаи маломатга қолишар эди. Эндиликда эса акса берган одамнинг бошқа кишилар тинчлигини бузган шахс сифатида талқин қилиниши ва у аксарият ҳолатларда жамоа олдида кечирим сўраши одат бўляпти. Худди шунга ұхшаш яна бир жараён. Илгариги пайтларда бўлажак кўёвнинг ишчанлиги ва тадбиркорлигини тўнка ёрдириб аниқланар эди. Ҳозирги кунда бу ҳолат куёв ва келинга эриш туюлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳа, ҳаёт ҳамиша ўзгариб, янгиланиб боради. Бугун тўғри бўлган тушунча эртага нотўғри дейилиши мумкин. Ҳаёт – нисбийликдан иборат. Кишилар психологияси ҳам шунга мослашади. Машҳур олим Алберт Эйнштейн нисбийликка «Гузал жонон қўйнидаги бир соат йигитга бир дақиқадек туюлади. Аммо йигитни қизиб турган печкага ўтказсангиз, бир дақиқа бир соатдек кўринади. Нисбийлик дегани худди шу бўлади, - деб бежиз изоҳ бермаган.

Аждодларимиз инсон наслу насибига катта эътибор билан қараганлар. Шажараларини турли ёзув манбаларида ифода этганлар. Оиланинг бир неча авлод чақалоқларига маълум муддат яшаш маскани эканлигини ҳисобга олиб, ҳатто бешикка оила шажараси ёзиб қолдирилар экан.

Шуро тузуми халқимизнинг насл-насабини, ўзидан олдинги етти авлодни билиш каби қадриятларига путур етказган. Тавсифномалар ёзишда кицининг камбағал деҳқон оиласида туғилғанлиги асосий мезон қилиб олинди ва бу хизмат лавозимларига тайинлашда ҳар томонлама ҳисобга олинди. Шуро тамойили ҳаммани баб-баробар, насл-насабидан қатъий назар, тенг тутиш бўлди.

Ота-боболаримиз ўғилга қиз танлаганларида, аксинча, куёв томонни ўрганганларида бир-бирларининг аждодлари ва зотларини суриштирганлар, чунки фарзандлар бир кунмас бир кун, барибир, ўз зотларига тортадилар. «Онасини кўриб қиз ол, қурогини кўриб бўз ол», «Қарисан, қартасан асли зотингга тортасан», «Қимирлатма лабингни, мен биламан тагингни» каби мақоллар бежиз ҳаёт синовидан ўтиб келмаяпти. Пайғамбарамиз ҳадисларида «насабларингни билинглар, қариндошларингга силаи раҳм қиласизлар» дейилган.

Яна бир гап. Узоқ ўтмишимиздан маълумки, насл-насаби тоза оиланинг фарзанди ахлоқ-одоб бобида баъзи чекинишлар қилиши мумкин. Лекин пировард оқибатда ўзининг асл насл-насибига қайтади. Тарбияли кишилар мақомидан жой олади. Шунинг учун бугун ҳар бир оила етти пуштининг билиши зарурлиги айтилмоқда. Бундан буён авлод-аждодларимизни маҳсус дафтарга қайд этиб ёзиб боришимиз лозим. Бу ҳар бир ўзбекнинг ўзлигини англашига, қадриятларимиз илдизини таҳлил қилишига имконият туғдиради. Буюк ҳазрат Алишер Навоий жуда тӯри таъкид этганларидай:

*Эл нечук топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам.*

Ҳар қандай нарса, ҳатти-ҳаракатнинг меъёри бўлади. Одобли ёки одобсизликнинг ҳам чегараси мавжуд. «Одобни беодобдан ўрган» мақолининг заминида беадабнинг қилганини қилмасанг, одобли бўласан, деган мазмун ётади.

Ҳаётдаги самимий кулгу дилга ором беради, кишига куч-қувват бағишлайди, саломатликни мустаҳкамлайди. «Бир кулгу икки тухумнинг қувватини беради», деб ҳам бежиз айтилмаган.

Бугун АҚШлик тиббиёт мутахассислари кулгуни инсоннинг соғайишига ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири деб қарайдлар. Шунинг учун шифохона ва клиникаларда масхарабозлар, маҳсус кулдирувчи шахслар касаллар билан ишлашга жалб қилинади. Касалликнинг турига қараб улар томонидан сокин ёки жозибали кулгу ижро этилади. Шу туфайли касаллар яхши кайфият ва руҳий мадад олиб, тезроқ тузалар, яралари ҳам тезроқ битар экан. Кулгунинг касалларнинг кўнглига ғашлик келтирувчи, қўпол, ёқимсиз, зерикарли бўлмаслигига жиддий эътибор қаратар эканлар. Аслида бўлар-бўлмасга кулиш, кулгуга ружу қўйиш одобсизлик саналади. Кўпни кўрган қариялар қаттиқ ва ноўрин кулувчиларнинг келгусида бошига ташвиш, ғам-андуҳ тушиб қолиши мумкинлиги, бир кулгунинг бир йигиси бўлишини таъкидлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, каклик қаҳқаҳа солиб кулгани учун бошига бало келади. Овчилар унинг кулгусидан сезиб, отиб оладилар.

Умуман олганда, бирорнинг устидан, хусусан, унинг табиий-жисмоний камчиликлари устидан кулиш ақли расо кишиларнинг иши эмас. Инсонлар ўртасида самимий, ўринли, беозор, кишиларга завқ улашувчи кулгу ҳамиша бор бўлсин.

МАЪРИФАТ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

«Парвардигори олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради», - деган эди Президент И.А.Каримов. Ҳақиқатан ҳам ўтмишда Ватанимиздан етишиб чиққан буюк алломалар улкан илмий кашфиётлар, башоратлар қилғанлар, маърифатни улуғлаганлар. Абу Райхон Беруний Колумбдан 500 йил аввал океан ортида бизга маълум бўлмаган йирик қитъа борлигини илмий асослаб берган. У ўзининг «Ҳиндистон» номли китобида «...Баҳримуҳит ортида буюк рӯйи замин бор», деб хабар берган эди. Бу ҳозирги Америка қитъасидир. Забардаст шоир Абдулла Ориповнинг «Колумбда бор аламим маним, Ўзбекистон, Ватаним, маним» деган сатрларида катта ҳақиқат тараннум этилган. Ал-Хоразмий алгебра фанининг пойдеворини қўйган улуғ олимидир. Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона қуриб, 1119 та юлдузни тасвирлаб берган. У юлдузлар тўғрисидаги илмнинг буюк ижодкори, XIV асрдаёқ одамнинг фазога парвоз қилишини орзу қилган улкан тафаккур соҳибиdir.

Ҳамюртимиз Аҳмад ал-Фарғоний ер юзини ўлчаган, унинг харитасини чизган, глобус ва компасни ихтиро қилган. Ўша даврларда Нил дарёсининг кўтарилиб, тошиб туриши ва сувнинг йиллик ҳажмини аниқлаш мумкин бўлмаган. Олимнинг бебаҳо муҳандислик қобилияти или Нил дарёсига маҳсус сув ўлчагич ўрнатилган ва бу иншоот туфайли ўша пайтларда дехқону соҳибкорларга солиқ ҳажми аниқ белгилаб берилган. Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум» китоби XII асрда кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Европа университетларида асосий дарслик вазифасини ўтаган экан. Абу Наср Форобий дунёда Арастудан сўнг демократия ва фуқаролик жамияти асослари илмини ривожлантириб, китоб ёзган буюк мутафаккирдир. У нотани, чолгу асбоби скрипкани нота асосида чалишни ихтиро қилган. Абу Наср Форобийнинг миллий давлатчилик, давлат раҳбарининг 12 ҳислатга эга бўлишлиги тўғрисидаги ғоя ва

кўрсатмалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини мутлақо йўқотган эмас. «Давлатнинг вазифаси, - деб таъкидлайди қомусий олим Форобий, - инсонларни бахту саодатга олиб боришдир, бунга илм ва яхши эзгу ахлоқ ёрдамида эришилади». Ўзининг машхур «Хидоя» асарини ёзиши жараёнида 13 йил рўза тутган ва нафс устидан ғолиблик тимсоли бўлган буюк ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний ҳукуқ илмининг асосчиларидан бўлса, Имом Мотуридий илоҳиёт илмларини тўла шакллантириб, такомилга етказган пири комил бўлганлар. Имом Ат-Термизий ахлоқ одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварлик ғояларини олға сурган буюк сиймолардандир. Абдухолик Фиждувоний эса олти ёшида Қуръонни ёд олган Укиши сўфийлик тариқати асосчиларидан ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларининг нуфузли кутубхоналаридан бирида Ибн Сино ҳаёти ва ижодига аталган маҳсус доимий кўргазма ташкил этилган. Унда шу буюк шифокор туфайли тиббиётдаги ютуқлар 400 йил илгарилаб кетган, деб ёзиб қўйилган. Зотан, «медицина» атамаси «Мадади Сино»дан келиб чиққан дейилиши ҳам бежиз эмас, шекилли. Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган моҳир шифокор, олим ва файласуф ватандошимиз Абу Али Ибн Синога океан ортидаги энг қудратли давлат кишилари томонидан берилган бундай баҳо қалбларимизни фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Ҳайратли жойи шундаки, азиз ва улуғ ватандошларимиз дунёдаги анчайин халқлар дунё сирларини ҳали англаб етмаган, айримлари оёқларига чипта ковуш боғлаб юрган, ун бармоқни мукаммал санай олмаган даврда ўз кашфиётлари билан жаҳонни лол қолдирганлар. Мумтоз адабиётимизнинг атоқли вакили Faфур Гулом Шарқ цивилизациясини бежиз шундай таърифламаган:

*Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талаи жафоларни тортган эски шарқ.
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга этди гарқ.*

Бинобарин, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам» деган сўзлар улуғ қадриятларимизнинг ўша шонли ўтмишига бориб тақалади. Ёшларимиз бундай теран илдизларни қалдан ҳис қилишлари, чуқур ўрганишлари, фахр-ифтихор туйғулари билан яшашлари керак.



Аллоҳнинг нигоҳи тушган диёримиз пири комилларнинг макони бўлган. Жумладан, Имом Бухорий ҳазратлари Аллоҳ инъом этган умрларини пайғамбаримиз Мұҳаммад (С.А.В.) муборак ҳадисларини тўплашга ва тадқиқ қилишга бағишлигандар, шу сабабли кўп йиллар Маккада истиқомат қилгандар. Шунингдек, 10 га яқин йирик шаҳарларда бўлиб, ҳадис тўплагандар. 600 мингдан зиёд ҳадисни жамлагандар, ундан 200 мингини ёд билгандар. Шулар ичидан 7225 тасини «Ал-Жомеъ-ас-Саҳиҳ» номи билан китоб ҳолига келтиргандар. Бу тўғрида ҳазратнинг ўzlари «Мен бу китобни олти юз минг ҳадис ичидан ажратиб олиб, 16 йилда тамомладим ва Аллоҳ билан ўртамиизда уни ҳужжат қилиб қўйдим», деб қайд қилиб ўтганлар.

Шайх Мұҳаммад Содик Мұҳаммад Юсуф манбаларга асосланиб таъкидлашича, «Имом Бухорий ҳазратлари гусл қилиб, икки ракъат намоз ўқиб, уйқуга кетар, тушларида Пайғамбар (С.А.В) келиб «ушбу ҳадис мендан» десалар, туриб китобларига ёзар эканлар».

Аллоҳ инъом этган билимга чексиз чанқоқлик, зукколик туфайли Имом Бухорий амалларга қизиқмаганлар, тожу таҳтни орзу қилмаганлар, вазирлик лавозимини расман рад қилгандар. Ниҳоятда камтарона ҳаёт кечиргандар. Иймон-эътиқодларининг мустаҳкамлигини қарангки, у киши намоз ўқиётгандарига кийимларига ари кириб олиб, 17 жойларини чақишга улгурган. Аммо у зот намоз ўқишни ниҳоясига етказган эканлар. Имом Бухорийнинг Исломдаги буюк хизматлари боис Бухоро «Кичик Макка» деган рамзий номга сазовор бўлган.

Шўро тузумида, атеизм ҳукмрон ақидага айланган шароитда Ватанимиздаги кўп азизу авлиёларнинг зиёратгоҳлари, жумладан, Имом Бухорий қабрлари ҳам қаровсиз аҳволга келтириб қўйилди. Имом Бухорийнинг 1200 йиллик тўйлари нишонланганда ташриф буюрган Марокаш подшоси ул зотнинг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлган. Ӯшанда Марокаш подшосига «Зиёратгоҳга элтувчи йўл жуда ёмон!» деб важ қилинган бўлса-да, аммо подшоҳ «Агар эмаклаб бўлса-да бориб, ал-Бухорий ҳазратлари ҳоки поини, албатта, тавоғ қиласман», деб азм қилган. Ноилож қолган маъмурлар уч кеча ва кундуз ҳаробани бир оз эпақага келтириб қўйишган. Имом Бухорий ҳазратлари қабрини 1968 йилда Индонезия Президенти Сукарно зиёрат қилиб, қабрни қучоқлаб йиглаган, қаровсиз қабрни кўчириб олиб кетишга ижозат сўраган. Эвазига қабр ҳажми оғирлигига тенг микдорда олтин ваъда қилган. Табиийки, унга руҳсат берилмаган.

Имом (Бухорийнинг 40 йиллик тўйларида Бағдод халифаси унинг елкасига тўн ёпаркан, Шайхулислом шундай лутғ қилган:

Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор,
Унинг зар тўнига енг бўлар ким бор.

Имом Бухорий устозларидан бири «Бухорийнинг кўкрагидаги туки бўлишга рози эдим», деб у кишига хурмат билдирган.

Фақат мустақиллик туфайлигина бу улуғ зотнинг башариятда тутган ўрни юқори баҳоланди, Самарқанддан икки чақирим наридаги Хартанг қишлоғида жойлашган қабрлари ва унинг атрофи гўзал ва мафтункор хиёбонга, аҳолининг табарук қадамжосига айлантирилди. Бугун Имом Бухорийнинг номи ер юзидаги бир миллиарддан ортиқ мусулмон фарзандлари орасида маълум ва машҳурдир.

Турли манбалардан олиниб, диққат-эътиборингизга кенг ҳавола қилинаётган маълумотлардан кўриниб турибдики, биз улуғ сиймоларнинг авлодларимиз. Дунё бугун улар қошида

бош эгмоқда. Биз, яъни уларнинг юртдошлари бундай юксак эҳтиромни чуқур англашимиз ва умри қүёш умрига тенг ватандошларимизга муносиб бўлишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «И мом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ислом оламининг беназир намоёндаси, буюк муҳаддис И мом Бухорийнинг дунё маданияти хазинаси ва муқаддаси динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдиришда, шубҳасиз, муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиласди.

Шонли тарихимиздан маълумки, диёrimиздан чиқсан улуғ алломалар илм дурданаларини излаб тури мamlакатларга кетишган, инсоният келажаги, унинг равнақи учун кўплаб қашфиётлар, буюк ижодкорлик намунасини намоён қилишган, ўзларидан улуғ ном, мўътабар эъзоз, катта савобли ишлар қолдиришган. Бугунги миннатдор авлодлар уларни катта фахрифтихор билан хотирасида сақламоқда. Лекин на илож, қисмат туфайли уларнинг азиз ҳокипоклари ўзга юртларда қолиб кетган. Ҳалқимиз эъзозидаги буюк зотлар: Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод қабрлари Ҳиротнинг Мусалло манзилида, Газнада Беруний ҳазратлари, Қобулда Бобур Мирзо, Балхда Бобораҳим Машраб ётибдилар. Форобий ҳазратларининг мангу қўним топган жойлари Дамашқ шаҳрида, Аҳмад ал-Фарғонийники Қоҳирада, Абу Али Ибн Сино қабри Хамадонда, Зокиржон Фурқатники эса Ёркентдадир.

Президентимиз И.Каримовнинг таклифи, Олий Мажлис сессиясининг маҳсус қарори, жамоатчиликнинг, зиёлиларнинг ташаббуси билан улуғларимиз хоки ва мўътабар зиёратгоҳларини обод этиш йўлида бошлаган хайрли тадбирлар халқимизнинг буюк мутафаккирлар, алломалар, шоирлар,

давлат арбобларига бўлган чуқур ҳурмати, иззат-икромининг яққол белгисидир. Буюк аждодлар руҳини ҳамиша ёд этиш ҳар бир ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг қалбидан мангу жой олиши лозим. Дарҳақиқат, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Биз буюк сиймоларни эслаб, азиз тутсак, буни ёшлар кўради. Бу анъана ёшлар қалбидан жой олади, демак, қадриятларимизнинг давомийлиги барқарор бўлади.



Бобокалонларимиз илм олишга жуда катта меҳр қўйганлар, унга интилганлар, бошқаларни ҳам шунга даъват қилганлар. Компьютер, тафаккур, тараққиёт аспи деб аталаётган XXI аср муаммоларини ҳам илм орқали ҳал қилинмоқда. Зотан, илм инсонни гоявий, руҳий баркамолликка эришиди, иймон-эътиқодини шакллантиди, ўзидан жамият тараққийси учун савобли ишлар қолдириш каби олижаноб мақсадга йўналтиди. Қуръоним Каримда «илм» сўзи 750 марта, «ақл» сўзи эса 50 марта тилга олинган. Пайғамбаримиз ҳадисларида «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм талаб қилишга ҳаракат қилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», дейилган. Дуне тан олган мутафаккир Аз-Замахшарийнинг «... ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл», деган пурмаъно гаплари илмга интилувчи ёшларга ҳарорат ва илҳом бағишлади.

Диёримиз тарихан буюк мутафаккирлар етишиб чиқсан макон бўлганлиги, қонимизда улар қони оқаётганлиги боис XX асрда ҳам, Ватанимиздан юзларча олимлар, алломалар етишиб чиқиб, жаҳон илм-фанига катта ҳиссаларини қўшдилар, ноёб кашфиёт ва ихтиrolар қилдилар. Жумладан, қадим-шунослиқда Яхё Гуломов, фалсафа ва ҳуқуқ соҳасида Иброҳим Мўминов ва Отабой Эшонов, геология соҳасида Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Ҳамробоев, биология ва тибиёт соҳасида Ёлқин Тұракулов, Восит Воҳидов, адабиётшунослиқда Ойбек ва Шайхзода, математика соҳасида

Қори-Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, түқимачиликда Мақсада Ҳожинова, ядро физикаси соҳасида Содик Азимов, кимё соҳасида Обид Содиков ва шунга ўхшаш кўплаб фидойи ватандошларимиз номларини бу ўринда фаҳр билан тилга олсак арзиди. Номлари тарих саҳифасига зархал ҳарфлар билан ёзилган бундай улуғ инсонларни доимо ёдда тутиш ва энг муҳими, уларнинг анъаналарини давом эттириш барчамиз, ҳамма фан заҳматкашлари учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Кўхна тарих учун мустақилликка эришилган йилдан сўнг ўтган давр киприк қоқгудек фурратдир, лекин у ўзбек халқи учун асрларга татигулик муддатга айланмоқда. Ота-боболаримиз орзу қилган мустақилликка эришганимиз туфайли диёrimизда жуда кўп жаҳоншумул аҳамиятга молик ишлар қилинди, қилинмоқда. Шулардан бири бутун дунёга донг таратган аллома-мутафаккирларимизнинг, азизу анбиёларимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни ва аҳамиятини халқаро миқёсда юзага чиқаришимиз, уларнинг ҳурматини ўрнига қўйишимиш бўлди. Энди гап улуғ боболаримизнинг буюк кашфиётларидан руҳий қувват олиб, уларнинг оламшумул ишларини давом эттиришда, яъни замон тафаккуридан илгарилаб кетган даврни, оламни олға ҳаракат қилдирадиган ақл эгаларини етиштириб беришда қолмоқда. Элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов бу тўғрида қуйидаги мисраларни битган:

*Қуллик қил демасман, юрт тупрогин ўп,
Унга қуллар эмас, фидолар керак.
Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.*

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» вазифаларини изчил амалга оширилиши, ўзбек ёшларининг чет элларга бориб, муваффақиятли ўқиб-урганиб келишлари, иқтидорли ёшларимизнинг катта кашфиётлар қилиб, юлдуз янглиғ порлаб туришлари, уларнинг жаҳондаги нуфузли олимлар томонидан тан олиниши ва

фанимиз тараққиётидаги янги-янги ижобий жараёнлар, иншо-аллоҳ, ана шундай даҳоларнинг диёrimизда етишиб чиқишини кафолатлайди.



Ерга, сувга, ҳавога муҳаббат халқимизнинг азалий қарор топган қадриятларидандир. Инсоният пайдо булибдики, атроф-мухит түғрисида қайғуради, үйлайди. Масалан, эрамиздан 500 минг йиллар илгари Афинада «Ахлатни кўчага ташламаслик» ҳақида қонун қабул қилинганд экан.

Буюк аллома Абу Али Ибн Сино: «Агар ҳавода чангу губор бўлмаса, инсон минг йил яшар эди», деган. Инсон умри ҳақидағи бундай башорат ҳозирча ўз қийматини йўқотмайди. Чунки умримиз, соғ-омонлигимиз, бизни ураб турадиган табиатга ва унга бўлган муносабатимиз, мумомала маданияти-мизга боғлиқ. Табиат бойлиги тўкин дастурхон бўлса, инсон ундан ўз насибасини олувчи меҳмонга ўхшайди. Бунга у самарали меҳнат орқали, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва унинг гўзалликларидан баҳраманд булиш орқали эришади. Шуни таъкидлаш керакки, Шўро тузумида пахта яккаҳокимлиги авж олиб, она табиатга даҳшатли зиён етказилди. Табиатга нисбатан куч ишлатиш, уни мажбурлаш меъёридан ортиқ номутаносибликни вужудга келтирди. «Ғалаба қурбонсиз бўлмайди» шиори остида турли захарли химикатлар ишлатилиб, аҳолини ҳар хил касалликларга дучор қилинди. Маълумки, халқимиз табиатни асрash-авайлаш, озодаликни таъминлашда бой анъаналарга эга.

Ўзбекларда табиатни севиш бешикдан, она алласидан бошланган. Гарчанд алла ёдида қолмаса-да, унинг мазмуни боланинг руҳиятига сингган. Ўзбек хонадони ҳамиша сарам-жон-саришта, тозалиги ва озодалигидан ёғ тушса ялагудек ҳолатда бўлган. Ахлат учун, мағзава тўкиш учун маҳсус чуқур тайёрланган. Хонадон соҳибалари ҳар тонг тегишли ҳовли-жойларни, куч-атрофни супуриб, сувлар сепганлар. Келинлар, бўйи етган қизлар эса яхши орзуладар қилиб гўё ўзларининг

мехрларини сепганлар. Каттадир-кичиқидир - ҳар бир ҳовли гулзорга, боғига эга бўлиб, улар ҳамиша меҳр билан парвариш қилинган.

Ижодкор япон халқи ноқулай табиий иқлим шароитларида яшаб, япон мұъжизасини яратиб, дунёга таратмоқда. Айни пайтда матбуот хабарларига қараганда, японияликлар үзлари истиқомат қиласидиган күп қаватли уйлар томига дарахтлар экиб, гулзорлар бунёд қилмоқдалар. Шу уйларда яшовчи кишилар у ерда сайр қилиб, ҳордик чиқармоқда эканлар.

Лекин, умуман олганда, бугун она-табиатга, унинг мусаффо булишига лоқайдлик, бепарволик мавжуд. Она табиатга муносабат, энг аввало, инсонийликка боғлиқ. Ахир, ақли расо одам ўзи ўлтирган жойни ўзи булғамайди-ку ёки ўзи ўстирган дарахт шохини ўзи кесмайди-ку, ўзи ичадиган сувга ўзи тупурмайди-ку! Айрим жойларда ёш болалар, ноинсоф кимсалар томонидан дарахт шохлари синдирилмоқда ёки аёвсиз кесиб ташланмоқда. Қайси бир фидойи киши халқ дастурхонини нозу неъмат билан тўлдираман деб дарахт қўкартирса, кимдир фойда кураман деб уни қўпориб олиб кетмоқда. Ёки гуркираб турган гулларни ғуруриб, йўл четига улоқтириб кетиш ёвузлик эмасми?

Кўхна тарихдан маълумки, азал-азалдан аждодлар қўчат экиб, уни асраб-авайлаганлар. «Авесто» китобида ёзилишича, дарахтни синдирган шахсни бир йула 25 дарра уриш билан жазоланар экан. Ҳозир ҳам қатор давлатларда озодалик, уйжойни ободонлаштиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Англияning Дерби шаҳрида, масалан, шахсий боғида тозаликни сақламагани учун Грэхем исмли фуқаро 4 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Бугун ахлат, чиқинди буюмлари табиатни мажруҳ қилмоқда. Мутахассис олимлар фикрича, атроф-муҳит ифлослиги ўз моҳияти жиҳатидан ер юзидағи очлик ва қашшоқлик оғати билан баробар турар экан. Беш кунлик дунёда ҳар бир инсон тинч-тотув, сарамжон-саришта, тўқ

яшаб, тоза ҳаводан нафас олиши, умрини узайтиришнинг барча воситаларидан фойдаланиши мухимдир. Бинобарин, боқадиган еримизни, ичадиган сувимизни, нафас оладиган ҳавомизни авайлаб-асраш инсонийлик тамойилига айланиши даркор.



Халқимизда «Яхшидан бөг қолади», деган ибратли нақл бор. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз құлларидан келганича, бөг яратишған. Табиатни бойитиш, атроф-мухитни құқаламзорлаштириш ишларига ҳамиша әထибор билан қараб келишган. Ҳатто умри поёнига етиб қолган кексалар ҳам күчат экиб, бөг қилиб, ёшларга ибрат бўлишган. Биламизки, аксарият мевалар күплаб касалликларга даводир. Меваларда инсон танаси учун зарур барча моддалар мавжудлигидан уларни кўп истеъмол қилган кишининг, одатда, табибга иши ҳам тушмайди. Бөг яратиш меҳнатсеварлик, саховатпешалик, келгуси авлод учун эзгу ишлар қилиш белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун бобокалонимиз Амир Темур қуийдаги нақлни қаттиқ ушлаганлар:

*Хон бўлсанг-да бөг ярат,
Гадой бўлсанг-да бөг ярат,
Бир кун эмас – бир куни,
Мевасини татирсан, -*

Соҳибқирон Амир Темур бөг яратиш ҳаракатига мухим давлат иши сифатида қараганлар. У зот «қай бир жойдан бир туп дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта күчат эктиридим», деб айтгәнларида минг бора ҳақ әдилар. Масалан, машхур «Боги Шамол» бөг-қасрининг бунёд этилишига ўзлари бош бўлганлар. Унга хилма-хил, сара мевали, шунингдек, хушбўй ҳид таратувчи соя-салқин берувчи манзарали дараҳтлар эктирганлар. Богларда меъморий санъатнинг ноёб намунаси сифатида қасрлар ҳам қурдирғанлар.

Амир Темурнинг бοғ яратишдек фаол ҳаракати боис Самарқанд атрофида Бοғи Шамолдан ташқари Бοғи Дилкушо, Бοғи Беҳишт, Бοғи Баланд, Бοғи Чинор каби 12 та бοғ-сарой барпо этилган.⁶ Бу боғларда туриб, у давлат ишларини бошқарган. Шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур сафарда булган пайтлари бу боғлар оддий фуқаролар ихтиёрига берилган. Шаҳар аҳолиси қариндош-уруғлар, яқинлари билан биргаликда боғларда эркин ҳордик чиқаришган. Дам оловчилар боғларда пишиб ётган мевалардан, бемалол, баҳраманд булганлар. Амир Темурнинг бοғ яратишга булган иштиёқи келажакда Темурийлар авлоди (хусусан, Бобурийлар сулоласи) томонидан янги бир урфга айлантирилган эди.

Сувга муносабат миллий қадриятларимиз тамойилларидан биридир. Сув табиат мұжизаси, муқаддас неъматдир. Унинг үрнини босадиган манба йўқ. У инсоният, үсимлик ва ҳайвонот дунёси яшаши ва ривожланиши учун абадул-абад ўзига хос ҳаётий зарурият ҳисобланади. Лекин бугун Ер юзи аҳолисининг 40 фоизга яқини ичимлик сув тақчиллиги муаммоси ~~да~~ келмоқда. Чунки Ер юзининг тұртдан уч қисми сув булса-да, унинг 97,5 фоизи шур сувдир.

Мутахассислар таъкидлашича, бир кечакундузда дунёдаги барча дарё ва күлларга 6 миллион тонна ифлосланган сув оқавалари қуйилмоқда экан. Сувнинг ифлосланиши натижасида ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киши турли касалликларга чалинмоқда. Бинобарин, сув танқислиги глобал муаммога айланиб қолди.

БМТ маълумотларига қараганда, 2025 йилда сувга булган талаб 1995 йилдагига нисбатан 1,5 баробар күпаяди. Шу туфайли ҳар йили камида 130 млн. тонна озиқ-овқат маҳсулоти етишмовчилиги юзага келади. Бу ҳолатта Орол фожеаси ҳам үз таъсирини үтказар экан.

Орол денгизи XX асрнинг урталарида ички сув сиғими буйича дунёда тұртінчи үринде турарди. Бирок 1995 йилга

келиб, у ўзининг тўртдан уч қисмини йўқотди, сув сатҳи қарийб 20 метрга пасайиб кетди. Денгиз бурунги қирғоқларидан 100-150 километр ичкарилади. Денгизнинг қуриб кетишидан бутун Марказий Осиё ҳудуди ҳам азият чекмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Оролни қутқариш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин улар ҳали етарли самара бермаётир.

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан сувга алоҳида меҳр билан қарашган, ёшларга, «Ҳовлини супурганда ахлатни сувга супурма, оқар сувга турли нарсаларни ташлама, ариқдаги сувга тупурма, ифлослантирма, гуноҳ бўлади», деб насиҳат қилишган.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Жалолиддин Мангуберди Жайхун дарёсига кесак отгани учун ўз укаси Ўзлоқшоҳнинг юзига шапалоқ уриб: «Сув – муқаддас неъмат. Сен Жайхунни онамиздек азиз бил», деб танбеҳ берган экан.

Бинобарин, сув танқислиги булиши башорат қилинаётган бир шароитда томчиси зар бўлган бу табиат мўъжизасини асраб-авайлаш чин инсоний бурчимиз бўлиб қолмоғи лозим.

Маълумки, муздек зилол сувнинг бошқа истеъмол буюмлари сингари ранги ҳам, ҳиди ҳам йўқ, баҳоси ҳам йўқ. Инсоннинг қизиқ феъл-атвори бор: ўзи учун энг зарур нарсаларнинг қадрига етмай, уларни хор қиласди. Охир-оқибат унинг уволига, учрашини ўйлаб кўрмайди. «Олдингдан оқкан сувнинг қадри йўқ», деган мақол ҳам борки, у бу фикрни тұлиқ ифода этади.

Бугун Ўзбекистонда аҳоли жон бошига сувни истеъмол қилиш даражаси ривожланган мамлакатларга қараганда икки маротаба юқори бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳажми 15 миллиметрли бир дона носоз жумракдан бир кечакундузда беҳуда оқкан сув билан 360 нафардан зиёд кишини кунлик эҳтиёжини қондириш мумкин бўлар экан. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида ичимлик сув баҳоси ортиб бормоқда. Сув қатраси дур қатрасига айланмоқда. Масалан, АҚШда фермерлар маккажӯхори сув талаб бўлган пайтда об-ҳаво

маълумотини интиқлик билан кутишар, агар ёмғир ёғиши башорати бўлса, экинни тежамкорлик билан ёмғир сувида сугоришар экан. Кўряпмизки, фермер экин учун бекорга пул тўлашни лозим кўрмай, табиат инъомидан фойдаланади. Хитойнинг қатор вилоятларида маҳсус ҳавзалар қурилган бўлиб, уни ёмғир сувлари билан тўлдириб, мақсадга мувофиқ равишда ишлатилади. Исроилликлар сувни тежаш мақсадида анча мураккаб бўлган жараён – экинларни томчилатиб суғориш усулини жорий қилганлар.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик маънавий юксаклик омилидир. Сув инсонларга ато этилган энг қадрли неъматлардан биридир. Қуръони Каримда «Биз сувни ҳаёт манбаи қилиб ва покловчи қилиб бердик» дейилган. Бинобарин, сувни тежамаслик суннатдан ва унинг савоб фазилатларидан бенасиб қолишга олиб келади.

Хуллас, сув ҳаётий эҳтиёж бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг чин инсоний бурчимиздир. Сувни тежаш ғояси қон-қонимизга сингиб кетиши, уни асраш юрт тақдирини асраш даражасига кутарилиши ва бу борада барча тарғибот-ташвиқот, тажриба ва ўғитларни ишга солиниши лозимдир.

Бозор иқтисодиётининг қоидаси шуки, ишлаб чиқарувчи ўзини хўжайнин деб ҳис қилиши, ўз меҳнатининг натижаларидан манфаатдор бўлиши керак. Кимнинг маҳсулоти яхшироқ ва арzonроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб ҳаммадан кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёsat ёки мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бундай жараённи ҳисобга олмаслик, иқтисодиётда инқироз ва халқнинг турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келади. Аравани отдан олдин қўйилмагани каби сиёsatни иқтисоддан олдин қўйиб бўлмайди. Халқимизнинг «Аввал таом, баъдаз калом» деган нақли бежиз айтилмаган. Айтишларича, афанди меҳмонга чақирилган, лекин унинг олдига анча вақт ўтганлигига қарамай, ҳеч қандай егулик

қўйилмаган. Оч ҳолда қолдирилган афандидан мезбон «Кўнглингиз қайси мусиқани тусайди», деб сўраганида, у қозонга капгир урилганда чиқкан овоз – мусиқани жон-жони билан тинглашини билдирган. Бу, албатта, ҳазил-мутойиба, лекин унинг тагида муайян ҳақиқат ётиди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулогига гап кирмайди».

Ҳа, иқтисодиёт ҳар қандай макон ва замонда устувор бўлиб қолади. Бугун республикамизда иқтисодиётни эркинлашириш ва ислоҳотларни чуқурлашириш сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Инсоният пайдо бўлибдики, фаровонлик томон ҳаракат қиласди, фаровонлик учун курашади. Одам моддий неъмат ишлаб чиқарувчи ва шу билан бирга уларни истеъмол қилувчидир. Унинг табиати қизиқ: дастурхони тезгина тўкин бўлса, мисоли лифт ҳаракат тезлигига... Аслида аҳоли фаровонлиги секин-асталик билан, гўёки зинама-зина юқорига кўтарилиб боради. Фаровонлик чекланган ресурслар шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириб бориш даражасини билдиради. Бугун мамлакат иқтисодиётининг қудрати ва фаровонлиги кўрсаткичи ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келишига кўра ҳисобланади. Дунё бўйича у турлича миқдорни ташкил этади. Қатор мамлакатлар унинг юқори даражасига эришганлар. Бундай фаровонликка меҳнатсиз эришиб бўлмайди, у осмондан ташланмайди, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Фаровонликнинг юксаклигига эришиш учун ҳар бир ўзбекистонлик кечагига қараганда бугун, эртага эса бугундан ҳам зиёд меҳнат қилиши, иш сифатини ошириб бориши керак. Юксак фаровонлик калити меҳнатдир. Бозор иқтисодиёти боқимандаликка чек қўяди, меҳнат қилмасдан «олма пиш-офзимга туш» қабилида иш тутаётганлар юқори турмуш фаровонлигига эга бўла олмайдилар.

Ҳассос шоиrimиз Эркин Воҳидовнинг бундан анча йиллар илгари дехқон тилидан ёзилган қўйидаги шеърий сатрлари бугун ҳам ўз мазмун ва моҳиятини йўқотмаган:

Тириклик деганинг ўзи бўлмайди,
Ризқ осмондан тушмас чекиб ётсанг нос.
Озроқ жон койитса одам ўлмайди,
Бизлар ишляяпмиз,
Бу меҳнат, холос.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Мустақиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқарashi, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда».

Бозор иқтисодиёти оилада иқтисодий тарбия масалалари билан изчил шуғулланишини тақозо этади. Оилада фарзандни ёшлигиданоқ иқтисод ва тежамкорликка ўргатиш, касб-хунарга йўналтириш керак, токи у оила бюджети қандай шаклланишини билиб борсин. Оила аъзолари бир бурда нон қандай воситалар билан ризқ бўлиб дастурхонга келишини ҳис этсин. Оилага тегишли уй-рўзгор, бисот буюмларини асррабавайласин. У сувдан, газдан, электрдан ва бошқа ашёлардан оқилона фойдаланилса, оилага қандай наф келтиришини идрок қилиши, улардан тежаб-тергаб фойдаланиши лозим. Шунингдек, бугун тўла-тўқис таъминланган боланинг гердайишига, аксинча, кам таъминланганинг унга ҳасад қилишига ҳам йўл қўймаслик зарур. Турмуш фаровонлиги яхшиланиб боришига умид билан яшаш керак. Ҳар бир бола ота-онаси қандай ҳалол меҳнатлар эвазига маблағ топаётганигини сезсин, таҳлил қилиб кўрсин. Мана, бир мисол. Японияда узоқ вақт сафарда бўлган бир зиёли менга қўйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган эди: «Бир ёш ота-она фарзандини сайр, қилдириб, музқаймоқ сотадиган дўкон олдидан ўтаётганида бола музқаймоққа бир қараб қўяди-да, йўлида давом этаверади. Уни тўхтатиб, «Сен музқаймоқни ёмон кўрасанми?»,

деб сўраганларида «Мен-ку яхши кўраман, бироқ оила бюджетимиз бугун шунга имкон бермайди», деб жавоб қайтарган».

Япония мактабларида янги ўқув йили бошидаги машғулотларнинг бири «Бизнинг ҳаётий мақсадимиз иқтисод ва тежамкорликдир» деган мавзуга бағишланиб, бу ўлканинг табиий иқлим шароитлари нокулайлиги (мунтазам вулқон отилиши, зилзилалар содир бўлиши), ресурсларнинг чекланганлиги (оз миқдорда кўмир ва мис заҳиралари борлиги)га ишора қилинар экан.

Мустақилликни қўлга киритган, бепоён имкониятлар мамлакати ҳисобланган ўлкамиздаги ҳар оиласда иқтисодий таълимни изчил йўлга қўйиш, айниқса, иқтисод ва тежамкорликни яшаш мезонига айлантириш лозим.

Буюк маърифатпарвар ёзувчи Абдулла Авлоний «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур... Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни сўймас, иқтисодиётга риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар», деб кўрсатган эди.

Оилаларда иқтисодий тарбиянинг шаклланишига, энг аввало, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар катта ёрдам бермоқлари лозим. Бу ўринда ўқувчиларга «Иқтисод алифбоси» ўқитилиши самарадорлигини, таъсирчанлигини таъминлаш керак. Унда меҳнат, оила, ишлаб чиқариш, савдо, бозор, баҳо, бошқариш муносабатлари содда, равон тилда тушунириб берилиши жуда муҳимдир.

* * *

Инсоният шундай бир мўъжизаки,. кези келганда чумолига ҳам озор бермайди, компютерларни ўйлаб топади, космосга чиқади, ер қаъридан маъданлар олади, саҳроларга сув чиқариб, уни бўстонга айлантиради, кўплаб эзгу ишлар қилиб, халқ меҳрини қозонади. Лекин шундай бағритош, ёвуз инсонлар ҳам борки, улар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан жаҳон аҳлига қайғу-азоб келтирадилар, бунёдкорлик ишларига болта урадилар. Улар инсон деган улуғ номга нолойиқдирлар. Аслида яхшилар туфайли дунёда мувозанат сақланиб, осуда ҳаёт ва фаровонлик таъминланмоқда. йўқса, худо кўрсатмасин,

кунимиз ёмонларга қолган тақдирда, дунё остин-устун бўлиб кетиши ҳам мумкин эди.

Терроризм – энг.мудҳиш ёвузликлардан биридир. У XXI аср вабоси бўлиб қолди. Террор миллат ва чегара билмайди. АҚШда 2001 йил 11 сентябрдаги террор туфайли 91 миллатга мансуб 3 мингга яқин киши саноқли дақиқаларда қурбон бўлди. Москвадаги маданият саройларидан бирида 2002 йил октябр ойи охирларида содир этилган террорчилик ҳаракати ҳам юзлаб бегуноҳ кишиларнинг ёстигини куритди. Айни пайтда террорчиларнинг аянчли қисмати билан тугади. Дунё мусулмонларининг нигоҳи қадалган, Аллоҳнинг уйи аталмиш муқаддас Каъба жойлашган ҳудуд – Саудия Арабистонида «Ал-Қоида» террорчилик груҳи томонидан содир этилган ёвузлик улардан ҳақиқий диний эътиқод ҳам ҳазар қилишини исботлаб берди. Террорчилик ҳаракати бизни ҳам четлаб ўтмади. 1999 йилнинг 16 февраляда юз берган фожиа нафақат Президентимизга, балки мустақиллигимизга, диёrimиз келажагига қаратилган сунқасд эди. Шунингдек, турли йилларда террорчилик ҳаракати мамлакатимиз қатор ҳудудларида ватангдолар томонидан содир этилди. Шукурлар бўлсинким, уларнинг ёвуз ниятлари амалга ошмади.

Афғонистонда дунёдаги тинчликсевар кучлар томонидан терроризм уруғини йўқ қилиш, сиёсий бошбодоқликни бартараф этиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда тотув, демократик ҳаёт изга тушади, деб умид қилинмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия бирлашган қуролли кучларининг Ироқда Саддам Ҳусайн истибдодини ағдариш бўйича олиб борган уруши аксарият жаҳон жамоатчилиги томонидан терроризм илдизларига қарши қаратилган жиддий ҳаракат деб баҳоланмоқда. «Хизб ут-тахрир» айирмачилик, ақидапарастлик ҳаракати дунёдаги кўпгина мамлакатларда, барча араб давлатларида ноқонуний деб эълон қилинди.

Республикамизда террорчилик ҳаракатининг бели синдирилган, асосий манбалари йўқ қилинган бўлса-да Президентииз И.Каримов «Ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бу бир

кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим», деб даъват этмоқда.

Ароқхўрлик, унга ружу қўйиш оиласа, жамоага ва умуман, жамиятга ҳеч қайси замонда наф келтирмайди.

Тиббиёт ходимларининг таҳлилига кўра, ароқхўр оилаларда ақли заиф, жисмоний камчиликларга эга, тутқаноқ касалига дучор буладиган, ошқозони тез жароҳатланадиган фарзандлар дунёга келар экан. Ароқхўр ота-оналарнинг ҳар иккидан бири юрак-қон томир, учдан бири жигар, тўртдан бири ўсма, бешдан бири буйрак хасталигига чалинаркан. Бугун ёшларга тегишли қонунбузарлик ҳолатларининг 88 фози ароқ туфайли содир этилмоқда. Қарангки, 75 грамм ароқ автоулов ҳайдовчисининг ҳушёргилини 30-40 фоизга пасайтириб юборар экан.

Ароқ ичиш авлод келажагига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Соҳибқирон Амир Темур бу жараёнга жиддий эътибор қаратганлар: «Уғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, деб шу покиза йўлни тутдим», - деб буюк бобомиз сабоқ берганлар. Ароқ инсонлар ўртасига адоват ва нафрат солувчи, тубанликка етакловчи воситадир. Донишмандлар айтганидай «шароб савобни ейди». Айрим кексалар, ҳатто аёлларнинг ароқ ичиши ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган фожеадир. Шу ичклик туфайли ՚дунё бўйича кўплаб нохуш воқеалар, фожеалар, ҳатто урушлар содир бўлганлиги тарихимиздан аёндир. Подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг севимли невараси Мўминмирзонинг үлдирилиши ҳам шу касофат туфайли содир этилди ва ўтмишимизнинг «қора доғлари»дан бири бўлиб қолди.

Буюк шоҳ ва шоир Мирзо Бобур ҳам май ичишга одатланиб қолганлигини ўзининг «Бобурнома» асарида баён қилган. Лекин таҳсинга лойик жойи шундаки, май унинг кўнглидаги губор эканлигини, тавба зарурлигини ўз вақтида

аңглаб етган, нафсга тобе бўлиш умрга зое бўлиши мазмунида маҳсус шеър битган. Май учун керак бўлган олтун-кумуш идишлар ҳаммаси синдириб тишланган, ўзи ва уч юзга яқин беклар, сарой ходимлари ичмасликка сўз бериб, тавба қилганлар.

Ичмаслик жуда катта ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик жараёндир.

Таниқли донишманд Б.Франклин түгри кўрсатиб ўтганидек: «Ичмаслик ўчоққа ўтин, қозонга гўшт, дастурхонга нон, давлатга маблағ, ҳамёнга пул, баданга қувват, танага кийим-кечак, каллага ақл, оиласа фаровонлик баҳш этади».

Ичкиликбозлик оғир, лекин бедаво дард эмас. Уни бартараф этиш, энг аввало, инсон иродасига боғлиқ. Аммо бу иродани тарбиялашда жамиятнинг, жамоанинг, муҳитнинг, оиласининг, ёру биродарларнинг сидқидилдан қумаги бўлиши зарур.

Гиёҳвандлик - «оқ ажал» соғлом турмуш тарзи ва тараққиётга акс таъсир кўрсатиши жиҳатидан умуминсоний қадриятларга зид мудхиш ҳодисадир. Дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизини бевосита ёки билвосита гиёҳвандлик билан шуғулланадиганлар амалга оширмоқда. БМТ маълумотларига қараганда, дунёда гиёҳвандлар сони 200 миллионга етди. Гиёҳвандларнинг 62 фоизи ОИТС касали билан оғришга мойил бўлар экан. Гиёҳвандлик давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига, уларнинг иқтисодий мустақиллигига ва барқорликка таҳдид қилмоқда. Наркомания янгидан-янги қурбонларни домига тортмоқда, терроризм каби иллатларни озиқлантироқда. 140 миллион аҳолиси бор Россияда, масалан, кейинги 5 йил ичida наркоманлар 3 марта ошиб, қарийб 4 миллион киши атрофида Уларнинг ичida болалар ва ўсмиirlар 400 минг нафарни ташкил этади. Бошқа жиҳатдан олганда, 126 миллионли Японияда атиги... 159 нафар ўқувчи-ёшлар гиёҳвандлик билан шуғулланиши, уларнинг алоҳида назоратга олиниши бу «оқ ажал»га қарши курашиш мумкинлигидан далолат беради.

Шуни айтиш керакки, гиёхвандлик бутун дунёда тарқалиб бораётган офатдир. У Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Расмий маълумотларга қараганда, бугун Ўзбекистонда 30 минг гиёхванд бор. Шунинг 50 фоизини вояга етмаган ёшлар ташкил қиласди. Келинг, таҳлилни давом эттирайлик. Ҳар бир гиёхванд бир кунда 0,5 граммдан героин истеъиол қилса, бир йилда 180 грамм офатни ўз организмига қабул қиласди. Барча гиёхвандлар учун бу рақам йилига 5,4 тоннани ташкил этади. «Қора бозор»да 1 кг героин қиймати 15 минг доллар экан. Демак, бир йилда бу дардга чалингнларга 810 миллион доллар пул сарф этилади. Бу ҳолат оила ҳаётини издан чиқаради, фаровонлигига жиддий путур етказади, фарзанд тарбиясини бузади, меҳр-оқибатни кутаради, ор-номусни ерга уради. Гиёхвандликнинг инсониятга солаётган хавфи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Масаланинг яна бошқа томони бор. 2000 йилда Ўзбекистонда 6 мингга яқин наркоманлар, жумладан, 700 дан зиёд аёллар тиббиёт муассасаларида даволатилди. Тиббий мутахассислар маълумотларга кура, ҳар бир ҳисобга олинган гиёхвандни йилда бир неча бор мажбурий даволаниши назарда тутилса, унга давлат томонидан сарфланаётган маблағ бир миллион сўмга тўғри келмоқда. Бинобарин, гиёхванд ҳам ўзига, оиласига, жамоаси ва давлатга катта иқтисодий ва маънавий зарар келтирмоқда. Ҳа, гиёхвандлик – умумбашарий муаммо. Унга қарши кураш инсон ҳаёти учун, унинг келажаги учун курашдир. Демак, бу кураш инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳаракатига айланмоғи керак.

Оммавий спортнинг тұла йўлга қўйилиши, бу соҳада эришилган муваффақиятлар жаҳондаги мамлакатлар ичидаги миллатимиз нуфузини оширувчи восита ҳисобланади. Зотан, Президент И.Каримов таъкидлаганидек: «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезликда дунёга машҳур қила олмайди». Мамлакатимизда спортни кўпгина турлари буйича жаҳон, Осиё, республикамиз чемпионлари етишиб чиқмоқда. Спорт саломатлик, қанчадан-қанча касалликларни олдини олиш, соғлом насл қолдиришдир. Руҳан, ақлан, жисмонан

чиниқиш - мана шу уч жиҳат мужассам бўлгандагина ёшлар аср мұаамолари устидан ғолиб чиқадилар. Зотан, жисмонан чиниқиш руҳий, ақлий фаолликка йўл очади. Танадаги қон меъёрида айланиб, мижөзда мұттадиллик кузатилса, ақл ва руҳ етарли озуқа олади. Абу Али Ибн Сино: «Жисмоний тарбия билан оқилона шуғулланган киши дори-дармонга ҳам, табиға ҳам эҳтиёж сезмайди», - деб таъкидлаган.

Спорт ҳамкорлик, ҳамнафаслиkdir, демак, катта жамоатчилик ҳаракати тмисолидир. Бугун республикамизда болалар спортини ривожлантириш юзасидан кенг қамровли умумхалқ ҳаракати бошланди. Наманган шаҳар марказида 14 гектар майдонда 12 иншоотдан иборат, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ёшлар спорт мажмуасининг ишга туширилиши бундай саховатли ҳаракатнинг дебочасидир. Республикашимизда уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг изчил амалга оширилиши «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган эзгу шиоримизнинг ҳаётий ифодасидир.

* * *

Тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ҳамма жойда, ҳар томонлама ривожлантириш тараққиётимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга кичик ва ўрта бизнес Ўзбекистон шароитида миллатимиз табиати, қадриятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилиши лозим. Зотан, ўзбек меҳнатсевар, жамоани қадрлайдиган, бир-бирига ишончли ҳамкор, ориятли, инсофли ва андишали халқдир.

Маълумки, тадбиркорлик савобли ва масъулиятли касбdir. Тадбиркорлар тарихан ростгўй ва покдомон кишилар сифатида табаррук инсонлар қаторига қўшилган. Аксарият тадбиркор-бойлар миллат равнақи учун курашганлар. Ўзининг ҳалол меҳнати, саъи-ҳаракатлари билан ҳалқ назарига тушган, эл-юрт ишига камарбаста бўлаётган тадбиркорларнинг катта авлоди вужудга келмоқда. Лекин айрим субъектлар томонидан мавжуд қонун ва қоидаларга тұла риоя қилинмаяпти. Натижада соxта тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Савдо қоидаларини бузиш, тушум миқдорини яшириш, пировард

натижада даромад солиғини тұламаслик билан боғлиқ қонунбузарлық ҳолатлари учрамоқда. Бундай «тадбиркорлар» фақат үзи бұлса, үзи бойиса бас. Уларда иқтисодий худбинник күчлидир. Эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги уларни қизиқтиrmайды. Бугун тадбиркорлар, эңг аввало, иқтисод илмини чуқур згаллаган, маънавий жиҳатдан етуқ, иймон-эътиқодли, муомала маданиятида, ахлоқ-одоб бобида намуна күрсатадиган, инсонпарвар ва ватанпарвар бўлиши лозим. Ахир, ҳадисларда «Аллоҳ севган бандасини унга бошқаларнинг иши тушадиган қилиб қўяди», дейилган.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш фуқароларнинг маданияти ва камолоти даражасига, тарбияси ва интеллектуал ривожига муайян таъсир кўрсатади. Бинобарин, улар ўртасида маънавий-маърифий тарбияни изчил йулга қўйиш керак бўлади. Токи ҳар бир фуқаро юқори маданиятли, ахлоқ-одобли, билимли бўлсин.

Тадбиркорлик қонуний фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Тадбиркорлар мақсадга мувофиқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, истеъмол бозорини тўлдирадилар. Солик тўлаш йўли билан Ватанимиз равнақига ҳисса қўшадилар. Демак, тадбиркорлик хайрли ва фахрли, савоб ишдир. Аммо чайқовчиликни, олиб сотарликни тадбиркорликдан фарқламоқ даркор. Чайқовчи ҳам тошдан, ҳам тарозидан, ҳам бўйидан, ҳам энидан уриб қоладиган, бирни ўнга пуллаб, халқни алдаб, ҳаром йўлдан борувчи шахсдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) ҳадисларида: «Савдода на иллат, на хиёнат, на ўғирлик бўлмаслиги лозим», дейилган. Агар чуқур мулоҳаза юритилса, чайқовчи давлатимиз сиёсатини хаспушлаб, халқни бу сиёсатга қарши қўйиб, норозилик туғдирадиган, мустақилликнинг асл моҳиятига қора бўёқ чаплайдиган ноинсоф . кимсадир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик киноя ва афсус билан ёзганидек, «Бозорда хандон писта харидорга қараб, гүё кулиб туради, лекин нархи айтилганйдан сунг чұнтак сотувчига қараб йиғлаб юборади».

Бизнингча, эндиликда чайқовчиликка қарши том маънода курашиш түғри йўлга қўйилмоқда. Аммо айрим мутасадди раҳбарларнинг бепарволиги, бозорни ва ундаги нарх сиёсатининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда. Ўтмишда чайқовчилик ва қаллоблик қадриятимизга зид ғайри иқтисодий ҳодиса деб қаралган ва унга қарши барча воситаларни ишга солиб, жиддий курашилган. Бундай жараён қайта тикланиши лозим ва даркордир. 2002 йилнинг 1 октябридан эътиборан амалга оширилаётган иқтисодий сиёsat кишига умид бағишламоқда.

* * *

Биз нафақат ўтмишдаги буюк аллома – фузалоларимиз билан, айни пайтда осмонупар қадимиий обидаларимиз билан, нодир китобу қўлёзмаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга истеъмолга тегишли анчагина уй-рўзгор буюмларимиз борки, улар ҳам бой меросимизни ифода этади. Машхур ёзувчимиз А.Қаҳҳор «Грузинларда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам гиламнинг устига илиб қўядилар» деган. Бинобарин, бошқа миллат қадриятларини камситмаган ҳолда, ўз халқимизнинг азалий урф-одатларини сақлашимиз ва бойитишимиз лозим. Қўплаб қадимиий сўзлар, буюмлар борки, улар бизнинг диёримизда яратилган. Лоақал «утюг» – «дазмол» сўзини олиб қўрайлик, у «утлуғ» маъносини билдиради. «Чемодан» эса туркча бўлиб «жомадон» сўзидан олингандир. «Дача» сўзини «дала чайла» сўзидан олинган деб таҳмин қилиш мумкин. Музқаймоқ, макароннинг асл ватани қадимиий Самарқанд экан. Уни Европага XIV асрда Испания элчиси Клавихо олиб келган. Шўро тузуми, миллатларнинг ўтмиш осори атиқалари ва унинг тарихини хаспушлади, умумиттифоқ турмуш тарзига эътиборни қаратди. Режа асосида иш юритиш тамоили ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини ошириш эмас, балки миқдорини кўпайтиришни тақозо этади. Социалистик тузум шароитида ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот ижтимоий жиҳатдан фойдалидир, деган сунъий тасаввур ҳосил қилинди, бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий масъулиятсизлигини

келтириб чиқарди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг чет эл молларига эътибори ва интилишларини кучайтириб юборди. Онгимиз, шууримиизда «чет элникуми, демак, «аъло» деган тасаввур пайдо бўлди. Қисқаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пъесасидаги Фармонбиби таъбири билан айтганда, «Ҳўрозқанд чет элники экан деса, ётволиб ялаймиз», деган ҳолатга келинди. Яна бир мисол. Айтишларича, бир дўконда шим сотиладиган бўлибди. Кўплаб кишилар уни сотиб олиш учун катта қизиқиш билан навбатда турганлар. Чунки шимнинг «СШАда ишлаб чиқарилган» деган белгиси бор экан. Аслида у «Самарқанд шим артели»да тайёрланган буюм бўлиб чиқкан. Бугун диёrimизда жаҳон стандартларига мос келадиган кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган ва у изчил амалга оширилмоқда. ҳалқимизда «Тоққа чиқкан чўққини кўзлайди», деган нақл бор. Ҳозирданоқ кўпгина моллар истеъмол бозорини тўлдирмоқдаки, улар чет элницидан қолишмайди, ҳатто муҳим афзалликларига эгадир.

Шуни айтиш керакки, ўз товарларимизни элга манзур қилиб ишлаб чиқариб, уни үзимиз истеъмол қилишимиз бу оддий истеъмолчининг мавқеи эмас, балки ватанпарварликнинг бир белгисидир. Кореяликлар, масалан, фақат юртида ишлаб чиқарилган машинани минар, кийим-кечакларни кияр эканлар. Японияда маҳсулотни долларга эмас (гарчи у қимматроқ баҳоланса ҳам) ўз пул бирлиги – иенага сотар эканлар. Бундай мисолларни араб давлатлари ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов Наманганда бўлгандаридаги училикларга савол бериб: «Пахта үзимизни. Ҳўш, қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакларни хориждан сотиб оламиз? Нима учун «Уйчи» номли эркаклар кўйлаги тикишни кенг йўлга қўймаслигимиз керак?», деб куончаклик билан таъкидладилар. Бинобарин, мавжуд хом ашёларимиздан юқори сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юртимиз бойлигининг кўпайишига, ишсизликнинг камайишига, ҳалқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қиласди. Шунингдек, у миллий гурур ва фахр-ифтихор ишига айланади.

Баъзан кишиларда «Сўзнинг баҳоси борми? У талаб ва таклиф қонуниятларига бўйсунадими?» деган савол туғилади. Унга «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Сўзланса, шундай сўз айтиш керакки, унга ҳамиша харидор топилсин! Кенг қамровли, чуқур мазмунли сўзларнинг қадр-қиймати ниҳоятда баланд бўлади. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов «Одамнинг сўзамоллиги, чечанлигидан ҳам йўлларида гуллар унади, қалбларни гўзаллик туйғуси чулғайди» деб таъкидлайди. Салоҳиятли тингловчилар сўзларни бутун вужудлари билан эшигадилар, уларнинг қулоги мисоли дурга тўлади. Ўз вақтида топиб айтилган сўзлар инсонни эзгу ишларга сафарбар қиласди. «Яхши сўз – жон озиги» дейилиши шундан.

Буюк шоиримиз Алишер Навоий сўзнинг инсон ҳётидаги катта аҳамиятига ургу бериб, қуидаги мисраларни битган эдилар:

*Маъданни инсон гавҳари сўз дурур,
Гулшани олам самари сўз дурур.
Ҳам сўз ила элга ўлимдан најот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.*

Элга, жамоага манзур бўладиган нутқ ирод қилиш осон эмас. Айтилган сўз гўёки отилган ўқ ҳисобланади. Ҳуда-бехудага шошма-шошарлик билан далилларни қалаштириб ташлаш яхши маърузачининг тамойили эмас. Нутқ санъати ва инсонларнинг ўзаро муносабати бўйича америкалик йирик мутахассис Дейл Карнеги бу ҳақда гапириб: «Нутқ бу 30 минутда пишадиган сомса эмас», деб таъкидлайди. Унинг фикрича: «Маърузачига қисмат лимон ҳадя этган бўлса, уни лимонадга айлантириш керак бўлади». Бинобарин, шундай нутқ сўзлаш керакки, одамлар ундан маънавий завқ олсин, нутқ уларнинг қалбига кириб борсин, бунёдкорлик ишларига ундинсин. Таъсирчан нутқлар инсоннинг тафаккур қилиш имкониятларини 10 фоизгача оширап экан.

XXI асрға қадам қўйган миллатимиз имкониятларининг пойдевори билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти ҳисобланади. Юксак мэрраларга эришишда замонавий билим ва тажриба соҳиби бўлган, янгича фикрлайдиган ёшлар асосий таянчимиз ва суюнчимиз бўлади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидай: “Бугун Ватанимизга нафақат юқори малакали мутахассислар, балки умумбашарий мерос ва қадриятларни замонавий билим ва тафаккур билан бойитишга қодир баркамол ёшлар керак”. Демак, ёшларимиз юрагида Ватан туйгуси, миллий ғурур шаклланиши лозим. Қатрада күёш акс этганидек, шу азиз Ватанимизнинг бир қарич ери, бир қултум суви, бир нафас оларлик ҳавоси, бир шингил меваси, истарали инсонларнинг айтилган бир оғиз ширин сўзи, беғубор тонглари, сўлим шомлари, дунё ҳалқлари ҳавас қилаётган тинчлигимиз – ҳамма-ҳаммаси ёшларимиз учун жондек азиз, қудратли ва муқаддас бўлиши зарур. Бунинг учун уларда комилликка интилиб яшаш, Ватанга, касбга, билим олишга муҳаббат ва садоқат туйгуси жўш уриши даркор. Шу билан бирга ишсиз, тайинли бир касбнинг бошини тутмай, ҳаётини мазмунсиз, умрини зое ўтказаётган, айни гуллаган ёшида жиноят оламига ва бошқа нопок йўлларга кириб қолган айрим ёшларимиз ўкинч ва ташвиш түғдирмоқдалар. Уларни бу йўлдан қайтариш, иродасини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш, қийинчиликларни бартараф этишга ўргатиш ҳар биримизнинг хайрли ишимиз ва инсоний бурчимиздир.

Буюк мақсадлар учун яшаб, ёшларга илм ва хунар беришдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни бажариб, юрт келажаги учун ўз ҳиссамизни қушаётганлигимиздан фахрланайлик. Ота-боболаримизнинг маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат соҳасидаги буюк қадриятларини ёш авлодга сингдириш, уларни янги ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги улуғ мақсадимизнинг узвий бўлагидир.

МУНДАРИЖА

Эзгуликка ташна қалб.....	3
Муқаддима.....	5
Маънавият - тараққиёт омили.....	8
Ахлоқ-одоб - инсон безаги.....	49
Маърифат - олий фазилат.....	78

Ҳамидхон Набиев

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БҮСТОНИ

Маънавий-маърифий муроҷааталар

Масъул муҳаррир: **Исматулла Абдуллаев,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
Беруний номидаги Давлат муроҷаати лауреати,
филология·фанлари доктори, профессор.

Муҳаррир: **Муҳаммад Вали**

Мусаввир: **Аҳадхон Дадабоев**

Техмуҳаррир: **Юсуфжон Самадов**

Бадиий муҳаррир ва

мусахҳих: **Нозимжон Жабборов**

Теришга 2003 йил 10 октябрда берилди. Босишга 2004 йил
12 январда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1-32. 6,5 босма табоқ.
Офсет усулида газета қофозига босилди. Адади 1000 нусха. 99-
буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Наманған" нашриёти (*Наманған шаҳри, Навоий кӯчаси, 36.*)
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ибрат номли вилоят босмахонаси (*Наманған ш. Навоий
кӯчаси, 36.*)да босилди ва муқоваланди.

